In these examples, the same form of a Mongolian verb corresponds to both transitive and intransitive forms of a verb in Chagatay. Taking the phonetic change of a sound sequence 'VgV' to a single long vowel in Mongol into consideration, we can assume that ‹bâqtâbh› (bagt**aga**-ba) and ‹hyjybh› (ač**ägä**-bä) were pronounced with a long vowel as [baqta:ba] and [hetʃe:be], while ‹bâqtâbh› (bagta-ba) and ‹hyjybh› (ačä-bä) were pronounced as [baqtaba] and [hetʃebe] with a short vowel.

3. Reduction

There are some pieces of evidence for vowel reduction in West Middle Mongol.

Word	(1)	(2)	(3)	Meaning
(č**a**gan)	‹j**â**ğân›	‹j**y**ğân›	‹jğân›	"white"
(bay**a**ska-ba)	‹bây**â**sqâbh›	‹bây**y**sqâbh›		"made happy"
(küč**ü**-tü)	‹kwj**w**tw›	‹kwj**y**tw›		"having power"
(güy**ü**lgä-bä)	‹kwy**w**lkbh›	‹kwy**y**lkbh›		"let run"

Both the open unrounded vowel in the former two words and the close rounded vowel in the latter two in (1) appear as a close front unrounded vowel in (2) and as nothing in (3). The forms in (2) with a close front (i.e. palatal) unrounded vowel can be explained by the influence of the preceding postalveolar and palatal consonant upon the following vowel. If the vowel was pronounced clearly with its original articulation,

this could not have occurred. The form in (3) with 'omission' of a letter for a vowel can be a reflection of vowel deletion, the ultimate state of vowel reduction[10]. From these examples we can say that vowel reduction was taking place in the language.

BIBLIOGRAPHY:

Muqaddimat al-Adab, The Alisher Navoi State Museum of Literature, Tashkent.

Jakobson, Roman. 1940-42. Kindersprache, Aphasie und allgemeine Lautgesetze. *Språkvetenskapliga Sällskapets Förhandlingar.* (English translation: *Child Language, Aphasia and Phonological Universals.* The Hague: Mouton, 1968)

Lessing, Ferdinand D. ed. 1960. *Mongolian-English Dictionary.* Berkeley and Los Angeles: University of California Press. (Corrected Re-printing: The Mongolia Society, Inc., 1982)

Maddieson, Ian. 1984. *Patterns of Sounds.* Cambridge: Cambridge University Press.

Poppe, N. N. 1938. *Mongol'skij slovar' Mukaddimat al-adab, I-III.* Moskva-Leningrad: ANSSSR. (Reprinting: Gregg International Publishers, Ltd. 1971)

Saitô, Yoshio. 2003. *Chûki-Mongoru-go no Moji to Onsê* (Scripts and Sounds in Middle Mongolian). Kyôto: Syôkadô (Shoukadoh).

Saitô, Yoshio. 2006. *The Mongolian Words in Kitâb Majmû' Turjumân Turkî wa-'ajamî wa-Muğalî: Text and Index.* Kyôto: Shoukadoh.

Sugahara, Mutsumi. 2006. *Kutadugu-Birigu* kara *Gotai-Shinbunkan* made – Chûô-Ajia Churuku-go Arabia-moji sêshohô no hensen – (From *Qutaḍġu Bilig* till *Wu-t'i Ch'ing-wên-chien* – Development of the Arabic orthography used in the Central Asian Turkic –). In *A Festschrift in Honour of Professor Masahiro SHÔGAITO's Retirement, STUDIES ON EURASIAN LANGUAGES.* Kyôto.

---

[1] This manuscript is the copy of the original made shortly after its discovery and sent to Leningrad for temporary use. Poppe (1938) was based on this handwritten copy. The whereabouts of the original manuscript is unfortunately unknown.

The manuscript in the possession of The Alisher Navoi State Museum of Literature was 'discovered' by KANNO Hiroomi in early 2004, and its colour facsimile copy will soon be produced with Grant-in-Aid for Scientific Research (B 17320061) from The Japan Society for the Promotion of Science.

[2] Some scholars believe this transcription system with vocalic *'alif, yâ'* and *wâw* is a transliteration of the Uighur orthography.

[3] This is an adoption of Chagatay orthography.

Forms in transliteration are in single French quotations (‹ ›) in this paper. The following symbols are

used in the author's transliteration system:

‹â›: 'alif, ‹ğ›: ghayn, ‹~›: madda, ‹#›: final allograph appearing word-medially.

[4] CM: Common Mongolian language, #: Word boundary, C: Any consonant, ___: Position

[5] The vocalic use of the letter ‹h› in word-final position is not a simple problem to solve. This may merely be an influence of Persian orthography, however, the author once put forward the idea that it may reflect an ongoing sound change.

[6] E.g.: ‹hykyn› "head" (äkin), ‹saqybh› "protected" (saki-ba).

[7] E.g.: ‹âwkâr› "ox" (ükär), ‹âwqâbh› "understood" (uka-ba).

[8] We can know the vowel distinctions in terms of quality and quantity from both the use of Arabic letters and linguistic universalsas shown here. In many cases, however, we cannot know which vowels a specific word had unless we compare it with its cognates in other Mongolian languages. E.g.:

Vowel	Word		
/u/ or /o/	‹q**w**dâl› "lie"	‹q**w**nyn› "sheep"	
/ü/ or /ö/	‹k**w**jyn› "power"	‹k**w**l› "leg"	
/u/, /o/, /ü/ or /ö/	‹m**w**d**w**n› "tree"	‹s**w**n› "milk"	‹d**w**rbân› "four"
/ï/ or /i/	‹n**y**lbwswn› "tear"	‹h**y**ldw› "sword"	
/i/ or /e/	‹n**y**dwn› "eye"	‹n**y**bh› "opened"	
/e/ or /a/	‹âwn**â**n› "truth"	‹âwl**â**n› "many"	

[9] In the author's transcription of words in Mongolian script, *k* and *g* are used in place of *q* and *γ* respectively. E.g.: *kagan* "emperor."

[10] We cannot deny the possibility that this spelling is just graphic.

9

《果物》と《葡萄》を意味するモンゴル語について[1]

―『ムカッディマト・アル・アダブ』のチャガタイ語とモンゴル語から―

斎　藤　純　男

0.　アラブの辞書編纂と『ムカッディマト・アル・アダブ』

アラブの言語研究、すなわちアラビア文法学では、言語研究を大きく４つの分野に分けるが、そのうちのひとつである語彙学［al-luğat］において辞書編纂は重要な位置をしめる。

すぐれた文法学者であるザマフシャリー［al-Zamaxšarī, 467-538AH/1075-1144AD］に『ムカッディマト・アル・アダブ［Muqaddimat al-Adab］(ことばへのみちびき)』という著作がある。ホラズム王アトスズ［Atsïz, 521-551AH/1127-1156AD］に捧げられたアラビア語学習のためのアラビア語・ペルシャ語辞典で、「名詞」「動詞」「不変化詞」「名詞の変化」「動詞の変化」の５部からなる書である。この本はのちに多くの写本が作られ、ペルシャ語以外の言語が加えられたものも多数存在する。

それらの写本のうち、1926 年にブハーラー［Buxārā］のアビセンナ（イブン・スィーナー）図書館［Библиотека имени Авиценны］でフィトラト［Äbdulräuf Fitrat (‘abd al-Ra’ūf Fiṭrat), 1886-1938 AD］によって発見された写本のひとつは、その「名詞」「動詞」の部にチャガタイ語・モンゴル語の対訳が加えられたものである。すなわち、１行目のアラビア語の下にペルシャ語訳があり、さらにその下の３行目にチャガタイ語訳、一番下にモンゴル語訳という形式である。チャガタイ語部分のみ朱色のインクが使用されており、それ以外は黒色である。

この写本におけるチャガタイ語とモンゴル語の大きな特徴は、語順が本来のものと異なっていることである。チャガタイ語はもともとアラビア字で書かれ、ネワーイーの作品やバーブルの回想録をはじめとする多くの著作があり、それらにおいてはそのような語順はとられていないので、これは対訳辞書形式の『ムカッディマト・アル・アダブ』に特有のものと思われる。

1.　『ムカッディマト・アル・アダブ』における《果物》と《葡萄》

《果物》と《葡萄》を意味する語は、チャガタイ語・モンゴル語両言語において翻訳という形で記載さ

---

[1] 本稿は、第 49 回国際アルタイ学会（ベルリン、2006 年 8 月）において口頭発表した内容をもとに以下のところに発表したものとほぼ同内容である。『語学教育フォーラム』第 13 号、大東文化大学語学教育研究所、2007 年 10 月。

れており[2]、ほぼ次のように言える。チャガタイ語においては、ペルシャ語の mīve《果物》には yemiš が、angūr《葡萄》には üzüm が対応する。それに対して、モンゴル語ではどちらも jimiš で、区別がおこなわれていない。

	ペルシャ語	チャガタイ語	モンゴル語
《果物》	mīve	yemiš	jimiš
《葡萄》	angūr	üzüm	jimiš

モンゴル語の jimiš はテュルク系の言語からの借用語であることが知られている。現代ハルハモンゴル語では《(干し) 葡萄》を意味する üdzem という語が存在し、モンゴル文語でも üjüm と書かれる語がある。しかし、『ムカッディマト・アル・アダブ』では《葡萄》を意味する特別の語がなく、《果物》を意味する語でそれが示されているのである。

2. モンゴル語における《果物》と《葡萄》の歴史

ここで、過去のモンゴル語において《果物》と《葡萄》を表すのにどのような語が用いられていたかを見てみよう。アラビア字、漢字、モンゴル字、マンジュ字、ハングルの各文字で書かれた 14 世紀から 18 世紀の文献では次のようである。

文字名	文献名 (通称のものも含む)	世紀	《果物》	《葡萄》
アラビア字	イブン・ムハンナーの語彙	14	‹jmyš›	‹âuzum›
	ラスールの語彙	14	‹jmyš›	‹âzwm›
	ムカッディマト・アル・アダブ	15?	‹jymyš›	‹jymyš›
漢字[3]	華夷譯語[4]	14	jemiš [i]	üdzüm
モンゴル字	エルデニイン・トブチ (蒙古源流)	17	jimis	-
	アルタン・トブチ (蒙古黄金史)	17	jimis	-
マンジュ字	御製満珠蒙古漢字三合切音清文鑑	18	jimis	üjüm
ハングル	蒙語類解	18	jimis	üjüm

---

[2] 『ムカッディマト・アル・アダブ』は、上に述べたようにアラビア語に対応する訳を付けた形式のものである。語によってはテュルク語やモンゴル語が話されていた地域に存在しないものがあるが、それらは借用するか (loanword) なぞるか (calque) によって表されている。

	ペルシャ語	チャガタイ語	モンゴル語
《ナツメヤシ》	‹xrmâ› xurmā	‹xrmâ›	‹xrmâ›
《ウナギ》	‹mâr mâhy› mār-māhī	‹âylân bâlyq› yïlan balïq	‹mwğây jyğâswn› mogai jigasun

チャガタイ語とモンゴル語において、「ナツメヤシ」はペルシャ語の単語をそのまま用いているが、「ウナギ」はペルシャ語での「ヘビ」と「魚」の2語を合わせた言い方をそのまま直訳していることがわかる。

[3] 原典が 13 世紀に書かれたと考えられる『元朝秘史』にこれらの語は現れない。

[4] それぞれ漢字で〈者迷失〉、〈兀遵〉と現れる。

『ムカッディマト・アル・アダブ』以外の文献においては、《果物》にはjimišないしその変異形が、《葡萄》にはüzümないしその変異形が使用されているのがわかる。これらがどのような変化をたどったかについては以下の音から推測できる。

(a) jimiš, jemiš の語頭子音 j-

まずはじめに考察しなければならないのが語頭子音j-である。このj-を持つ形はチャガタイ語yemišからの借用語とは考えられない。yäkä《大きい》などに見られるようにモンゴル語においても硬口蓋接近音が存在したので、もしチャガタイ語からの借用であったらy-で始まる語形を有していたにちがいないからである。

Clauson (1957, 1958/59)の言うように[5]、このj-ではじまる語形はy- > j-という変化を起こしたテュルク語から借用されたと考えられる。したがって、『ムカッディマト・アル・アダブ』のモンゴル語は中央アジアにおいてチャガタイ語と接触する以前にjimišという語を持っていたと考えられる。

(b) jimiš, jemiš の語末子音-š

次にjimišの語末子音-šである。モンゴル語においてこの音はもともとは語末に現れないものである。テュルク系のuluš《人々、国》がモンゴル語においてulusとなったのはよく知られている。アラビア字文献と漢字文献において語末に-šが現れている理由としては、14世紀においてこの語がまだモンゴル語化していなかったこと、そして、書記が複数の言語に通じていて語末においてこの音を容易に発音できたということが考えられる。

『華夷譯語』においては、語末の-šを表すのに母音iを伴うšiという音節に対応する漢字〈失〉を用いたが、これは母音iを伴って発音されていたということをかならずしも意味しない。『華夷譯語』における音写システムには精巧でないところがあり、音節末子音を表すのに特別な表記法を用いず、周囲の母音に近い音価の母音を持つ開音節に対応する漢字を使用した[6]。たとえば、次のようである。

モンゴル語	漢字表記	意味
älčin	〈額里臣〉 e-li-čin	《使者》
bolju	〈孛魯周〉 bo-lu-ju	《なって》

同様に〈者迷失〉je-mi-šiのように「失 ši」が音節末（語末）子音-šを表すのに用いられたと考えられる。

---

[5] G. Clauson (1957: 44)では次のように言っている。（Clausonの表記は現代トルコ語正書法をベースとしたものである。）
All these words [Mongol *cil* 'year', etc.] must have been borrowed from some Turkish language, presumably in the NE group, which had already changed *y-* into *c-* by, or shortly before, XIII.

[6] より借用時期の早いuluš《国》は、『華夷譯語』『元朝秘史』ともに〈兀魯思〉u-lu-sと-sを持って現れる。

この語がモンゴル語化する過程において -š は -s に取って代わられ、jimiš は 17-18 世紀のモンゴル字・マンジュ字・ハングル文献で jimis と現れるようになった。

(c) üzüm の語中子音-z-

最後に üzüm の語中子音-z-である。モンゴル語において摩擦音 z は存在しなかったと考えられ、テュルク語系の単語 üzüm はマンジュ字やハングルの文献で üjüm と現れ、摩擦音 z が破擦音 j に置き換わているのがわかる。『華夷譯語』では〈兀遵〉u-dzum というようにモンゴル語にはなかったはずの歯茎破擦音 dz が現れるが[7]、これは当時の漢語において存在しなかった摩擦音 z を破擦音 dz で置き換えたためと考えられる。これは音写者の言語的背景によってこのようになったものと解釈できよう。

「イブン・ムハンナーの語彙」や「ラスールの語彙」においては、üzüm というようにテュルク語と同じ形で現れる。これは、次のように説明できる。当時のモンゴル語には《葡萄》を意味する語はなかったので、テュルク語の単語を使用した。そのテュルク語の形はモンゴル語の音体系にはまるものではなかったが、当時のイスラーム世界においてモンゴル語を解する知識人はテュルク語やペルシャ語、アラビア語にも通じていたと思われるので、このような結果となったのであろう。

『ムカッディマト・アル・アダブ』においても《葡萄》を意味するモンゴル語はなかったが、「イブン・ムハンナーの語彙」や「ラスールの語彙」とちがって語を新しく借用することはせず、すでにあった《果物》を意味する語を転用した。これは次のように推測できる。すなわち、その写本が作成された地域では葡萄はもっとも一般的で重要な果物であった。したがって、総称的な語が特定の意味に用いられるようになった。

このような例は広く見られるものである。たとえば、英語の corn という語はもともと《穀物一般》を意味していたが、英国の一部では《コムギ (wheat)》を意味し、北アメリカでは《トウモロコシ (maize)》を指す。日本語でも「イモ」という語は、植物学的には同種でないジャガイモ、サツマイモ、サトイモ、タロイモなどを指す総称的な言葉としての意味を持つ一方、地域によっては《ジャガイモ》を指したり《サツマイモ》を意味したりする。これらと同様に、『ムカッディマト・アル・アダブ』のモンゴル語では、「果物」と言えば、せまい意味では《葡萄》を意味したのではないだろうかと考えられる。

参考文献

Clark, Larry

1980 Turkic Loanwords in Mongol, I: The Treatment of Non-initial s, z, š, č. *CAJ* 24.

Clauson, Gerard

---

[7] A. Mostaert et Igor de Rachewiltz (1995: 27)は、この音について次のように述べる。

..., la forme avec -dz- (-z-) du *HIII* montre que ce mot [= *südzül-*] est un emprunt direct du turc, ...

1957 The Turkish Y and Related Sounds. *Studia Altaica.* Otto Harrassowitz, Wiesbaden.

1958/59 The Earliest Turkish Loan Words in Mongolian. *CAJ* 4.

1959/60 The Turkish Elements in 14th Century Mongolian. *CAJ* 5.

Gô, Minoru et al.

1990 *Sagan Secen, Erdeni-yin Tobci: A Mongolian Chronicle of 1662. I.* The Australian National University, Canberra.

Golden, Peter ed.

2000 *The King's Dictionary, The Rasûlid Hexaglot.* Brill, Leiden.

Haywood, John A.

1965 *Arabic Lexicography* (Second edition, Photomechanical reprint). Brill, Leiden.

栗林均

2003 『「華夷譯語」（甲種本）モンゴル語全単語・語尾索引』東北大学東北アジア研究センター

栗林均、呼日勒巴特爾

2006 『「御製満珠蒙古漢字三合切音清文鑑」モンゴル語配列対照語彙』東北大学東北アジア研究センター

Mostaert, A. et Igor de Rachewiltz

1995 *Le matériel mongol du Houa i i iu 華夷譯語 de Houng-ou (1389) II Commentaires.* Institut Belge des Hautes Études Chinoises, Bruxelles.

孟達来

2007 「『華夷譯語』（甲種本）モンゴル語音節末子音の漢字音訳について—音訳漢字の声母・韻母・声調の観点から—」『語学教育フォーラム』第 13 号、大東文化大学語学教育研究所

de Rachewiltz, Igor and John R. Krueger

1991 *Sagan Secen, Erdeni-yin Tobci: A Mongolian Chronicle of 1662. II.* The Australian National University, Canberra.

Saitô, Yoshio（斎藤純男）

2001 *Index to the Mongolian Words in Muqaddimat al-Adab.* Ms.

2006 「アラビア字モンゴル語文献とその表記」、町田和彦・菅原純（編）『周縁アラビア文字文化の世界—規範と拡張③—』東京外国語大学アジア・アフリカ言語文化研究所

Starostin, Sergei et al.

2003 *Etymological Dictionary of the Altaic Languages,* Brill, Leiden.

第２部

資　　料

Materials

10

موقه ددىمه تولئه ده ب

مقدمه الادب

فيتره ت

مه عارف وه ئوقوتغوچى ۸ـ۷ سان

フィトラト「ムカッディマト・アル・アダブ」[1]

[1] *Mə'arif və Oqutɑqučĭ (Maorif va o'qutg'uchi),* No. 7-8, pp. 38-40, Samarkand, 1926. (A copy of this article was provided by Z. Islamov.)



موقەددەمە تولۇەدەب.

(مقدمة الادب)

فیترەت.

عەرەب تل ئەدەبیاتیدىك ئیڭ مەشھور عالملاریدان «زەمەخشەری» (ابوالقاسم محمود بن عمرالزمخشری، هجری ۵۳۸ ده. تولگەن) تامانیدان یازلغان عەرەب لوغەتی بولوب، عەرەب عالملاری آراسیدا جوده‌که‌تنه ئیعتیبار تاپقان بر کیتابدر. «که‌شفوززونون» ئیگەسی «کاتب چالابی» بو کیتاب توغریسیدا یازغاندا بونڭ «زەمەخشەری» تامانیدان یازلب خارازمشاهیلاردان «سولتان آنسز» [1] غا تارتوق قیلمغانینی سوبلەب ئسملار، فیعللەر، حەرفلەر، ئسم ئوزگەرشلەری، فیعل ئوزگەرشلەری عونوانلاری بىلەن بیش قیسمغا آجرالغانن بلدرەدر.

بو کیتاب هەر فایدا «موقەددەمەتولئەدەب» آتالغان: «لوغەتی خارازمشاهی» آتالغانیغا عایید «که‌شفوززونون» ده‌ده، باشقا مەنبەعلەر ده‌ده هیچ بر قەید یوقدر. براق «زەمەخشەری»نڭ ئوزی کیتابنڭ باش تامانیدا «ئەبول ەوزەففەر آنسز ئیمنی خارازمشاهنڭ ئەمری بىلەن، ئونڭ بای کوتوبخاناسی ئوچون بو کیتابنی یازب ئونڭ آتی بىلەن آتادم» دیمڭ بو کیتابتڭ ئەسل آتی «لوغەتی خارازمشاهی» بولسا هەم علم ئیگەلەری آراسیدا «موقەددیمەتولئەدەب» دیب شوهرەت چیقارغان. بو کیتابنڭ آلمانیانڭ قایسی بر شەهریده موسته‌شرقلار تامانیدان باسملغان نیمی بورونغی «شورا» جورنالیدا ئوقوغان ئیدم.

«زەمەخشەری» بو کیتابینی عەرەبچەده یازغان، فارسیچایا تورکچەگە تەرجیمه قیلغانینی کورسەتمه‌گەن. «که‌شفوززونون»ده‌ده. باشقا مەنبەعلەرده بونڭ زەمەخشەری تامانیدان فارسیچا یا تورکچەگە کوچرلگەنی کورسەتلمەیدر. «که‌شفوززونون»ده بونڭ هجری (۱۱۲۰) نچی یلده عوسمانلی تورکچەسیگە خوجانشاخاق ئەفەندی تامانیدان کوچرلگەنی کورسەتلگەندر. بوخارا دائمی «ئیبنی‌سینا» کوتوبخاناسیدا بونده‌ن ئیکی نوسخا بار. برنچیسی هجری (۷۰۵) نچی یلدا «حەمید حافز» دیگەن بر کاتب تامانیدان یارلغان. کیتابنڭ بیش قسمی هەم تەمام مەوجوددر. ئسملەر، فیعللەر قسملاری عەرەبچە آستیدا فارسیچا تەرجمه ئیتلگەن. قالغان ئوچ قسمی ئیسه تەرجمەسز دەوام ئیتکەن. ئیکنچیسی هجری (۸۹۸) ده «دەرویش موحەممەد» دیگەن بر کاتب تامانیدان یازلغان، هاشیەسیدا ۵ قفلغینی کورسەتکوچی تامغالار (موهرلەر) بار. تامغالاردا فارسیچا:

ۋاقفی این نوسخا ئەزیەهر ریزای مؤسسەعان
هەست قول بابای کوکەلتاشی عەبدوللاهخان

بەینی یازلب ئوست تامانیدا (۹۷۷) ره‌قەملری قویولغان بونده‌ن آکلاشلادرکم بو کیتاب مەشهور ئوزبیك خانی «عەبدوللاخان» (۹۴۰–۱۰۰۶) نڭ ئولوغ بیکلەریدەن قول بابا کوکەلتاش تامانیدان (۹۷۷) نچی قایسی بر کوتوبخاناغا وەقف ئیتیلب ناپشرلغان بو کیتابنڭ بوخارا کوتوبخاناسیدا بولغانی اوروپالی موسته‌شرقلارغا مەعلوم بولغانی کەبی ئوزبیك علمی کشیلەریگە هەم مەعلومدر. ۲۱ نچی یللەرده تاشکینتده‌ن بوخاراغا کیلگەن علمی هەیئەت تامانیدان بوکیتابده‌ن بر نوسخا بارلرلب تاشکینت گە یوبارلغان ئیدی. براق بو کونگەچه شو کیتاب توغریسیدا جیددی ئیکشرش

1) ئەبول موزەففەر آنسز ئیمنی ئوتیبدین، خارازمشاهلارنڭ ئیکنچیسی بولوب هجری (۵۱۱)ده ئولگندر.

ياساب علمى بز ماقالا يازغوچىسى كشى بولمادى. مين ئوزمنك كوچسز لكمگه قارامسدان مەنه شو ماقالانسى يازب مايدانغا چيقارمافچى بولدم. مينك بو ماقالام علمى بر نەرسه بولماسا هەم، علمى كئيلەرنك دقتەتىرىنى بو كيتابكه تارتشقا سەبەب بولور دىب ئومىد ئينەمەن.

كيتابنك ئسملەر، فيعللەر، حرفلەر، ئسم ئوزگەرشلەرى، فيعل ئوزگەرشلەرى عونۇانلارى بىلەن بيش قسمدان عيبارەت بولغانن يوقاريدا يازغان ئيدم. بزنك قولىمزدا غى بونوسخادا بالغوز ئسملەر، فيعللەر قسملەرى آلتغان، قالغان ئوچ قسمى تاشلانغان. مەزكور ئوچ قسم كيتابمەن توشوب قالغان ئيمەس؛ مەخسوسەن شول ئيكى قسم آلتب قالغان ئوچ قسم كيرەك ناپلماغان داكاتبنك ئسمى بيلەن كيتابەت تەريخى يازلب كيتاب بترلگەن.

كيتابەدگى عەرەبچه هەر سوزى فارسيچا، چيغاتايچا، يەنه ئوچنچى بر تلگه تەرجمه ئيتلگەن. هەر سوزنك باشدا عەرەبچەسى، ئونك آستيدا فارسيچاسى، ئونك ئاستيدا چيغاتايچاسى، آندان توبەن مەنه شو بلمەگەنيمز تلده يازلغان: مەنه شو تەرتيبده:

ۋاقت	(عەرەبچه)
هەنگام	(فارسيچا)
چاق	(چيغاتايچا)
جاق	(؟)

بوندەن سوڭرا ۋەقتنك جەمعى بولغان «آۋقات» سوزى يازلغان؛ بونك برلگى باشقا تللەردەئوتكەنى ئوچون بونگه آيريچا ماعنا بيرلمەگەندە جەمع بولغانينى بلدرگەلى (ج) ئشارەتى قويولغان مەنەشوندەى:

ۋەقت	آۋقات	(عەرەبچه)
هەنگام	ج	(فارسيچا)
چاق	ج	(چغاتايچا)
جاق	ج	(؟)

آندان كيين ۋەقت سوزى بيلەن بىر ماعنادا يورغان «زامان» سوزى آلتغان بونگه: هەم باشقا تللەردە آيرم، آيرم ماعنا بيرمەسەدەن ۋەقت سوزينك مبسلى ديمەك ئوچون (م) ئشارەتى يازلغان عەرەبچه «خۇرج» سوزينك ئاستيدا فارسيچاسيدا خورجين يازلغان دا، قالغان ئيكى تلده هەم شول خورجين سوزينك مەعلوم، تاتلمش ئيكەنينى كورسەتمەك ئوچون «مەعروف» سوزيدەن (ف) حەرفى قويولغان. ديمەك بو كيتابده ج = جەمع، م = مبسل، ف = مەعروف ئشارەتلەرى بار در.

بۇ كيتابدەكى چيغاتاى لوغەتلارى نك تاڭايلار را مانيدان، يا ئوندەن بورونغى زامانلاردان قالغان بر مەنبەع بولغانى ئوچون بزگه بارارلق ئيكەنيگه شوبهه يوقدر. براق مەسئەله بونك مەليگى بلمەگەنيمز لوغەتيدار، بۇ قابسى تل؟ قاندای لوغەت؟

باشلاب بوكيتابنى بوغارادا كوروب مينگه بازغان (مين تاشكينتده ئيدم) بولات سالييف بونك ماغولچا بولماق ئيحتيمالينى سويلەگەن ئيدى. تاشكينتدەكى بەعزى موستەشرقلارنك بونك «ماغولچا» ئيكەنيگه ئشانماي بورغانلارينى كمدەندر ئيشتكەنم بار. مين ئوزم ماغولچا بلمەگەنم ئوچون بونوغريدا قەتعى بر نەرسه ئەيته آلمايمەن. شونك ئوچون هەليگى بلمەگەنيمزنلدەن بەعزى سوزلەرينى چغاتايچا موقابللارى بيلەن بازب «مەعارف وەئوقۇتقۇچى» ژورنالى ۋاسيتەسيله عيلم ئيگەلەريگه عەرز قيلشدان باشقا چارەم يوقدر.

؟	چيغاتايچا
سارا	آى
آراسارا	زيلفەعده آيى بوآينك بوكون هەمبزدەكى ئسمى «آرا» در.
شيلان جاق	قويلش چقتاندان برآز سوڭغى زامان. بزنك «نانشۇشته» ديگەنمز جاق. بوسوز خانلارنك رەسمى زيبافەتى بولغان شيلان - شولان سوزينك خوددى ئوزيدر.
سونى	كيچه
سونى دو	كيچەده
كى	يېل، شامال
قويون	گردباد، بونك چغاتايچا ئوزبيكچەسى هەم قويوندر.
غاجار	ببر
شيوه	توبراق
ئونكور	ئونكور، ماغارا
ئولا	تاغ
ئوضون	سۇۋ
توقان	قازان
توقان قارا	قازان قاراسى

بایان بای
؟ چغاناچا
غال آلۆ

غولومتان | ئوچاق، یونده‌گی «نان» فارسیچا «آتەشدان» سوزیده‌گی «دان»غا ئوخشایدر.

براوون جوون | ئوك سول ماغولچا عەسكەری تەقسیماتیدا ئوك، سول قولارغا «برانغار، جوانغار» دیيلەدر.


توپان بیك، ئەمیر. یونك ماغولچا ئیكەنی مەعلوم.
جاساق سالوغ
ساینلق یاخشیلق
مولق یامانلق

ئونكدن زامان فیعلەرینك قوشمچاسی تورك دل لەریده «دی - تی» «ر» یونده ئیسه «به» «پە» ر:

اونایه توشتی. یونك ئیتمەك ئسوزی بیلەن مؤ ناسەبەتی بار كەبی.
بولیه بولدی
جادولیه نیشتی

ئیمدی سانلارنی كورەیلك:

ئیكان	بر
قوریا	ئیكی
قوربان	٣
دوربان	٤
تلون	٥
جیرغوان	٦
دولان	٧
نایمان	٨
بیسون	٩
هوربان	١٠
مربان ئیكان	١١
قورین	٢٠
قورین ئیكان	٢١
غوبین	٣٠
قروجین	٤٠
تابین	٥٠
جیران	٦٠
دالان	٧٠
نایان	٨٠
بیران	٩٠
خاوون	١٠٠
منقان	١٠٠٠



شونك بیلەن بر كه كیتابەوزدان بر بینی‌نك سوء رەبینی هەم ئوقوچیلاربەزغا تەەدیم قیلب سوزنی نرەمەن. فیكرەمن.


11

A Photograph of the Original Manuscript
in
'ЗАМАХШАРИЙ Маҳмуд'
УЗБЕКСКАЯ СОВЕТСКАЯ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ, Том 4
Ташкент, 1973 [1]

[1] A copy of this article was provided by Kh. Khasanov.

нинг тишли етакчи диски б-н илаштириш учун хизмат қилади.

ЗАЛИЛИЙ (тахм. 1674, Ёркенд — вафоти номаълум) — уйгур шоири. Баъзи маълумотларда З.нинг асл исмя Муҳаммад Содиқ эканлиги қайд қилинади. Шарқий Туркистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқларини кезиб, халқнинг оғир ҳаётини кўрди ва бу нарса кейинчалик унинг асарларида ўз ифодасини топди. З.нинг ҳозирча бир тўплами маълум (1955 йилда Урумчи шаҳрида топилган). Тўпламга 2 қасида, 1 сафарнома, 532 мисрали «Тазкираи чилтон» (1734), 1540 мисрали «Тазкираи Муҳаммад Шариф Бузургвор »(1752) достонлари, 133 ғазал, 12 рубоий, 19 муҳаммас, 5 мустаҳзод ва форс тилида ёзилган 46 газали киритилган. Ватанпарварлик, инсоний севги З. шеъриятининг асосий мазмунини ташкил этади.



Залькалн Т. Э.

ЗАЛКА (Zalka) Мате (1896—1937) — венгр ёзувчиси. Биринчи жаҳон урушида итальян ва рус фронтларида иштирок этди. Окт. инқилоби таъсирида коммунистик ҳаракатга қўшилди. Партизан отрядларида иштирок этди (1919—20). Коммунистик партия сафига кирди (1920). Қизил Армияда батальон, полк командири, социализм қурилиши йилларида совет аппаратида ишлади. 1936 й. Мадридга кетиб, Испаниядаги миллий озодлик ҳаракатида «генерал Лукач» номи б-н шуҳрат қозонди, жангда оғир яраланиб ҳалок бўлди. 30-йилларда яратган ҳикоялари («Мангулик», «Стратегик шамол», «Мария Сабо», «Будённийчи», «Латифа»)да турли миллат кишиларининг эрк ва бахт учун курашини, совет халқининг граждалар урушидаги жасоратини мадҳ этди. Ижодининг энг етук асари «Добердо» (1937) романида 1916 йилда итальян фронтидаги австрия-венгрия жангчилари офицерлари революцион онгининг ўсиши, урушнинг моҳияти акс этган. З.нинг «Янош — солдат» тўплами ўзбек тилида нашр қилинган.



Залькалн Т. Э. «Капитализм кишанларини узамиз», (1960).

ЗАЛП — ўт очиш тури: бир неча қуролдан зарб б-н бир йўла ўқ отиш. Миномёт, ракета қурилмалари, карабин ва б. қуроллардан махсус сигнал ёки команда б-н отилади. Артил. (миномёт) бўлинма ва қисмлари томонидан душманга тўсатдан кучли зарба бериш учун ишлатилади. Қуруқликдаги ёки ҳаводаги мўлжалга карабидан З. б-н ўқ отиш бўлинма командирига ўз аскарларининг ўқ узишини тартибга солиш ва ўт очиш натижаларини кузатишни осонлаштиришга ёрдам беради.

ЗАЛЬБАНД — ер томирлари ва уларни қоплаб олган жинслар ўртасидаги чегара. З.лар ер томирларини ўрганишда аҳамиятли.

ЗАЛЬКАЛН Теодор Эдуардович (1876 — 1972) — латиш ҳайкалтароши, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971), СССР халқ рассоми (1957), СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси (1947). Петербургдаги Штиглиц билим юртини тугатиб (1899), 1900 йилдан ҳайкалтарошлик б-н шуғулланган. 1909—20 йилларда Петроградда. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ленинча монументал пропаганда режаси асосида Н. Г. Чернишевский ва О. Бланки ҳайкалларини ишлади. 1920 йилдан Ригада. З. совет латиш ҳайкалтарошлигининг асосчиларидан бири бўлди. А. Кронвальд (1938), А. Гулбис (1959), композитор А. Калнин (1949), студентка Малда (1956) портретлари, «Капитализм кишанларини узамиз!» (1960) каби асарлари машҳур. Икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

ЗАЛЬЦБУРГ (нем. Salz — туз ва Burg — шаҳар) — Австриянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Зальцах дарёсининг ҳар икки соҳилида 1300—2000 *м* баландликда. Зальцбург сойлигида жойлашган. Зальцбург ерининг маъмурий маркази. Аҳолиси 120 минг киши (1968). Транспорт йўллари узели. Тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик саноати корхоналари бор.

З. ўрнида қадимда кельтлар яшаган, римликлар З.ни Ювавум деб атаган. 11—12-асрлардан З. атрофидан кўплаб туз қазиб олина бошлаган. 1805 йилдан З. Австрия, 1810 йилдан Бавария, 1815 йилдан яна Австрия таркибида.

З.да В. Моцарт туғилган уй, Каролина Августа музейи. Папа фалсафа ин-ти, архёдгорликларидан сарой ва черковлар бор. Фестивалларнинг халқаро ёзги фестивалларини бўлиб турадн. Туризмнинг маркази.

ЗАМАХШАР, Змухшир, Зумукшир — Хоразмдаги қадимий шаҳар, баъзи маълумотларга кўра қишлоқ; Маҳмуд ибн Умар *Замахшарий* ватани. Ҳозирги ТуркмССР Тошҳовуз области Тахта р-нидаги Ленин қишлоғи ўрнида бўлган. З. араб географи Муқаддасий асарида шундай таърифланган: «...унча катта бўлмаган қишлоқ, унда девор, хандақ, қамалхона, темир б-н қопланган дарвозалар, ҳар кеча кўтариб қўйиладиган кўприклар бор. Ўша катта йўл кесиб ўтади; жомеъ масжиди чиройли. У бозорнинг четига жойлашган». В. В. Бартольд фикрича, З. Хивадан 80, *Кўҳне Урганч*дан 125 чақирим келадиган Зумукшир харобалари ўрнида бўлган. Туркманлар уни Измихшир деб аташган. З. харобаларини М. В. Воеводский (1934), Я. Ғуломов (1936), С. П. Толстов (1938) бошчилигидаги экспедициялар текширган.

ЗАМАХШАРИЙ Маҳмуд (1074, Замахшар шаҳари — 1144, Урганч) — ўзбек олими, араб шунос, шоир ва ёзувчи. Отаси Умар ибн Аҳмад ўқимишли киши бўлиб, дастлабки таълимни ўғлига ўзи беради. Углининг қобилиятини кўрган ота уни Урганч мадрасаларидан бирида ўқитади. Маҳмуд Урганчда хаттотлик ҳам қилади, кучли тилшунос Абумузар Исфаҳонийдан дарс олади. Маҳмуднинг ўткир зеҳни ва тиришқоқлигини кўрган Абумузар уни ўз ишининг давомчиси қилиб қолдиришниятига тушади, ундан илмий ва моддий ёрдамини сира аямасдан тарбиялайди. З. Урганчда таҳсил кўргач, илмини ошириш учун

Бухорога сафар қилади. Бу ерда у Шайхулислом Абумансур Наср Ҳорисий, Абусаъд Шаққоний ва Абулхаттоб ибн Абулбатир сингари олимлардан сабоқ олади. Кейин Хуросон ва Исфаҳонга боради, салжуқийларнинг саройларида хизмат қилади. У шоҳ Муҳаммад ибн Нўштагин (1097—1127) даврида Хоразмга қайтади. З. қаттиқ касал бўлади (1118—19). Соғайгач илмий мақсад б-н Бағдодга жўнайди. Бағдоддан Маккага ўтади. Бу ерда икки йилча тургач, ўз ватанига қайтади. З. Хоразмда бир қанча вақт бўлиб, илмий тадқиқот б-н шуғулланади. Сўнгра Шомга ва бу ердан Дамашққа, кейин яна Маккага боради. Маккада ўзининг «Ал-кашшоф» («Ошкор қилувчи») асарини тугатади ва яна юртига қайтиб, умрининг сўнгги йилларигача турғун ҳаёт кечиради.

З. йирик тилшунос сифатида араб тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшди. У ўзининг «Асос ул-балоға» («Чечанлик пойдевори») деб аталган луғати б-н араб луғатчилигини бир неча поғона юқори кўтарди. У луғатида сўзларнинг биринчи ҳарфини ва ундан кейинги ҳарфларини назарга олган ҳолда алифбо тартибида берди. Бу усул сал ўзгарган шаклда ҳозирги замон лексикографиясида ҳам қўлланилмоқда. Сўзларни изоҳлашда ҳам З.нинг ютуғи катта. У сўзларнинг асл маъноларини бериб, шу маънони тасдиқловчи мисоллар келтиради. Олим сўзнинг қайси иборада қандай маънода қўлланишига эътибор беради, сўз кўчма маъноларининг пайдо бўлиш сабабларини кўрсатиб ўтади. З.нинг «Ал-фоиқ фи ғариб ил-ҳадис» («Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи») асари ҳам луғат бўлиб, ҳадис ва адабий асарларда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган сўзларга бағишланган. Бунда ҳам сўзлар алифбо тартибида берилиб, унинг маъноси изоҳланади ва маънони очувчи шеърий ёки насрий мисоллар келтирилади. З. «Ал-жибол вал-амкина вал-миёҳ» ёки «Китобу асмо ил-адвия вал-жибол» («Тог, маизил ва сувлар» ёки «Дори-дармон ва тоғлар исмлари китоби») деган ажойиб топонимик асар ҳам яратган. Бу китобда географик атамалар алифбо тартибида берилиб, аввал шу атама қайси ер, тоғ ёки сувнинг номи эканлиги айтилади, сўнгра шу номнинг қўйилиш сабаби ва у б-н боғлиқ ривоят ва шеърлар келтирилади. З.нинг «Муқаддамат ул-адаб» («Адабиёт муқаддимаси») асари араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бу асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчисида исм туркумига кирувчи сўзлар, иккинчисида феъллар, учинчисида кўмакчилар, тўртинчисида исмларнинг турланиши, бешинчисида феъл тусланиши берилган. Арабча сўзларнинг остида форсча, баъзиларида туркий, ҳатто мўғулча таржималари ҳам берилган. Бу асар хоразмий тилига ҳам таржима қилинган.

Уз асарларида бадиий тасвир воситаларига қисқа, аниқ ва позик изоҳ беради. Мас., киноя б-н таъриф санъатлари бир жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади. Шунинг учун баъзи филологлар бу икки санъатни бир санъат деб кўрсатадилар. З. эса булар орасида фарқ борлигини айтади. У «бирор нарсани ўз номи б-н атамасанг, бу киноядир» дейди ва бўйи узун одамни «новча» эмас, «терак» деб аташга ўхшаш мисол келтиради. Таъризда эса бирор мақсадни аниқ айтмасдан ишора қилинади. Мас., ҳожат б-н бировнинг олдига келиб, ўз ҳожатини аниқ айтмасдан «саховатли юзингни бир кўрай деб келдим» деса, бу таъриздир, дейди. У бадиий воситалардан фойдаланишда бадиий восита маънога ва тил қондаларига мос бўлиши кераклигини таъкидлайди. З. араб мақолларини йиғиб ўрганиш борасида ҳам катта илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, «Ал-мустақсо фи амсол ил-араб» («Араб мақолларини ниҳоясига етказувчи») асарини ёзди. Бу асарда уч ярим мингга яқин араб мақоли алифбо тартибида берилган.

З. ўткир олим бўлиш б-н бирга моҳир ёзувчи ва шоир ҳам эди. Олимнинг араб тили, адабиёти ва услуби соҳасидаги билимлари унинг бадиий асарларида акс этган. З.нинг «Навобиғ ул-калим» («Ҳикматли сўзлар»), «Мақомат уз-Замахшарий» («Замахшарий мақомлари»), «Атвоқ уз-заҳаб фил мавоъиз вал-хутаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин мунчоқлари») каби асарлари бадиий наср-нинг юксак намуналари ҳисобланади. Унинг «Навобиғ ул-калим» асари афоризмлардан иборат. Ундаги ҳикматли иборалар ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак. З.нинг арабча девони ҳам бўлиб, унга лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фахрия, марсия ва назмий мактублари тўпланган.


З. ўзининг баракали ҳаёти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Замахшарлик Омир ибн ул-Ҳасан, табристонлик Исроил ибн Абдуллоҳ, абивардлик (Хуросон) Абдурраҳим ибн Абдуллоҳ, самарқандлик Аҳмад ибн Маҳмуд каби машҳур олимлар шулар жумласидандир. З. инсоният илм-хазинасига эълиқдан ортиқ қимматбаҳо асар қўшган. Юқоридагилардан ташқари, 19 асарининг номи маълум, лекин ҳали топилмаган. Унинг замондоши Абусамад Муҳаммад Самъоний (1179—1229) «Китоб ул-ансоб»ида... («Насабнома китоби»), Ёқут Ҳамавий (1179—1229) «Иршод ул-ариб-ила маърифати-л-адиб»... («Адиб б-н танишиш учун кўрсатма») китобида, мисрлик Жамолиддин Қифтий (1167—1248) филологияга оид асарида З.нинг тенгсиз олим эканлигини ва ўз замонасидаги адибларнинг имоми (пешвоси) бўлганлигини айтиб ўтганлар.

Бугунги кунда З. ижодига қизиқиш Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам кучли. Крачковский, Крымский, Боровков каби рус шарқшуносла-ри, Броккельман, Бенцинг, Голднер, Гельдеке, Райт ва Зайончковский сингари Ғарб олимлари, Валидий Туғон ва Муҳаммад Козимдек Шарқ тадқиқотчилари З.нинг илмий меросига зўр қизиқиш б-н мурожаат қилганлар. З. ижодининг айрим томонлари Совет Шарқида, жумладан, Тошкентда ўрганилмоқда. 13-а. араб сайёҳи Ибн Батута (1303—1378)нинг айтишича, унинг қабри шаҳар ташқарисида бўлиб, устига қубба ўрнатилган.

Ад.: Муҳаммад Аҳмад ал-Ҳуфий. Аз-Замахшарий, Дор ул-фикр ул-арабий. Қоҳира, 1966; Халидов Б. З., Замахшари. (О жизни и творчестве), «Семитские языки» китобида. вып. 2. М., 1965; Рустамов А., Маҳмуд Замахшарий. Т., 1971.



Замахшарий. А. Рустамовнинг Замахшарий ҳақидаги китоби.



Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» асари.


ЗАМБАРАК — душманнинг жонли кучларига талафот бериш, жанговар техника ҳамда мудофаа иншоотларини бузишга мўлжалланган артил. қуроли (қ. *Артиллерия, Тўп*).

12

Зоҳиджон М. Исломов

Муқаддамату-л-адаб (манбашунослик таҳлили)

«Тошкент ислом университети» нашриёти, 2002 [1]



[1] A copy of this book was provided by Z. Islamov.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Зоҳиджон Исломов

Муқаддамату-л-адаб

(манбашунослик таҳлили)

Ўқув услубий қўлланма

Тошкент — 2002

Буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари луғат китоб сифатида катта шуҳрат қозонган ва бир неча нусхаларда кўчирилган. Унинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг бир неча фондларида сақланмоқда. Асар исмлар, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиш, феълларнинг тусланиш қисмларидан иборат бўлиб, фаннинг кўп соҳаларига оид маълумотларни жамлаган ва кўп тиллик луғат ҳисобланган. Бу нарса унинг ўз даврида қайта-қайта кўчирилишига сабаб бўлган. Қўлингиздаги қўлланмада «Муқаддамату-л-адаб» асари ва унинг жаҳон фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилган ҳамда манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Қўлланма манбашунослик, исломшунослик, тилшунослик ихтисосликлари бўйича билим олувчи талабалар, маънавият, маърифат соҳаси ходимларига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Зоҳиджон Исломов
МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ
(манбашунослик таҳлили)

Муҳаррирлар *С. Очилов, Н.Абдуллаева*
Бадиий муҳаррир *Ш.Ҳасанов*
Техник муҳаррир *Ж.Бекиева*

Босишга рухсат этилди 23.07.2002. Бичими 60x84 1/16.
Шартли б.т. 5,5. Нашр т. 5,8. Адади 1000 Буюртма № 160

«Тошкент ислом университети» нашриёти.
Тошкент, 700011. А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Шартнома № 07-30-01

«MERIUS» ХМҲК
Тошкент, Усмон Носир кўчаси, 158-уй.

© «Тошкент ислом университети» нашриёти—2002

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА

Абу-л-Қосим ибн Умар бин Аҳмад аз-Замахшарий кўҳна Хоразм заминида етишиб чиқиб, жаҳон фани ва маданияти ривожига ўзининг муносиб ва салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан биридир. Маҳмуд Замахшарий 467 ҳижрий йилнинг 27 ражаб, яъни 1075 йилнинг 18 март куни Хоразм мамлакатининг Замахшар қишлоғида туғилди. Бу қишлоқ ҳозирга қадар мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли уни Измихшир деб атайди. У Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятига қарашли Тахта ноҳиясида жойлашган. Олим дастлаб ўз отаси Умар бин Аҳмаддан таҳсил олди. Сўнгра Урганчда Абу-л-Музар Маҳмуд ибн Жарир ал-Исфаҳоний каби машҳур тилшунос олимлардан таълим олди ва наҳву сарфни пухта эгаллади. Шундан сўнг ёш олим олган билимларини мукаммаллаштириш мақсадида Бухорога келади ва замонасининг етук олимларидан таълим олади. Замахшарий бир оёғининг ногиронлигига қарамай, ўзга элларга бир неча бор саёҳат қилади. У дастлаб Хуросон ва Исфаҳонга боради. Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Нуштегин (1097-1127) даврида яна Хоразмга қайтиб келади ва тахминан 1137 йили ўзининг машҳур асари «Муқаддамату-л-адаб»ни Хоразмшоҳ Муҳаммад Нуштегиннинг ўғли Отсизнинг буйруғи билан яратади[1]. Маълумотларга қараганда, Маҳмуд Замахшарий ўз юртида хоразмшоҳлар томонидан етарли ҳурмат кўрмаган. Шу сабабли, у яна саёҳатга отланиб, Бағдодга боради. Замахшарий Бағдодда кўпгина олимлар билан мулоқотда бўлади. Олим Бағдоддан Маккага ўтади. У ўзининг турли юртларга қилган сафарлари вақтида фақатгина билим олиб қолмай, балки ўзи ҳам толиби илмларга адаб, наҳву сарф, ҳадис, тафсирлардан сабоқ беради ва кўплаб шогирдлар етиштиради. Маҳмуд Замахшарий умрининг охирида ўз юрти Хоразмга қайтиб келади ва 538 йил зу-л-ҳижжа ойи, яъни 1144 йил июн ойи арафасида 69 ёшида Урганчда вафот этади.

Забардаст олим Маҳмуд Замахшарий ўзининг сермаҳсул ҳаёти давомида элликка яқин йирик асарлар яратди. Ҳожи Халифа (1608-1657) Замахшарийнинг 29 та, Ибн Ҳалликон 30 та ва Ёқут Ҳамавий (1179-1229) 50 та асар ёзганлигини эслатиб ўтади. Улар тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижоди, фалсафа, ислом тарихи, география ва бошқа фанларга оид асарлардир[2]. Олим яратган асарларнинг кўпчилиги бизга қадар етиб келган. Лекин фақат номи маълум бўлиб, ўзи ҳозиргача топилмаган асарлари ҳам талайгина. Маҳмуд Замахшарий бой илмий

---

[1] Хоразмшоҳлар тарихи ҳақида қаранг: Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинов. 1097-1231. -М. : Наука, 1986.

[2] Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари ҳақида қаранг: (Рустамов А. 1971, 10-12: Оқилов М. 1982, 56-60; قاموس الاعلام, ١٧ , ١٣١٤ , .21-24).

меҳнати билан барча давр олимларининг диққатини ўзига тортган ва уларнинг ҳурматини қозониб, шарафли унвонларга сазовор бўлган. Унинг «Фахри Хоразм» номи буюк Хоразм мамлакатида етишиб чиққан барча илму фозиллар орасида фахрли ўринда туришидан. «Устоз ул араб ва л ажам» номи фақат араб дунёсидагина эмас, балки ғайри араблар, яъни бошқа мамлакатларда ҳам «устоз»лик қила оладиган даражада олим, доно, зукко эканлигидан далолат беради. Олимнинг «Жоруллоҳ», яъни «Аллоҳнинг қўшниси» номи эса унинг Макка шаҳрида узоқ муддат туриб, илоҳий илмларни пухта эгаллаганлигини кўрсатади. Шунинг натижаси ўлароқ, Замахшарий муқаддас Қуръоннинг тафсирига бағишланган, илм аҳли учун нақадар қадрли, қимматли «Ал-Кашшоф»[1] асарини яратган.

Бундан кўринадики, Маҳмуд Замахшарийнинг ижоди, унинг асарлари мақтовга лойиқ, бой ижодиёти эса чуқур ва мукаммал ўрганилишига муҳтождир.

Маҳмуд Замахшарийнинг улуғлиги, филология соҳасида тенгсиз аллома эканлиги ўзи ҳаёт давридаёқ унинг замондошлари томонидан эътироф этилган. Бу ҳақда тўлиқ маълумотлар Абу Самад Муҳаммад Самъоний (1179-1229)нинг «Инбаҳу-р-руват ала анбаи-н-нуҳат» асарида келтирилган.

[1] Асарнинг тўлиқ номи: Ал Кашшафу ан ҳақаиқи ғавамиъи т танзил ва уйуни л акавил фи вужухи т таъвил, яъни «Қуръоннинг берк ҳақиқатларини очувчи ва илоҳий сўзлари ҳақида ривоятлар кўрсатгичи»

I БОБ. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари мураккаб тузилишга эга бўлиб, қуйидаги қисмлардан иборат: муқаддима, исмлар, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг туслашиши. «Муқаддамату л адаб» фанимизда луғат номи билан ҳам машҳур, чунки асарнинг исмлар, феъллар қисмлари луғат тарзида тузилган ва қолган қисмларга нисбатан ҳажман катта бўлган. Асарнинг қолган қисмлари араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, юзлаб нусхаларда кўчирилган, лекин уларда муаллиф, асарнинг номи ҳақида маълумот берилмаган. Шу сабабли, улар айнан «Муқаддамату-л-адаб» нинг қисмлари эканлиги тўғрисида фикр юритилмаган. Бу қисмлар кўплаб грамматик мажмуалар таркибига киритилган ва қисмнинг асардаги номи билан эмас, балки қисмнинг бошланишидаги жумла номи билан аталган. Масалан, исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисм

تصريف الاسماء - т а с р и : ф у-л-а с м а : деб эмас, балки жумланинг бошланишида келган ибора билан, яъни حركات الاعراب – ҳ а р а к а : т у-л-и ъ р а : б деб шартли номланган. Халқ орасида бу қисм айнан ҳ а р а к а : т у-л-и ъ р а : б номи билан машҳур бўлган. «Муқаддамату-л-адаб» нинг бу қисмлари ҳали махсус ўрганилган эмас. Шу сабабли, рисолада уларнинг муфассал изоҳини келтирдик.

I.1. МУҚАДДИМА

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари қисқа муқаддима билан бошланади. Олимнинг илмий лабораториясига хос бўлган хусусиятлардан бири унинг ўз асарларига киритган мўъжаз кириш муқаддималаридир. Муаллифнинг аксарият асарлари, жумладан, اطواق الذهب في المواعظ والخطب А т в а : қ у-з-з а ҳ а б ф и-л-м а в а : и з в а-л-х у т а б –«Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари», اساس البلاغة - А с а : с у-л-б а л а : ғ а–«Балоғат асоси» ҳам мана шундай қисқа муқаддима билан бошланади. Маҳмуд Замахшарий адабий асарлардаги каби анъанавий узун кириш сўзларидан воз кечиб, муқаддимада асосий мақсад-асарнинг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида маълумотларни келтиради. Асар муқаддимасида Замахшарий араб тилининг бойлиги, уни ўрганишнинг зарурлиги тўғрисида ўз фикрини баён этади. Шунингдек, муаллиф асарни Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз (1128-1156) нинг буйруғи

билан унинг кутубхонаси учун махсус нусха тарзида ёзганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, олимлар «Муқаддамату-л-адаб» Абулмузаффар Отсиз тахтга ўтирмасдан илгарироқ ёзилган, у билан таништирган ҳукмдор асарининг содда, равон, ўта фойдали эканлигини англаб, ўзининг кутубхонаси учун муаллиф қўли билан кўчирилган махсус нусха яратилмоғини буюрган, деган фикрни билдирадилар. Бу фикрда ҳам мантиқий мазмун бордек кўринади, чунки Замахшарийнинг ўзи «Муқаддамату-л-адаб» дан «бир нусха битиш ҳукми менга етти».[1]-деб ёзади. Бундан ташқари, тарихий маълумотларга кўра, Маҳмуд Замахшарий моҳир хаттот, котиб ҳам бўлган. Хоразмшоҳ Отсиз учун кўчирилган асар нусхалари бизгача етиб келган. Шу вақтга қадар «Муқаддамату-л-адаб» асари борасида айрим тадқиқотлар қилинган, бир қанча мақолалар яратилган, лекин унинг муқаддимаси махсус ўрганилган эмас. Шу сабабли, биз асар муқаддимасининг ўзбекча таржимасини келтирмоқдамиз.

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

Араб тилини қолган барча тиллардан, шунингдек, нозил қилинган китоб (Қуръон) ни бошқа китоблардан фазилатли қилган Тангрига шукрлар бўлсин. Арабча сўз ёзишни билмаган пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.) ва ундан кейинги мўътабар зотларга ҳамда бу (араб) тилининг улуғлигига салавотлар бўлсин. Тангри унга жуда шарафли ишни буюрди. Дарҳақиқат, ислом миллати унинг турли илмларини, адабиётининг турли соҳаларини яхши билувчиларга чуқур эҳтиёж сезмоқда. Бу илмларни пухта эгаллаганлар мазкур миллат уламоларидан ҳисобланадилар. Улар имомларнинг сафларида ёд этиладилар. Тангри бу табақага подшоҳлар булутларининг ёмғирларини тўкмайдиган қилди. Ҳеч бир кимсага уларнинг адиблари, хатиблари, котиб-ёзувчилари, шоирларига берилганчалик совға-саломлар берилмади. Араб давлати тугагандан сўнг ўтган асрлар ичида уларга меҳрибонлик қиладиган, уларни ихтиёр этадиган, уларга кафил бўладиган, ишларини битказадиган, уларнинг ҳунарларини билиб, қадрига стадиган, ҳунарларига кетадиган харажатларни қоплайдиган бирорта шижоатли подшоҳ келмади. Оллоҳ таоло бизнинг замонамизда адаб илмининг ғалабаси учун у (Отсиз) ни танлади. Унинг қалбига адаб тилига нисбатан муҳаббат солди. У улуғ амир, сипоҳсолор Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз бин Хоразмшоҳдир. Тангри уни юқори тутсин, тавфиқига ризо берсин. У фозиллар билан қурриладиган давралардан беқиёс лаззатланади, билимдонлар билан бўладиган суҳбатдан овунади. Кенг карамининг сояси уларнинг бошн узра тортилиб туради, уларнинг хонадонлари у (Отсиз) берган беҳисоб инъомлар билан ажралиб туради. У (Отсиз) улар (олимлар) га мунтазил совғалар ва кийим-кечаклар беради, инъомлар юборади.

Кундуз куни эди, менга ўзининг кутубхонаси учун «Муқаддамату-л-адаб» китобидан бир нусха ёзиб бериш (мазмунидаги) муқаддас буйруғи етиб келди. Унинг буйруғи доимо улуғ бўлсин. Мен унинг фармонини бажаришга киришдим. Унинг номига бағишланган бу китобни унинг учун битказдим. Унбу китоб кўнгилларга мойил бўлди. (Китоб) элтар аро куи чиқар, жануб шамолидек эди (тарқалди). Мен асарнинг барча элларда ва ҳар доим ёдда тутилиши, унинг азиз номи барча тилларда (достон) бўлишини истадим. Тангри таоло унинг гўзал отини юксакларга кўтаришга, улуғ савобларга сазовор бўлишига ёрдам берсин.

Дарҳақиқат Тангри яхши тавфиқ ва ёрдам берувчидир».

Бу китоб беш қисмдан иборат. Биринчи қисм исмлар, иккинчи қисм феъллар, учинчи қисм ҳарф (ёрдамчи сўз) лар, тўртинчи қисм-исмларнинг турланиши, бешинчи қисм феълларнинг туслашишга (бағишланган).

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарини Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсизнинг ҳукми билан ёзган. Хоразмшоҳ Отсиз эса ўз даврининг етук, одил ҳукмдорларидан бири бўлиб, ўз саройига кўплаб машҳур олимларни, адибу шоирларни жамлаган. Уларни асраб, илмий ижодлари учун лозим шароитларни яратиб, моддий жиҳатдан таъминлаб турган. У олим, шоир, адибларга совға-саломлар юбориб, ҳолидан хабардор бўлган. Шу боис, Алоуддавла Отсиз даврига келиб илм, фан, ҳунармандчилик, адаб илми ривожланган. Ўрта асрлардаги «адаб» илми сирасига эса адабиёт, фалсафа, морфология, синтаксис, мантиқ, луғатшунослик каби илмлар мажмуи кирган. Маҳмуд Замахшарийнинг ўз асарини «Адаб илмига кириш» деб аташи ҳам бежиз бўлмаган. Шу даврга келиб, «Муқаддамату-л-адаб» каби қомусий асарга эҳтиёж сезилган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб»нинг муқаддимаси асарнинг илмийлигини мукаммаллаштирувчи бир қисми ҳисобланади. Унда ўша давр тарихи. Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсизнинг ҳукмронлик даври, унинг фаолияти, шахсияти ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

[1] Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату л адаб, ЎзР ФА Адабиёт музейн фонди. қўлёзма № 202.

I.2. ИСМЛАР ҚИСМИ

قسم الاسماء – қ и с м у л - а с м а :

«Муқаддамату-л-адаб» асари таркибига кирган биринчи қисм قسم الاسماء – қ и с м у л - а с м а : – исмлар қисми деб номланган. Бу асарнинг муҳим илмий аҳамиятга эга қисмларидан биридир. Исмлар қисми фасларга ва бобларга бўлинган. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи бобга замон мазмунини билдирувчи сўзлар, йиллар, йил фасллари, ой номлари, кеча, кундуз ва уларнинг турли вақт бўлакларидаги номлари, ҳафта кунлари, асосий диний байрамларнинг аталиши, вақт, муддат, қиёмат куни номлари, дунё, жаҳон мазмунини англатувчи сўзлар киритилган. Жами 202 та луғат мақоласидан иборат. Ушбу боб وقت – в а қ т – جاق – ч а қ сўзи билан бошланган, برزخ – барзах – اولماك تيريلماك اراسى – ўлмак тирилмак арасп сўзи билан тугайди.

Иккинчи боб سماء – с а м а : – كوك – к ў к сўзи билан бошланган. Унга осмон, уфқ томонлари, бурж номлари, қуёш, ой ва унинг кўринишлари, юлдуз, уларнинг турлари, соя, булут, атмосфера ҳодисаларига оид мақолалар киритилган. Бобга киритилган исмларнинг умумий сони 178 сўзни ташкил этади. Улардан 135 та сўз бирлик ва 43 та сўз кўплик кўринишида ифодаланган. Сўзлик قساطل – қ а с а : т и л мақоласи билан тугайди.

Учинчи боб ترابт у р а : б – توبراق – т ў п р а қ сўзи билан бошланиб, унга 92 та бирлик ва 54 та кўплик шаклидаги жами 146 та сўз киритилган. Ундаги сўзлар ер, унинг турли ҳолатларидаги кўринишлари, балчиқ, унумдор ер, юмшоқ ер, ҳосилсиз ер, чўл, тепалик, тоғ, унинг турли қисмларининг номланиши, турли ҳолатдаги тош номларини ифодалайди. Боб بنادق – б а н а : д и қ сўзи билан тугайди.

Учинчи бобнинг биринчи фасли маъданлар ва улар билан алоқадор сўзларга бағишланган. Мазкур фасл معدن – м а ъ д а н сўзи билан бошланган. Умумий сўзлар сони 116 тани ташкил этади, улардан 84 таси бирлик ва 32 таси кўплик шаклида келтирилган. Бу фаслда маъданлар номлари, уларнинг турли ҳолатларидаги номланиши, улар билан боғлиқ айрим атамалар, заргарлик буюмлари номлари ўз аксини топган. Фасл قرط – қ у р т сўз мақоласи билан тугаган.

Тўртинчи боб йўл, у билан боғлиқ атамалар, йўл ўртаси, кенг йўл, катта йўл, йўл ўлчовлари, карвон каби сўзлардан иборат. Бу боб طريق т а р и : қ- يول-й ў л сўзи билан бошланиб, اثقال – а с қ а : л сўзи

билан тугайди. Бобга 36 та сўз мақоласи киритилган. Йўлга оид сўзлар боби «А» нусхада[1] фасл деб кўрсатилган.

Бешинчи боб сув ва у билан боғлиқ сўзларга бағишланган. Бу бобга жами 174 та сўз киритилган бўлиб, улардан 106 таси бирлик шаклида берилган. Унда сув, мешда қолган сув, идишда қолган сув, сасиган, тоза, лойқа, оқар, шўр сув каби унинг турлари, балиқ, ариқ турлари, булоқ, қудуқ, ва соҳил билан боғлиқ сўзлар изоҳланган. Мазкур боб «Д» нусхада фасл деб кўрсатилган.

Бошланиши: ماء – м а : – сув – с у в.

Охири: قنطره – қ а н т а р а – اولوغ كوبروك – у л у ғ к ў п р у к.

Олтинчи боб сўзлари ўсимлик дунёсига бағишланган. Унга жами 106 та сўз киритилган. Сўзлик نبت – н а б а т- اوت – ўт мақоласи билан бошланиб, حب القطن-ҳ а б б у- л-қ у т и - جكيت - ч и г и т сўзи билан тугайди. Бу бўлимга ўт, ҳўл ўт, буғдой, арпа каби ғалла номлари, турли ўсимлик, уруғлар номлари, қовун, тарвуз, саримсоқ, туп, карам каби сабзавотлар, пахта, ғўзаларнинг турли кўринишларидаги номлари киритилган.

Олтинчи бобнинг биринчи фаслига боғ, гуллар номи, турли ўт номлари, кўкатларга оид 77 та мақола жойлаштирилган. Улардан 59 таси бирлик ва 18 таси кўпликда берилган.

Бошланиши: – بستان - б у с т а : н – باغ – б а ғ.

Охири: حطمى – ҳ а т м и.

Иккинчи фасл. Полизга оид сўзлар фасли. Мазкур фасл кўкатлар номларидан иборат. Жами 45 та атама киритилган. "А" нусхада бу фасл алоҳида кўрсатилган эмас.

Бошланиши: مبقلة – м а б қ а л а – كوكياش اوت – к ў к й а ш ў т.

Охири: بذر الخشخاش – б а з р у - л - х а ш х а : ш – كوكنار – اوروغى – к ў к н а р у р у ғ и.

Олтинчи бобнинг учинчи фасли كلاء – к а л а : – اول اوت – ў л ў т сўзи билан бошланган. Унга жами 67 сўз мақоласи киритилган бўлиб, улар ўт-ўланлар, тиканлар, см-хашакка оид сўзлар, тол, мажнун тол, арча, дарахтлар, ўтин, унинг турли номларидан иборат.

Охири: اطنان – а т и а : н – ж (бирлиги طن – т а н – بير باغ – б и р б а ғ ў т у н).

[1] Кўлёзмалар таснифига қаранг.

Еттинчи боб деҳқончиликдаги ер турлари, кўш, омоч, ерга ишлов бериш учун ишлатиладиган куролларга бағишланган. У ضيعت – дайъат يكين ير – йэкин йэр сўзи билан бошланган ва قب ، قبوب – каб-қабу: б сўзи билан тугаган. Бу фаслга жами 49 та сўз киритилган. улардан 35 таси бирлик ва 14 таси кўплик шаклидаги сўзлар ташкил этади.

Ушбу бобнинг биринчи фаслига боғ, боғдорчилик, турли мева номлари, уларнинг уруғлари хурмо ва унинг турларига бағишланган 110 та сўз мақоласи киритилган. У حديقة – ҳади:қа – تاملیق باغ – тамлиқ боғ атамаси билан бошланиб, شريجة – ш а р и : ж а – باغ ایشیکی – боғ эшиги сўзи билан тугайди.

Саккизинчи бобга шаҳар тузилиши билан боғлиқ атамалар – бозор, ҳаммом, масжид, мадраса, қабристон ва уларга алоқадор сўзлар, ҳайвонларнинг турар жойлари номлари киритилган. Мазкур боб жами 241 та сўздан иборат.

Бошланиши: بقعة – б у қ ъ а – بیر کیساك یر – бир кэсак йэр.

Охири: رسم رسوم – р а с м р у с у : м – پرنینك بیلکوسی – йэрнинг бэлгуси.

Саккизинчи бобнинг биринчи фасли خطة – хутта – بیلکو قیلقان یر – б и л г у қ и л қ а н й э р сўзи билан бошланган. Унга иморат, унинг турли бўлаклари номлари, хонанинг асосий қисмлари номланишига оид 189 та сўз киритилган.

Охири: مفتاح – м и ф т а : ҳ – کلید – к а л и д.

Тўққизинчи боб уй асбоб-анжомларига бағишланган. Унга тегирмон ва унинг қисмлари номлари, чарх, элак, қозон, ўчоқ, идиш-товоқ каби 239та сўзлар киритилган. Бошланиши: اثاث البیت – а с а : с у-л-б а й т – اویداکی رخت – уйдаги рахт.

Охири: مجمی – м а ж м а.

Тўққизинчи бобнинг биринчи фасли صندوق – с а н д у : қ сўзи билан бошланади.Ундан сандиқ, бешик, чодир, ямуман ёғочдан ясалувчи буюмлар номлари ўрин олган. Унга 109 та сўз мақоласи киритилган. Боб ملمع – м у л м и ъ сўзи билан тугаган. Бу сўз «А» нусхадан тушиб қолган.

Ўнинчи бобга Аллоҳ, фаришталар, ирққа оид сўзлар, шайтон, жин номлари киритилган. Бобдаги сўзлар сони 187 та мақолани ташкил этади.

Бошланиши: الله – а л л а : ҳ – تینکری – тэнгри.

Охири: جیفة – ж и : ф а اولوم – ўлум.

Ўн биринчи боб инсоннинг қомати, қиёфаси, инсон танасининг таркиби, тана аъзоларининг номи, қисмларининг муфассал номланишига оид сўзларга бағишланган. Бобга жами 600 та сўз мақоласи киритилган. У صورة – с у : р а т – ف(яъни, صورة – с у : р а т) сўзи билан бошланган ва اعقاب – аъқа:б – ج (бирлиги عقب – ъақиб – سونقجاق – сўнақчақ) сўзи билан тугаган.

Мазкур боб қуйидаги фаслларни ўз ичига олган.

Ўн биринчи бобнинг биринчи фасли инсоннинг тана аъзолари тузилиши бўйича номланишига бағишланган. Унга катта бошли киши, кичик бошли, оқ юзли, ҳолдор, сийрак соқолли, ўрта бўйли киши каби сўзлар киритилган. У жами 27 сўздан иборат.

Бошланиши:اراس – а р а : с – اولق باشلیق کیشی – улуқ башлиқ киши.

Охири: اجلاف – а ж л а : ф – ج (бирлиги جلف – ж и л ф روستاي کیشی – р у с т а й к и ш и).

Ўн биринчи бобнинг иккинчи фасли جنین – ж а н и : н – قاریندا ғی – ҳомиладаги ўғлан сўзи билан бошланган. Мазкур фаслга инсоннинг она қорнидаги ҳолатидан қаригунига қадар бўлган даврларнинг номлари киритилган. Жами 46 сўз мақоласи бўлиб, улардан 26 таси бирлик ва 20 таси кўплик шаклидадир. Фасл مشیخة – м а ш и : х а – قاری – қ а р и сўзи билан тугайди.

Ўн биринчи бобнинг учинчи фаслига инсон табиати, хулқи, характерига оид 55 та сўз мақоласи киритилган. Улар ақл, килик, одат, гина каби сўзлардан иборат.

Бошланиши: طبع – т а б ъ – قیلیق – қилиқ.

Охири: غمی – ғ а м а.

Тўртинчи фаслга аёлларнинг ўспи жараёни, яъни қиз бола, аёл, ўрта ёш аёл каби сўзлар, уларнинг сифатларига қараб номланиши киритилган. Жами сўзларнинг сони 43 та.

Бошланиши: بکر – б и к р – قیز – қ и з.

Охири: سلیطة – с а л и : т а – اوزون تیللیك خاتون – узун тиллик хотун.

Ўн биринчи бобнинг бешинчи фасли қариндош-уруғчилик, оила аъзолари, кўни-кўшни, ёру-биродарларни билдирувчи сўзлардан иборат. Бу фаслга 169 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: قریب – қ а р и : б – اوروق – урук

Охири: اوز خاتونى نينك أبناء المهائر –а б н а : у-л-м а х а : и р اوغلان لارى ўз хатунининг ўғланлари.

Олтинчи фасл устоз сўзи билан бошланувчи сўзлар фаслидир. Унга устоз, солих, яхши кишилар, подон киши, ўғри каби жами 17 та сўз киритилган.

Бошланиши: استاذ – у с т а : з –ف (яъни, استاذ – у с т а : з).

Охири: نوك – н а в к – ج (бирлиги انوك –а н в а к – بيليك سيز – б и л и к с и з). «Д» нусхадан انوك نوكى نوك – а н в а к – н а в к а – н а в а к сўзлари тушиб қолган.

Ўн иккинчи бобга халифа ва унга алоқадор бек, амир, доруға, тириклик, тўкин-сочин ҳаёт, қаллоқлик каби сўзлар киритилган. Бу бобдан жами 126 та сўз мақоласи ўрин олган, улардан 83 таси бирлик ва 43 таси кўплик шаклида изоҳланган. «А» нусха خليفة – х а л и : ф а , «Д» нусха эса سلطان –с у л т а : н сўзи билан бошланган.

Охири: نموذج –намузаж – м (яъни, نمونه – намуна). «А» ва «Д» нусхаларда мазкур боб фасл таркибида берилган.

Мазкур бобнинг биринчи фасли қул ва унга алоқадор сўзлардан иборат. Унга қул, канизак, шогирд, навкар, элчи, жарчи, ланкарбоши каби сўзлар киритилган. Бу фаслда жами 49 та сўз мақола изоҳланган.

Бошланиши: عبد –ъ а б д – قول –қ у л.

Охири:صفاعنة – с а ф а : ъ и н а –ج (бирлиги صفعان – с а ф ъ а : н – جبلاق ييكوجى –ч а п а л а қ й э г у ч и). «А» нусха مساخر – м а - с а : х и р сўзи билан тугайди, унинг бирлиги مسخرة – м а с х а р а сўзи матндан тушиб қолган.

Ўн учинчи бобда дин, миллат, закот, суннат, савоб, хайр, гуноҳ каби сўзлар мавжуд. Сўзларнинг умумий сони 80 та, улардан 53 таси бирлик ва 27 таси кўплик шаклида қўлланилган.

Бошланиши:دين –д и : н– ف (яъни, دين - д и : н).

Охири: باطل –б а : т и л – م (яъни, نادرست–н а : д у р у с т). «Д» нусхадан با طل –б а : т и л сўзи тушиб қолган.

Ушбу бобнинг биринчи фаслига Қуръонга оид сўзлар жамланган. Улар Қуръон, сура, оят, масал, ҳадис кабилардан иборат. Жами 31 та сўз.

Бошланиши: قرآن –к у р ъ а н–ف (яъни, قرآن –қ у р ъ а : н).

Охири: مصاحف – м а с а : ҳ и ф –ج (бирлиги مصحف – м у с ҳ а ф).

Иккинчи фаслга адаб ҳамда лўғат, қалам, дафтар ва шу каби девонхона ашё, буюмларининг номлари киритилган. Умумий сўз мақолаларининг сони 93 та.

Бошланиши:ادب–а д а б–ف (яъни, أدب – а д а б).

Охири: لوح –л а в ҳ –ف (яъни, لوح–л а в ҳ).

Ўн тўртинчи боб жаннат ва унга алоқадор жаннат майи, Муҳаммад ҳовузи, жаннат ўртаси каби сўзлардан иборат. Жами 10 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: جنة –ж а н н а – اوجماق –у ч м а қ.

Охири: بحبوبة الجنة –б у ҳ б у : б а т у-л-ж а н н а – م (яъни. بطنان الجنة–б а т н а : н у-л-ж а н н а– اوجماق اورتاسى –у ч м а қ ўртаси).

Биринчи фасл муқаддас тўрт китоб номлари, роҳиб, санам каби сўзлардан иборат бўлиб, жами 32 та сўз киритилган.

Бошланиши: زنديق –з и н д и : қ–ف (яъни, زنديق–з и н д и : қ).

Охири: نصب –н у с у б –م (яъни, جالق –ч а л и қ).

Иккинчи фасл– жаҳаннам ва унга алоқадор сўзлар фасли. Унда азоб, қийноқларнинг турларига оид 22 сўз мақоласи мавжуд.

Бошланиши: جهنم –ж а ҳ а н н а м –تامق–т а м у қ.

Охири:سجين –с и ж ж и : н–قاتق زندان–қ а т т и қ з и н д а н . «Д» нусхадан سجين –с и ж ж и : н сўзи тушиб қолган.

Ўн бешинчи бобда асбоблар номлари жамланган. Унда циркуль, унинг турлари, турли асбоблар ва уларнинг хилларига доир 17 та сўз ўрин олган.

Бошланиши: أدات–а д а : т– ساغيت – с а ғ и т.

Охири: نقير –н а қ и : р –بالجيق تكينه سى – б а л ч и қ т а г и н а с и .

«А» нусхада نقير – н а қ и : р мақоласи кейинги фасл таркибига киритилган.

Биринчи фасл махсидўзлик ва унга алоқадор сўзлар мажмуасидан иборат. Унга қайиш, этик, ковуш, бошмоқ, хом тери, кўнчи каби сўзлар киритилган. Сўзлар сони 48 та.

Бошланиши: حذاء–ҳ и з а : –نعلين جى–н а ъ л и н ч и.

Охири: قالب –қ а : л и б –ف(яъни, قالب –қ а : л и б). «Д» нусхадан قوالب –қ а в а : л и б сўзи тушиб қолган.

Ўн бешинчи бобнинг иккинчи қисмида, яъни меникон ва унга алоқадор сўзлар фаслида 13 та атама изоҳланган.

Бошланиши: سقاء –с а қ қ а : –سوجى – с у в ч и.

Охири: اداوى – и д а : в и : –ج (бирлиги اداوة –и д а : в а . م (яъни. كيجيك تولوم к и ч и к т ў л у м).

Ушбу фасл «Д» нусхада صنور –с у н у : р сўзи билан тугаган.

Учинчи фасл—пўстинчи, пўстин турлари, мўйнали хайвонлар номларига бағишланган фасл. Жами 10 сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: فرا –ф а р р а : –تيرى تون جى – т э р и т ў н ч и .

Охири: قضاعة –қ у д а : ъ а – قندوز – қ у н д у з.

Тўртинчи фаслдан тикувчи, бўз тўқувчи ва улар ишлатадиган асбоб–ускуналар номлари ўрин олган. Фаслдан 25 та сўз ўрин олган. Мазкур фасл «Д» нусхада боб деб кўрсатилган ва мати اعلام – а ъ л а : м сўзи билан тугаган.

Бошланиши: جف – ж а ф ф – نوردان – и ў р д а н.

Охири: مطرز – м у т а р р и з –علم جى– ъ а л а м ч и.

Бешинчи фасл –кемачиликка оид сўзлар фасли. Ундан кема, кема капитани, кема турларининг номларига оид сўзлар жой олган. Умумий сўз мақолалари сони 25 та. «Д» нусхадан бу фасл тушиб қолган.

Бошланиши: ملاح – м а л л а : ҳ–كيمه جى – к э м а ч и.

Охири: رماث – р а м м а : с –سال جى – с а л ч и.

Олтинчи фасл темирчи ва темирчиликка оид сўзлардан иборат. Унга темир турлари, сангдон, болға, темир қайчиси, қисқич, эгов, кўмир каби жами 28 сўз мақоласи киритилган бўлиб, 25 мақола бирлик, фақат учтаси кўплик шаклида келтирилган. «Д» нусхадан темирчиликка оид фасл тушиб қолган.

Бошланиши: حداد –ҳ а д д а : д–تيمورجى – т э м у р ч и.

Охири: فحام – ф а ҳ ҳ а : м –كومور ساتقونجى – к ў м у р с а т қ у ч и .

Еттинчи— овчи ва унга алоқадор сўзлар фаслига тузоқ, тўр, балиқчи, қармоқ каби 18 та сўз киритилган. Бу фасл «Д» нусхага киритилмаган.

Бошланиши: صياد – с а й й а : д – اوجى – а в ч и.

Охири: جر –ж у р р – كيك توزاغى – к и й и к т у з а ғ и.

Саккизинчи фасл ашулачи ва унга оид сўзлар фасли. Мазкур фаслга ашула, созлар номлари киритилган. Жами сўз мақолалари сони 21 та.

Бошланиши: مطرب –м у т р и б – يير لاغوجى – й и р л а ғ у ч и.

Охири: جلجل – ж у л ж у л – دف نينك بولى д а ф н и н г б ў л и . «Д» нусхадан мазкур фаслнинг бошланиш қисмидаги 16 та сўз тушиб қолган ва يراعة –й а р а : ъ а сўзи билан бошланган.

Тўққизинчи фасл—ўйинчи ва унга оид сўзлар фасли. Бу фасл ўйинчи, яъни раққоса, рақс, турли рақс номларидан иборат бўлиб, жами 40 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: لعاب –л а ъ ъ а : б–او يين جى–ў й и н ч и.

Охири: آبده –а : б и д а – جورجاك –ч у р ч а к. «Д» нусха احاجى – а ҳ а : ж и, бирлиги احجية –у ҳ ж и й а сўз мақоласи билан тугаган.

Ўнинчи фасл— атторчиликка оид сўзлар фасли. Фасл атир, атир номларига доир сўзлардан иборат. Умумий сўзлар сони 27 та.

Бошланиши: عطار – ъ а т т а : р–اید ساتغوجى – и д с а т ғ у ч и.

Охири: صلاه –с а л а : х– م (яъни, عطارلار تاشى – ъ а т т а : р л а р т а ш и).

Ўн биринчи фаслга май, май турлари, қадаҳ каби 37 сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: فقاعى – ф у қ қ а : ъ и – ف (яъни, فقاعى – ф у қ қ а : ъ и).

Охири: زق – з и қ қ– تولوم – т ў л у м.

Ўн иккинчи фасл— оқартувчи ва у ишлатадиган асбобларнинг номларига бағишланган фасл. Унда мавзуга оид 13 та сўз мақоласи мавжуд.

Бошланиши: قصار – қ а с с а : р– تون يغوجى – т ў н й у ғ у ч и.

Охири: رزم – р и з а м – م (яъни,ارقاد كوتار كان نيمه– а р қ а д а к ў т а р г а н н и м а).

Ўн учинчи фаслга дурадгор, дурадгорчилик, унда ишлатиладиган сўзлар киритилган. Жами 14 сўз мақоласи.

Бошланиши: نجار – н а ж ж а : р – ف (яъни, نجار –н а ж ж а : р).

Охири: ببرم – б а б р а м –ايكى باشليق بيجقين – и к к и б а ш л и қ п и ч қ и н .

Ўн тўртинчи фасл мол доктори, сўлиқ, ишитар, тушов сўзларидан иборат.

Бошланиши: بيطار –б а й т а р– ف (яъни, بيطار – б а й т а : р).

Охири: شكال – ш и к а : л– توشاق – т ў ш а қ.

Ўн бешинчи қисм – кассоб ва кассобчиликка оид сўзлар фасли. Унга шу ҳунарга доир гўшт сотувчи, ўпка, гўшт чопадиган болта каби 8 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: قصاب – қ а с с а : б – ف (яъни, قصاب–қ а с с а : б).

Охири: قتاره –қ а т а : р а –ف (яъни, قتاره– қ а т а : р а). «Д» нусхадан бу фасл тушиб қолган.

Ўн олтинчи фасл – ҳижоматчиликка оид қон оладиган идиш, пиштар, яраш боғлайдиган боғич каби сўзлар фасли. У жами 15 та сўздан иборат.

Бошланиши: حجام – х а ж ж а : м – حجامت جی – ҳ и ж а м а т ч и.

Охири: جباره – ж и б а : р а – م (яъни,سينوق بيقاج باغلاغوجی с и н у қ й и қ а ч б а ғ л а ғ у ч и).

Ўн еттинчи фаслга ёғчи, ёғ сотувчи, ёғ ва ёғ олиш билан боғлиқ 16 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши:دهان – д а ҳ ҳ а : н – ياغجی – й а ғ ч и. «Д» нусхада دهان –д а ҳ ҳ а : н ва مدهنة–м а д ҳ а н а сўзларининг ўрни алмашган ва фасл м а д ҳ а н а сўзи билан бошланган.

Охири:ملطاس – м и л т а : с – م (яъни,ياغجی اوقی – й а ғ ч и ўқ и).

Ўн бешинчи бобнинг ўн саккизинчи фаслига тикувчиликка оид сўзлар киритилган. Мазкур фасл игна, ип, қайчи, қути каби 18 та сўз мақоласидан иборат.

Бошланиши:ابار – а б б а : р– ايكناجی –и г н а ч и.

Охири: مدقة –м и д а қ қ а – ييك يا نجقوجی –й и г й а н ч ғ у ч и. «А» нусхада бу сўзнинг туркий муодили нотўғри берилган. Арабий м и д а қ сўзи «ангишвона» мазмунини англатади ва ييكنه سانجقوجی – й и г н а с а н ч қ у ч и кўринишида берилиши лозим.

Ўн тўққизинчи фасл – ип йигирув манғулотига оид сўзлар фасли. Бу фаслга ип, калава–ғалтак, илмоқ, чарх каби 11 та сўз мақоласи киритилган. Фасл مغزلی – м и ғ з а л и й– ايك يون غوجی –и г й ў н ғ у ч и сўзи билан бошланган. Жумладаги иг сўзи хато берилган, бу сўз ип шаклида тузатилди ваايب يون غوجی – и п й ў н ғ у ч и тарзида кўрсатилди.

Охири:احفاش – и х ф а ш–ج(бирлиги حفش –х и ф ш– ايك ليك и л а н к, тўғри шакли–ايب ليك–и п л и к).

Йигирманчи фасл пахта тозаловчи, пахта тозалаш асбобларига оид сўзлардан иборат. Фаслга жами 6 сўз киритилган. Фасл ندف – н а д д а : ф ياموق ات قو جی –й а м у қ а т қ у ч и (тўғри шакли ساموق –м а м у қ а т қ у ч и) билан бошланиб, وتر – اوتار –в а т а р – а в т а : р– كيريش–к э р и ш сўзи билан тугайди.

Йигирма биринчи фаслга доричиликка оид сўзлар жамланган. Бу фаслга дори сотувчи, доривор шарбат, юрак дорини, уйқу дорини, алоэ каби 23 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: صيدلانی –с а й д а л а : н и й –دارو ساتقوجی – д а р у с а т қ у ч и.

Охири:مقل –м у қ и л– ف (яъни, مقل –м у қ и л).

Йигирма иккинчи фасл — касалликларга оид сўзлар фасли. Фасл касаллик ва унинг турларига бағишланган 49 та сўз мақоласидан иборат. Унга иситма, унинг турлари, бош оғриғи, темир ўтки, чечак, томоқ, оёқ, тирноқ касалликлари, қизамиқ, ошқозон яраси каби касаллик номлари киритилган.

Бошланиши: داء –д а :– اغريق –а ғ р и қ.

Охири: ندب –н а д а б –قرت بيلكوسی – қ а р т б э л г у с и.

Йигирма учинчи–савдога оид сўзлар фаслига савдогар ҳамда майиз, асал, шинни, талқон, сақич каби озиқ-овқат номлари, хўжаликда лозим бўладиган анор пўчоғи, сурма, хина, нил, ўсма, совун каби жами 63 та сўз мақоласи жамланган.

Бошланиши:فامی – ф а : м и й –ييميش ساتغوجی – й э м и ш с а т ғ у ч и. «А» нусхада бу фасл فامی – ф а : м и й сўзи билан бошланиб, ундан кейин بيع – б а й ъ сўзи келган. «Д» нусхада эса бу икки сўзнинг ўрни алмашган.

Охири: صابونی – с а : б у : н и й –صابون ساتقوجی – с а б у н с а т қ у ч и.

Ўн олтинчи бобга меҳмондорчиликка оид сўзлар жамланган. Унга меҳмон, тўй номлари, таом ва нон турларига бағишланган 146 та сўз мақоласи киритилган. «Д» нусхада мазкур боб مادبة –м а ' д а б а сўзи билан бошланган, «А» нусхада эса, бу сўз кейинги фасл таркибида келтирилган.

Бошланиши:ضيف –д а й ф–جويجين –ж о й ж и н.

Охири: دردی –д у р д а – م (яъни, سوت نينك كيری –с у т н и н г г и р и).

Ўн еттинчи боб кийим кечакларга оид сўзлардан иборат. Ушбу бобга дастрўмол, белбоғ, салла, бўрк, қўйлак, этик, енг, ёқа, шитон, пайпоқ каби 162 та сўз киритилган.

Бошланиши: ثوب –с а в б – тон –т ў н.

Охири: شرج –ш а р ж–مفرش قلاغی–м у ф р и ш қ у л а ғ и.

Ушбу бобнинг биринчи фасли уй жиҳозлари билан боғлиқ сўзлардан иборат. Унга гилам, тўшак, парда, ёстиқ, палос ва уларнинг турларига бағишланган 86 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши:كساء -к и с а :– ف (яъни, كليم -г и л и м).

Охири: هدب –ҳ у д б – دستار ساجاغی –д а с т а р с а ч а ғ и.

Ўн саккизинчи боб –сонлар боби. Бу бобда бирдан ўттизгача бўлган сонлар, ўнликлар, юзликлар, минг, мингдан йигирма мингтача, ўн мингликлар ва юз мингликларга оид 83 та сон мисол тарзида берилган.

Бошланиши: واحد –в а : ҳ и д – بیر –б и р.

Охири: شفع –ш а ф ъ– ف (яъни, جفت–ж у ф т).

Ушбу бобнинг биринчи фасли––каср сонлар фасли. Фаслга бўлаклар. ярим, чорак, турли касрларга оид 49 та сўз киритилган.

Бошланиши: حصة –ҳ и с с а– اولوش –у л у ш.

«А» нусхадан фасл охиридаги бешта сўз тушиб қолган. «Д» нусхада фасл عشار –ъ у ш а : р сўзи билан тугаган.

Иккинчи фаслга ўлчов сонлари, олтин, динор (пул бирлиги) кабилар жамланган. Фаслга ҳамён, кумуш танга, пул тўла ҳамён, олтин бўлаги, олтин ўлчайдиган тарози каби 39 та сўз киритилган.

Бошланиши: عين –ъ а й н– الطون –а л т у н.

Охири: معیار –м и ъ й а : р –الطون ترازوسی–а л т у н т а р а з у с и.

Учинчи фаслга тарозибонликка оид сўзлар киритилган. Унда тарозибон, тарози, унинг қисмлари, оғирлик ўлчови бирликлари каби 30 та сўз мақоласи бор.

Бошланиши: وزان –в а з з а : н–ترازو تارتقوجی–т а р а з у т а р т қ у ч и.

Охири: استار –и с т а : р – بیر سیر –б и р с и р.

Ўн тўққизинчи боб га от, от турларига доир сўзлар, тойчоқ, айғир, турли ёшдаги от номлари, йўрға от, отнинг зотларига доир 44 та сўз киритилган. «А» нусхада мазкур боб фасл деб номланган.

Бошланиши: فرس –ф а р а с – اط –а т.

Охири: عقوق –ъ а қ у : қ –اط بوغوز –б ў ғ у з а т.

Ушбу бобнинг биринчи фаслига отнинг ранги ва сифатларига доир сўзлар киритилган. Улар оқ от ва унинг ўндан ортиқ турлари. қора от, ола от, қизил от каби 32 та сўздан иборат.

Бошланиши:شیه –ш и й а х– اط بیلکوسی –а т б ў л г у с и.

Охири: نکته –н а қ т а – اط بینکی –а т й и л г и.

Иккинчи фаслга от танаси аъзоларининг номланишига оид от лаби. ёли, туёғи каби сўзлар киритилган. Жами 28 та сўз жамланган. «А» ва «Д» нусхаларда جحفلة-ж а ҳ ф а л а ва شیه – шийаҳ сўзлари билан бошланувчи фасллариниг ўрни алмашган.

Бошланиши:جحفلة –ж а ҳ ф а л а–اط ایرنی–а т и р н и.

Охири: سنبك – с у и б у қ –اط تویناق نینك الی– а т туйнақининг али.

Учинчи фаслга от пойгаси ўтказиладиган отчопар, маррага биринчидан бошлаб ўнинчи ва энг кейинги келган от номлари жамланган. Бу фаслга жами 15 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: مضمان –м и д м а : н– اطلارنینك یاری شور تیزی (ییری)–а т л а р н и н г й а р и ш у р т и з и (й э р и).

Охири: قاشور –қ а : ш у : р– م (яъни, فسکـــل – ф и с к и л– اینك کیین کی قالغان اط –э н г к е й и н г и қ а л ғ а н а т). «Д» нусхада бу фасл боб деб кўрсатилган ва қ а : ш у : р сўзи тушиб қолган.

Тўртинчи фасл—от жабдуқларига оид сўзлар фасли. Мазкур фаслга нўхта, жилов, тўқим, эгар каби от анжомларининг номлари киритилган. Жами 58 та сўз мақоласидан иборат. «А» ҳамда «Д» нусхаларда مضمان – м и д м а : н ва عذار –ъ и з а : р сўзлари билан бошланувчи фасллариниг ўрни алмашган ва «Д» нусхада боб деб номланган.

Бошланиши: عذار –ъ и з а : р– نوختە – н ў х т а.

Охири: میسم – м а й с а м – اط تامغاسی – а т т а м ғ а с и.

Бешинчи фасл жанг майдони, қўшин, қўшинининг турли қисмлари номлари, отлиқлар, шиёда, сулҳ, ўлжа каби 50 та сўздан иборат. «Д» нусхадан бу фасл тушиб қолган.

Бошланиши: معرکة – м а ъ р а к а –سانجیش ییری –с а н ч и ш й э р и.

Охири:غنیمة –ғ а н и : м а –م (яъни: نفل–н а ф л– اولجا–ў л ж а).

Олтинчи фасл жангда қўлланиладиган асбоб—анжомларга оид сўзлардан иборат. Фаслга поғора, бурғу, туғ, манжаниқ каби 24 та сўз мақоласи киритилган. Мазкур фасл «Д» нусхадан тушиб қолган.

Бошланиши: طبل – т а б л – ف (яъни, طبل – т а б л).

Охири: نفاطة – н а ф ф а : т а رعد اتغوجى – р а ъ а д а т ғ у ч и.

Еттинчи фасл турли хил қуроллар билан қуролланган кишиларнинг номларига бағишланган. Унга қиличли–қиличсиз, найзали–найзасиз, қалқонли–қалқонсиз, дубулғали–дубулғасиз, совутли киши маъноларини англатувчи 14 та сўз киритилган. Бу фасл «Д» нусха матнида акс этмаган.

Бошланиши: مسلحة – м у с а л л а ҳ а – لار جيباليك -ж и б а л и к л а р.

Охири: اعزل – а ъ з а л – ايرجيبا سيز – ж и б а с и з э р.

Саккизинчи фасл жангда ишлатиладиган аслаҳаларга оид сўзлардан иборат. Бўлимга курол-аслаҳа номлари, қиличларнинг хиллари, қисмларининг номланиши билан боғлиқ 37 та сўз киритилган.

Бошланиши: سلاح – с и л а : ҳ–ف (яъни, سلاح – с и л а : ҳ).

Охири: نجاد – н и ж а : д– م (яъни, محمل –м и х м а л– قيليج باغى – қ и л и ч б а ғ и).

Тўққизинчи фаслга найза, унинг турлари ва қисмларининг номланишига доир сўзлар киритилган. Фаслда жами 29 та сўз мақоласи изоҳланган.

Бошланиши: رمح – р у м ҳ – سونكو – с у н ғ у.

Охири: زجاج – з у ж а : ж – ج (бирлиги زج – з у ж ж – سونكونينك استين بوغونى – с у н г у н и н г а с т и н б ў ғ у н и).

Ўнинчи фасл ёй-камон, унинг бўлакларига оид сўзлардан иборат. Жами 11 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: قوس –қ а в с– ياي –й а й.

Охири: فرض – ф а р д– كوار تورار يير – г у в а р т у р а р й э р.

Ўн биринчи фасл ўқ ва унга оид сўзларга бағишланган. Бу фасл ўқ, ўқ отувчи, ўқ бўлаклари, номларига оид сўзлардан иборат. Умумий сўзлар сони 39 та.

Бошланиши: سهم –с а ҳ м– اوق –ў қ.

Охири: وفاض –в и ф а : д– ج (бирлиги وفضة –в а ф д а – м яъни, جعاف – ж а ъ ъ а : ф– كيش جى –к э ш ч и). «Д» нусха جفير – ж а ф и : р сўзи билан тугаган.

Ўн иккинчи фасл пичоқчи, пичоқ ва унинг қисмларига оид сўзлардан иборат. Унга шу мавзуга оид 14 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: سكاك – с а к к а : к – بيجاق جى – п и ч а к ч и.

Охири: قراب қ и р а : б بيجاق قينى – п и ч а қ қ и н и.

Ўн учинчи фасл чўкмор, гурз, тўқмоқ, ҳасса, қамчи, камар каби уруш асбобларига бағишланган. Жами 17 та сўз мақоласидан иборат.

Бошланиши: دبوس –д а б б у : с–جوماق–ч у м а қ.

Охири: درة –д и р р а – م (яъни, درة–д и р р а).

Ўн тўртинчи фасл совут, совут ясовчи, қалқон, уларнинг турларига боғлиқ сўзлардан иборат. Жами 27 та сўз.

Бошланиши: زراد –з а р р а : д–كوهه جى–к у ҳ а ч и.

Охири: درق –д а р а қ– ج (бирлиги درقة – д а р а қ а – توره тўра).

Йигирманчи боб туя, унинг турли ёшдаги номланишлари, хусусиятлари билан боғлиқ 78 та сўз мақоласидан иборат. «А» нусхада фасл деб номланган.

Бошланиши: بهيمة – б а ҳ и : м а– كلا – г а л а.

Охири: بختى –б у х т а.

Ушбу бобнинг биринчи фаслида туя аъзоларининг номланиши ўз ифодасини топган. Мазкур фаслга туя лаби, жинсий аъзолари номи, тиззаси, тўши, товони, тирноғи, ўркачи каби 21 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: مشفر – м и ш ф а р–تيوه ايرنى – т э в а и р н и.

Охири: اسنمة – а с н и м а – ج (бирлиги سنام – с а н а : м– تيوه اور كاجى – т э в а ў р к а ч и).

Иккинчи фасл туяга ишлатиладиган асбоб-анжомлар, жабдуқларга оид сўзлардан иборат. Фаслга мазкур мавзуга оид туя нўхтаси, қорин боғи, тизза боғи, бўйин боғи каби жами 39 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: عران –ъ и р а : н–بويلا ييغاجى–б ў й л а й и ғ а ч и.

Охири: حقايب–ҳ а қ а : и б–ج (бирлиги حقيبة –ҳ а қ и : б а– تيوه نينك قارنيده باغلار ايب – т э в а н и н г қ а р н и д а б а ғ л а р и н).

Учинчи фасл хачир, эшак, қулон, уларнинг болалари номларига бағишланган. Унга 20 та сўз мақоласи киритилган. У «Д» нусхада боб деб кўрсатилган.

Бошланиши: بغل – б а ғ л– قاجير – қ а ч и р.

Охири: تولب –т а в л а б –قلان خدوكى – қ у л а н х а д у к и.

Тўртинчи қисм ҳайвонларга керакли бўлган буюмлар фасли. Унга охур, ўт, тўқим, юк каби 27 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: معلف – м и ъ л а ф– ف(яъни, اخور – а х у р).

Охири: اوساق – а в с а : қ – ج (бирлиги وسق – в а с а қ – тўла йўқ и) : «Д» нусхадан а в с а : қ сўзи тушиб қолган ва фасл علاوی – и л а : в а сўзи билан тугаган.

Пиширма биринчи бобда келтирилган сўзлар қорамолларга бағишланган. Мазкур бобга ҳўкиз,сигир, бузоқ номлари, уларнинг турли ёшлардаги номланишига оид 15 та сўз йиғилган. «Д» нусхада ушбу боб фасл деб кўрсатилган.

Бошланиши: ثور – с а в р – اوي – у й.

Охири: صالغ – с а : л и ғ – يشار اوي يتی–й э т т и й а ш а р у й.

Ушбу бобнинг биринчи фасли қорамол шохи, туёғи, тезаги каби сўзлардан иборат. Фасл жами 7 та сўз мақоласидан иборат. «Д» нусхада фасл тарзида кўрсатилган.

Бошланиши:قرن –қ а р и–اوی مو نکوزی–у й м у и г у з и.

Охири: جاموس–ж а : м у : с– ف (яъни, كاو ميش –г а в м и ш).

Иккинчи фасл– қўй, эчкиларга оид сўзлар фасли. Мазкур фасл қўй, қўчқор, эчки, така, қўзи, улоқ, шунингдек, қўйларнинг турли ёшдаги номланишига оид сўзлардан иборат. Сўз мақолаларининг умумий сони 44 тани ташкил этади. «Д» нусхада мазкур фасл боб деб кўрсатилган.

Бошланиши: شاة –ш а :т – قوی –қ ў й.

Охири:سالغ–с а : л и ғ – التی يشارقوی–а л т и й а ш а р қ ў й.

Навбатдаги, учинчи фасл ҳар хил қўйларнинг сифат-хусусиятлари аталишига бағишланган. Жами 24 та сўз мақоласи киритилган ушбу фаслда ола, қора, шохли, шохсиз, қулоғи кесик, қорни оқ қўй каби сўзлар берилган.

Бошланиши:رقطا –р а қ т а :– الا قوی –а л а қ ў й.

Охири: اميهة – а м а й ҳ а –قوي نينك جيجكی – қ ў й н и н г ч и ч и г и.

Тўртинчи фасл қўй, туя каби ҳайвонларнинг юнглари номига бағишланган. Умумий сўз мақолалари 11 та бўлиб, улар туя юнги, бўялган, кесилган юнг, қайчи каби сўзлардан иборат.

Бошланиши: صوف – с у : ф –يونك – й у н г.

Охири: جلمان – ж а л а м а : н – قايجی –қ а й ч и.

Бешинчи фасл ҳайвон эмчаклари номланишига доир. Бу фаслга асосан соғиладиган туя, от, сигир, қўй, эчки каби уй ҳайвонлари эмчакларининг номига оид 6 та сўз мақоласи киритилган.

Бошланиши: خلف – х и л ф – تيوه نينك يا اط نينك ايمجاكی т э в а н и н г й а а т и н и н г э м ч а г и.

Охири: اطباء – а т б а : ж (бирлиги طبی – т у б а – كيك ايمجاكی–к и й и к э м ч а г и).

Пиширма иккинчи бобда кийик, жайрон, буғу, товушқон, тоғ эчкиси, арслон, бўри, тулки, чиябўри, айиқ, қоплон, маймун каби ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг эркаги, урғочиси ҳамда болаларининг номлари берилган. Жами сўз мақолалари сони 102 тани ташкил этади. «А» нусхада бу боб фасл сифатида кўрсатилган.

Бошланиши: وحشی – в а ҳ ш и й–يازی كلاسی – й а з и г а л а с и.

Охири: ضيأوين – д а й а : в и : н–ج (бирлиги ضيون – д а й в а н– مانول – м а н у л).

Ушбу бобнинг биринчи фаслидан судралиб, ўрмалаб юрувчи ҳайвон номлари ўрин олган. Бу бобга калтакесак, кирпи, тошбақа, илон, юмронқозиқ, сичқон каби ҳайвонларнинг номларига оид 54 та сўз киритилган.

Бошланиши: هامة– ҳ а : м м а–تيير انكوجی –т э б р а н г у ч и.

Охири:خلد – х у л д–سوقار سيجقان–с ў қ а р с и ч қ а н.

Иккинчи фасл ҳашаротларга бағишланган. Ў қурт, қумурсқа, бит, сирка, бурга, ари, чигиртка, чивин каби турли майда ҳашаротлар номларидан иборат. Жами 63 та сўз.

Бошланиши: حشرة – ҳ а ш а р а – قورت – қ у р т.

Охири: بق – б а қ қ – ج(бирлиги بقة – б а қ қ а – اولغ سينكك– у л у ғ с и н г а к).

Пиширма учинчи бобга қарчиғай, лочин, бургут, қирғий каби йирик қуш номлари жамланган. Жами 28 та сўз мақоласи бор.

Бошланиши: طاير –т а : и р– طاووق –т а в у қ.

Охири:مضرحی –м а д р а ҳ и й– قاجير اق–а қ қ а ч и р.

Ушбу бобнинг биринчи фаслидан кичик қушлар номлари ўрин олган. Чумчуқ, тўрғай, қалдирғоч, кабутар, қумри, каклик, бедана каби қуш номларидан иборат. Ушбу фаслга жами 134 та сўз киритилган.

Бошланиши:بغاث – б у ғ а : с – كيجيك قوشلار – к и ч и к қ у ш л а р.

Охири: فراخ – ф и р а : х– ج (бирлиги فرخ– ф а р х –ف я ъ н и. جوزه – ж ў ж а).

Пиширма тўртинчи бобга сифатлар жамланган. Сифатлар бобига оппоқ, қоп-қора, сап-сариқ, қип-қизил, ям-яшил, кўм-кўк каби 10 та қучайтирма сифатлар киритилган.

Бошланиши: ابيض – а б й а д– اباق –а н и а қ.

Охири: اكهب اللامع – а к ҳ а б у л - л а : м и ъ – كوم كوك – к ў м - к ў к.

Йигирма бешинчи боб тур, жинс, нав каби турли ёрдамчи сўзлардан иборат. Унга тур, нав, ранг, нисм, парса, мақсад, дастлаб, кейин, бошқа, қарз, азоб каби жами 103 та сўз мақоласи жамланган.

Бошланиши: بابة – б а : б а – تورلوك – т у р л у к.

Охири: اثناء – а с н а : – ج (бирлиги ثنى – с и н а : – м яъни, ايكى انجه – и к к и а н ч а).

Йигирма олтинчи боб - олмошлар боби باب المضمرات – б а : б у л - м у д а м м и р а : т. У қуйидаги бўлимлардан иборат:

1.Алоҳида ёзилувчи бош келишикдаги олмошлар – منفصل مرفوع – м у н ф а с и л м а р ф у : ъ яъни, кишилик олмошлари. Мазкур бўлимга 14 та кишилик олмоши киритилган.

Бошланиши: هو – ҳува – اول ایر – ул эр.

Охири: نحن – нахну – بيز – биз.

2.Алоҳида ёзилувчи тушум келишигидаги олмошлар منفصل منصوب – м у н ф а с и л м а н с у : б бўлими. Бу бўлимга ایا – и й й а: юкламаси билан бирга қўлланилган бирикиб келувчи олмошлардан ясалган 12 та бирикма киритилган.

Бошланиши: اياه – и й й а : ҳ у – اول ایركا – ул эрга.

Охири: ايانا – и й й а : н а : – بيز لارغا – б и з л а р ғ а.

3. Қаратқич келишиги мазмунини ифодаловчи бирикиб келувчи олмошлар متصل مجرور – м у т т а с и л м а ж р у : р бўлими. Бўлимда қаратқич мазмунини ифодаловчи 14 та бирикма изоҳланган.

Бошланиши: غلامه – ғ у л а : м у ҳ у – اول ايرنينك قولى – ул эрнинг қули.

Охири: غلامنا – ғ у л а : м у н а : – بيزيم قولوميز – б и з и м қ у л у м и з.

4. Бош келишик мазмунини ифодаловчи бирикиб келувчи олмошлар متصل مرفوع – м у т т а с и л м а р ф у ъ бўлими. Бўлим феъллларга бирикиб келувчи шахс–сон қўшимчаларига бағишланган. Унда ضرب – д а р а б а – «урмоқ» феълига бирикиб келган аффикслар мисолида 14 та бирикма изоҳланган.

Бошланиши: ضرب – д а р а б а – اوردى – у р д и.

Охири: ضربنا – д а р а б н а : – اوردوق بيزلار – у р д у к б и з - л а р.

5. Тушум келишиги мазмунини ифодаловчи бирикиб келувчи олмошлар متصل منصوب – м у т т а с и л м а н с у б бўлими. Бўлимда бирикиб келувчи ه – ҳу, هما – ҳ у м а :, هم – ҳ у м, ها – ҳ а :, هن – ҳ у н и а, ك – к а, كما – к у м а :, كم – к у м, ك – к и, كن – к у н и а: نى – н и :, نا – **н а :** олмошлари изоҳланган.

Бошланиши: ضربه – д а р а б а ҳ у – اوردى اول ايرنى – у р д и у л э р н и.

Охири: ضربنا – د а р а б а н а : – اوردى بيزلارنى – у р д и б и з л а р - н и.

Йигирма еттинчи бобдан равиш ва равиш ясовчи олд қўшимчалар ўрин олган. Мазкур бобга قبل – к а б л а, بعد – б а ъ д а, فوق – ф а в қ а каби равишлар, уларнинг қўшилиб ёзилувчи олмошлар билан бирга қўлланиладиган ҳолларига доир мисоллар, кўрсатиш олмошларининг турли шакллари киритилган.

Бошланиши: قبل – к а б л а – بورون – б у р у н.

Охири: مونك الار بارجه – ҳ а : ҳ у н а у в л а : н – ها هن اولاء خاتون لار – м у н г а л а р б а р ч а х а т у н л а р.

Йигирма саккизинчи боб сўроқ ва нисбат олмошларидан иборат. Унда من – м а н, ما – м а : каби сўроқ олмошлари. الذى – а л л а з и нисбат олмошининг турли шахс, сон кўринишлари, ذو – з у : эгалик олмошига доир мисоллар изоҳланган.

Бошланиши: من – м а н – اول كيشى – у л к и ш и.

Охири: خاتونلار مال ايكاسى – اولات مال – у в л а : т м а : л – хатунлар мал эгаси.

Немлар қисми йигирма тўққизинчи, ёрдамчи боб билан тугаган. Бобда اى – а й й у н нисбий олмошининг турли бирикиб келувчи кишилик олмошлари билан келган ҳолатлари, чақирик, нидо, ҳис-ҳаяжон мазмунини билдирувчи ёрдамчи сўзлар, қасам мазмунининг турли воситалар ёрдамида ифодаланишига доир мисоллар, ўзлик ва якка лик олмошлари келтирилган.

Бошланиши: اى – а й й у н – قايسى ايز – қ а й с и э р.

Охири: لا هم – л а : х у м м а – м (яъни, اللهم – А л л а : х у м м а – э й т э н г р и).

«Муқаддамату-л-адаб» нинг исмлар қисми кенг қамровли, сермазмун сўз бойлигига эга. Исмлар қисмига 6250 та сўз мақоласи киритилган. Сўзларнинг умумий сони бундан анчагина кўп. Чунки улар жумлалар шаклида изоҳланган. Асарнинг мазкур қисмидаги сўз бойлигини бошқа нодир қўлёзмалардаги сўзлик билан қиёслаш унинг мазмунан бойишига, сон жиҳатидан ортишига олиб келади. Исмлар қисмининг сўзлиги 18 боб, 78 фаслда изоҳланган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, қиёсланаётган қўлёзмаларда боб ва фаслар сони бир хил эмас. Бу эса «Муқаддамату-л-адаб» нинг исмлар қисми бўйича тадқиқот ишларини давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

1.3. ФЕЪЛЛАР ҚИСМИ.

قسم الأفعال ҚИСМУ–Л–АФЪА:Л

«Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмаларидаги феъллар қисми бисмилло билан бошланган. Дастлаб فعل يفعل فعلا –фаъала йафъилу феъллар қолипидаги биринчи боб феъллари келтирилган. Бу бобдан қуйидаги феъл кўринишлари ўрин олган.

Тўғри феъллар هنأه الطعام – х а н а ‘а х у – т – т а ъ а : м феъли билан бошланади. Бу бўлимга 464 та феъллар киритилган.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф– иккиланган феъллар–112 та.

المعتل الفاء بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и л-в а : в –биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–80 та.

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а : – биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–2 та.

المعتل العين –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н– иккинчи ўзаги иллатли феъллар–134 та.

المعتل اللام بالياء– а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м б и-л-й а :–учинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–91 та.

المعتل الفاء واللام– а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–18 та.

المعتل العين واللام – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н в а-л-л а : м– иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–24 та. Мазкур бўлимдан 925 та феъл ва 250 та масдар, сифатдош ўрин олган.

فعل يفعل – ф а ъ а л а й а ф ъ у л у қолипидаги биринчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–410 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф – иккиланган феъллар–175 та.

المعتل الفاء بالواو المضاعف منه – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в а л-м у д а : ъ а ф м и н х у – биринчи ўзаги вов билан ифодаланган ва иккиланган феъл шаклига ود–в а д д а кўринишни киритилган.

المعتل العين –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н–иккинчи ўзаги иллатли феъллар–173 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–140 та.

Ф а ъ а л а й а ф ъ у л у қолипига 909 та феъл, шунингдек, 276 масдар ва сифатдош шакли киритилган.

فعل يفعل – ф а ъ и л а й а ф ъ а л у қолипидаги биринчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–354 та.

المضاعف – а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–43та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–20 та.

المعتل الفاء من المضاعف – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : м и н а-л-м у д а : ъ а ф–биринчи ўзаги иллатли иккиланган феъллар–2 та.

المعتل الفاء بالياء – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а :б и-л-й а: – биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–7 та.

المعتل العين بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н б и-л-в а : в– иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–24 та.

المعتل العين بالياء – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н б и-л-й а :– иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–14 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–47 та.

المعتل الفاء واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъл бўлимига وجى – в а ж и й а феъли киритилган.

المعتل العين واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й н в а-л-л а: м– иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–13 та.

Бўлимга кирган феълларнинг умумий сони 525 та, масдар ва сифатдошлар–439 та.

فعل يفعل –ф а ъ а л а й а ф ъ а л у қолипидаги биринчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–265 та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а: б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–6 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–13 та.

Фаъала йафъалу қолипидаги феълларнинг умумий сони 248 та, масдар, сифатдошлар–81 та.

فعل يفعل – ф а ъ и л а й а ф ъ и л у қолипидаги биринчи боб феъллари.

Мазкур феъл бобида المعتل الفاء بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в – биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар берилган ва бу бўлимга 6 та феъл киритилган.

Биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли المعتل الفاء واللام– а л м у ъ-т а л л у-л-ф а: в а-л-л а : м бўлимида биргина ولي – в а л и й а феъли мавжуд.

فعل يفعل – ф а ъ и л а й а ф ъ и л у қолипидаги биринчи боб феъллари қисмидан 7 та феъл ўрин олган.

فعل يفعل – ф а ъ у л а й а ф ъ у л у қолипидаги I боб феъллари.

Тўғри феъллар–132 та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–9 та.

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а :–биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар бўлимига يسر–й а с у р а феъли, иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар المعتل العين بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-в а : в бўлимига ҳам биргина طال–т а : л а феъли киритилган.

المعتل اللام بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м б и-л-в а : в–учинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–3 та.

Мазкур феъл боби таркибидан 146 та феъл, 160 та масдар, сифатдош шакли ўрин олган.

فعل يفعل – ф у ъ и л а й у ф ъ а л у қолипидаги биринчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–22 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–12 та.

Иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар

المعتل العين بالياء–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-й а : бўлимига жуйида ва عيد – ъ у й и д а феъллари киритилган.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–6 та.

Биринчи боб феълларининг فعل – ф у ъ и л а қолипидаги бўлимига 42 та феъл, 36 та масдар, сифатдош шакли киритилган.

أفعل يفعل إفعالا–а ф ъ а л а й у ф ъ и л у и ф ъ а: л а н қолипидаги IV боб феъллари.

Тўғри феъллар–459 та.

المضاعف–а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–75 та.

المعتل الفاء بالياء–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а :–биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–8 та.

المعتل العين بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–87 та.

المعتل العين بالياء – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-й а : –иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–32 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–111 та.

المعتل الفاء واللام–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–16 та.

المعتل العين واللام بالواو а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н в а-л-л а : м б и-л-в а : в–иккинчи ва учинчи ўзаклари вов билан ифодаланган иллатли феъллар–11 та.

Иккинчи ва учинчи ўзаклари йо билан ифодаланган иллатли феъллар المعتل العين واللام بالياء –ал-муъталлу-л-ъайн ва-л-ла:м би-л-йа;–6 та.

Тўртинчи боб таркибига 857 та феъл ва 166 та масдар, сифатдош киритилган.

فعل يفعل تفعيلا و تفعلة –ф а ъ ъ а л а й у ф а ъ ъ и л у т а ф ъ и: л а н в а т а ф ъ и л а т а н қолипидаги II боб феъллари.

Тўғри феъллар–406 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–61 та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–30 та.

Биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а : бўлимига иккита феъл киритилган.

المضاعف منه –а л-м у д а: ъ а ф м и н х у–иккиланган феълларга يمم – й а м м а м а х у феъли киритилган.

المعتل العين بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–81 та.

المعتل العين بالياء–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а :–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–44 та.

المعتل الفاء واللام–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–5 та.

المعتل العين واللام بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и в а-л-л а : м б и-л-в а : в – иккинчи ва учинчи ўзаклари вов билан ифодаланган иллатли феъллар–5 та.

Иккинчи ва учинчи ўзаклари йо билан ифодаланган феъллар бўлимига 2 та феъл киритилган.

Иккинчи боб таркибига 696 та феъл ва 108 та масдар, сифатдош киритилган.

فاعل يفاعل مفاعلة و فعالا–ф а : ъ а л а й у ф а : ъ и л у м у ф а : ъ а л а т а н в а ф и ъ а : л а н қолипидаги III боб феъллари.

Тўғри феъллар–201 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–19 та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–18 та.

Биринчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а : бўлимига 3 та феъл киритилган.

المعتل العين بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–26 та.

المعتل العين بالياء –а л-му ъ т а л л у-л-ъ а й и н б и-л-й а :–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–15 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–35 та.

Биринчи ва иккинчи ўзаклари иллатли феъллар المعتل الفاء والعين – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а: в а-л-ъ а й и н бўлимига биргина ياوم – й а : в и м а феъли киритилган.

المعتل الفاء واللام–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–4 та.

المعتل العين واللام–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н в а-л-л а: м–иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–5 та.

فاعل ф а : ъ а л а кўринишидаги III боб таркибидан 327 та феъл, 44 та масдар ва сифатдош жой олган.

إفتعل يفتعل إفتعالا – и ф т а ъ а л а й а ф т а ъ и л у и ф т и ъ а : л а н қолипидаги саккизинчи боб.

Тўғри феъллар–272 та.

Иккиланган феъллар– المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–46 та.

Биринчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар– المعتل الفاء بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-в а : в–20 та.

المعتل العين –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н–иккинчи ўзаги иллатли феъллар–38 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–75 та.

المعتل الفاء واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а: м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–3 та.

المعتل العين واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н в а-л-л а : м–иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–6 та.

Феълларнинг умумий сони–455 та, масдар ва сифатдошлар – 58 та.

إفعول يفعول إفعوالا – и ф ъ а в в а л а й а ф ъ а в в и л у и ф ъ и в в а : л а н қолипидаги феъллар боби.

Биз қиёслаётган Тошкент кўлёзмалари таркибида إفعول и ф ъ а в - в а л а қолипидаги феъллар учрамайди. Шунинг пусхаси таркибига эса алоҳида шундай боб киритилган. Унга 129 та феъл жамланган.

إنفعل ينفعل إنفعالا – и н ф а ъ а л а й а н ф а ъ и л у и н ф и ъ а : л а н қолипидаги еттинчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–87 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–26 та.

المعتل العين –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н–иккинчи ўзаги иллатли феъллар–9 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–7 та.

المعتل العين واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и н в а-л-л а : м–иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–4 та.

Мазкур бобга 133 та феъл ва битта сифатдош кўринишни киритилган.

إفعل يفعل إفعلالا –и ф ъ а л л а й а ф ъ а л л у и ф ъ и л а : л а и – тўққизинчи боб.

Тўғри феъллар–10 та.

المعتل العين بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–6 та.

المعتل العين بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а : –иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар фаслига ابيض–и б й а д д а феъли киритилган.

المعتل اللامين –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м а й и н–учинчи қўшалоқ ўзаги иллатли ارعوى–и р ъ а в а: феъли.

Тўққизинчи боб таркибига 18 та феъл ва 11 та масдар шакли киритилган.

إفعال يفعال إفعيلالا –и ф ъ а : л л а й а ф ъ а : л л у и ф ъ и : л а : л а и қолипидаги феъллар боби.

Тўғри феъллар–9 та.

المعتل العين بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–2 та.

المعتل العين بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а :–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар бўлимига биргина إبياض –и б й а : л-д а феъли киритилган.

إفعال يفعال –и ф ъ а : л л а й а ф ъ а : л л у қолипи таркибидан 12 та феъл ўрин олган.

تفعل يتفعل تفعلا – тафаъъала йатафаъъалу тафаъъулан қолипидаги V боб феъллари.

Тўғри феъллар–361 та.

المضاعف –а л-м у д а: ъ а ф–иккиланган феъллар–47 та.

المعتل الفاء بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а: б и-л-в а: в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–30 та.

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а:б и-л-й а :–биринчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–4 та.

المعتل العين بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-ва:в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–44 та.

المعتل العين بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а :–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–33 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м – учинчи ўзаги иллатли феъллар–57 та.

المعتل الفاء واللام – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а: м биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–6 та.

المعتل العين واللام بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и в а-л-л а : м б и-л-в а : в–иккинчи ва учинчи ўзаклари вов билан ифодаланган феъллар–4 та.

المعتل العين بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а : –иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар бўлимида ترياً بالرىء – т а р а й - й а ً а б и-р-р а й феъли маржуд.

Бешинчи боб таркибига 587 та феъл ва 44 та масдар, сифатдош киритилган.

تفاعل يتفاعل تفاعلا –т а ф а : ъ а л а й а т а ф а : ъ а л у т а ф а : ъ у л а и қолипидаги олтинчи боб феъллари.

Тўғри феъллар–129 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–15 та.

المعتل الفاء بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а: б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–10 та.

المعتل الفاء بالياء –а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : б и-л-й а :–биринчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–2 та.

المعتل العين بالواو–а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–23 та.

المعتل العين بالياء – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а :– иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–10 та.

المعتل اللام – а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–40 та.

المعتل الفاء واللام – а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–5 та.

المعتل العين واللام –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и в а-л-л а : м– иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар–3 та.

تفاعل – т а ф а : ъ а л а қолипидаги VI боб 237 та феъл ва 5 та масдар кўринишидан иборат.

Феъларнинг إستفعل يستفعل إستفعالا – и с т а ф ъ а л а й а с т а ф ъ и л у и с т и ф ъ а : л а и кўринишидаги X боби.

Тўғри феъллар–137 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–147 та.

المعتل الفاء بالواو а л м у ъ т а л л у л ф а : б и-л-в а : в–биринчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар 16 та.

المعتل الفاء بالياء - а л-м у ъ т а л л у-л-ф а:б и-л-й а: –биринчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–4 та.

المعتل العين بالواو– а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган феъллар–57 та.

المعتل العين بالياء -а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а:–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган феъллар–1 та.

المعتل اللام –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–32 та.

المعتل الفاء واللام–а л-м у ъ т а л л у-л-ф а : в а-л-л а : м–биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар – 3 та.

المعتل العين واللام – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и в а-л-л а : м–иккинчи ва учинчи ўзаклари иллатли феъллар– 4 та.

Ўнинчи боб таркибига 401 та феъл ва 8 та масдар кўриниши киритилган.

إفعوعل يفعوعل إفعيلالا –и ф ъ а в ъ а л а й а ф ъ а в ъ и л у и ф ъ и : л а : л а н боби.

Тўғри феъллар– 9 та.

المعتل اللام – а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м–учинчи ўзаги иллатли феъллар–3 та.

Мазкур боб таркибидан 12 та феъл ва битта масдар ўрин олган.

Тўрт ўзакли феъллар боби– ابواب الرباعيات – а б в а : б у р-р у б а : ъ и й й а : т.

فعلل يفعلل فعللة –ф а ъ л а л а й у ф а ъ л и л у ф а ъ л а л а т а н қолипидаги тўрт ўзакли феълларнинг биринчи боби.

Тўғри феъллар–26 та.

المضاعف–ал-м у д а : ъ а ф–иккиланган феъллар–50 та.

المعتل العين واللام الثانية منه –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и в а-л-л а : м и-с-с а : н и й а м и н ҳ у –иккинчи ва тўртинчи ўзаклари иллатли феъллари–4 та.

المعتل العين بالواو – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–9 та.

المعتل العين بالياء – а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-й а :–иккинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар–7 та.

المعتل اللام الاولى بالواو – а л м у ъ т а л л у-л-л а : м и-л-у в л а б и-л-в а : в–учинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар–8 та.

المعتل اللام الاولى بالياء - а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м и-л-у в л а б и-л-й а : –учинчи ўзаги йо билан ифодаланган иллатли феъллар –3 та.

المعتل اللام الثانية منه –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м и-с-с а : н и й а м и н ҳ у – тўртинчи ўзаги иллатли бўлган феъллар–2 та.

Тўрт ўзакли феълларнинг биринчи бобига 117 та феъл. 19 та масдар. сифатдош киритилган.

تفعلل يتفعلل تفعللا – т а ф а ъ л а л а й а т а ф а ъ л а л у т а ф а ъ л у л а н қолипидаги тўрт ўзакли феълларнинг иккинчи боби.

Тўғри феъллар–14 та.

المضاعف –а л-м у д а : ъ а ф –иккиланган феъллар–16 та.

المعتل العين بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-ъ а й и б и-л-в а : в–иккинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли феъллар бобига تجورب–т а ж а в р а б а феъли киритилган.

المعتل اللام الاولى –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м и-л-у в л а–учинчи ўзаги иллатли феъллар–2та.

المعتل اللام الثانية –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м и-с-с а : н и й а–тўртинчи ўзаги иллатли феъллар –2 та.

تفعلل – т а ф а ъ л а л а боби 35 та феъл ва 2 та масдар кўринишидан иборат.

تمفعل يتمفعل تمفعلا – т а м а ф ъ а л а й а т а м а ф ъ а л у т а м а ф ъ у-л а н боби.

Мазкур бобга 3 та тўғри феъл киритилган.

إفعنلل يفعنلل إفعنلالا – и ф ъ а и л а л а й а ф ъ а и л и л у и ф ъ и и л а : л а н боби.

Тўғри феъллар–6 та.

المعتل اللام الاولى بالواو –а л-м у ъ т а л л у-л-л а : м и-л-у в л а б и-л-в а : в–учинчи ўзаги вов билан ифодаланган иллатли اسمول–и с м а в-в а л а феъли.

Жами мазкур бобга 7 та феъл киритилган.

إفعلل يفعلل إفعللالا –и ф ъ а л а л л а й а ф ъ а л и л л у и ф ъ и л л а : л а н қолипидаги тўрт ўзакли феъллар боби 21 та тўғри феъл ва 2 та масдардан иборат.

باب الافعال غير المتصرفة – б а : б у-л-а ф ъ а : л ғ а й р и-л-м у ъ т а с а р р и ф а–туслланмайдиган феъллар боби.

Мазкур бобга бирикма шаклидаги 14 феъл кўринишни киритилган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг феъллар қисми юқори илмий савияда, етук асар даражасида ёзилган. Бундан Маҳмуд Замахшарийнинг араб тилини ўта мукаммал билганлиги яққол кўриниб турибди. Муаллиф араб тилидаги мавжуд барча феъл боблари, улардаги ҳамма ички ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўлган. Бу эса феъллар қисмида яққол ўз аксини топган. Асарнинг феъллар қисмидаги сўз мақолалари фақатгина феъллардан иборат эмас. Унинг таркибига феъллардан ясалган исмлар, яъни масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари ҳам киритилган. Маҳмуд Замахшарийнинг муваффақияти шундаки, у аксарият феъл мақолаларини бирикма, жумла таркибида келтирган. Бу илмий маҳорат у ёки бу феъл мақоласининг маъносини аниқ ва далил билан изоҳлашга имкон беради. Феъллар қисмига жами 6934 та феъл мақоласи, 1716 та масдар, сифатдош кўринишлари жамланган. Феъл мақолалари жумла таркибида берилганлиги сабабли, туркий муодилларнинг сони юқорида кўрсатилган сўз мақолалари сонидан анча фарқли. Асарнинг феъллар қисми унинг биринчи – исмлар қисмини мантиқан тўлдиради, унинг сўз бойлигини: маънавий ранг-баранг қилади ва бойитади.

1.4. ҲАРФЛАР ҚИСМИ ألقسم فى الحروف
А Л–Қ И С М Ф И–Л–Ҳ У Р У : Ф

«Муқаддамату-л-адаб»нинг учинчи қисми ҳарфлар-ёрдамчи сўзларга бағишланган. Унда соф араб тили грамматикаси, араб адабий тилидаги юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг бу қисми ўзига хос мукаммалликда яратилган. У мустақил асар сифатида грамматик мажмуалар таркибига киритилган. Ҳарфлар қисми қуйидаги саккиз фаслдан иборат:

Биринчи фасл. Исмларни қаратқич келишигида бошқарувчи олд қўшимчалар (ҳарфлар) фасли فصل فى الحروف التى تجر الاسماء – ф а с л ф и-л-ҳ у р у : ф и-л-л а т и : т а ж а р р у-л-а с м а:.

Мазкур фаслда от, сифат, сон, умуман араб тилида исм туркумига кирувчи сўз туркумларини қаратқич (الجر -а л-ж а р р) келишигида келишини тақозо қилувчи олд кўмакчилар ҳақида маълумот берилган. Муаллиф бу олд кўмакчилардан ўн еттитасини санаб ўтади. Улар: ب -б и, ت -т а, من -м и н, إلى - и л а, فى -ф и : , ل -л и, و -в а, رب - р у б б а, على - ъ а л а, عن - ъ а н, ك - к а, مذ - м у з, منذ - м у н-з у, حاشا -ҳ а : ш а : , خلا -ҳ а л а : , عدا -ъ а д а : .

Замахшарий ҳар бир олд кўмакчиларга улар иштирок этган икки–учтадан жумласини мисол тарзида келтирган. Масалан, ب - б и олд

кўмакчисига مررت بزيد - м а р а р т у б и З а й д и н-«Зайд билан ўтдим» жумласини ёки فى -ф и : кўмакчисига ألمال فى الكيس -а л-м а : л у ф и-л-к и : с и н-«мол қопда» жумласини мисол тарзида берган. Муаллиф фаслда грамматик қоидани қисқача шарҳлаб, уларни мисол-жумлалар ёрдамида мустаҳкамлайди.

Иккинчи фасл. Исмларни тушум (ألنصب -а л-н а с б) келишигида келишини тақозо қилувчи ҳарфлар фасли فصل فى الحروف التى تنصب الاسماء -ф а с л ф и-л-ҳ у р у :ф и-л-л а т и т а н с и б у-л-а с м а:. Муаллиф исмларни тушум келишигида келишини талаб қилувчи еттита юкламани келтиради. Улар إلا -и л л а :, يا -й а :, هيا -ҳ а й а :, أى -а й, ألهمزة-ҳ а м-з а , تا -т а :, واو -в а : в юкламаларидан иборат.

Келтирилган мисолларнинг барчасида грамматик қоидани аниқ кўрсатиш мақсадида тушум келишигида келиши лозим бўлган сўзлар ҳаракатлари билан берилган.

Учинчи фасл. Исмни тушум келишигида (النصب-а л-н а с б) ва кесимни бош (ألرفع -а р-р а ф ъ) келишигида бошқарувчи юкламалар фасли ألفصل فى الحروف التى تنصب الإسم و ترفع الخبر - а л-ф а с л ф и-л-ҳ у р у : ф и-л- л а т и: т а н с и б у-л-и с м в а т а р ф а ъ у-л-х а б а р. Фаслда мазкур гуруҳга кирувчи إن -и н н а, أن -а н н а, كأن - к а а н н а, لكن -л а к и н н а, ليت -л а й т а, لعل -л а ъ а л л а юкламалари изоҳланган.

Грамматик қоидалар мисоллар билан мустаҳкамлангандан сўнг фасл охирида юқоридаги юкламаларнинг إنى -и н н и:, إننى -и н н а н и:, إنا -и н н а :, إننا -и н н а н а :, كانى -к а а н н и :, كاننى -к а а н н а н и:, كانا -к а а н н а:, كاننا-к а а н н а н а :, لكنى -л а к и н н и :, لكننى - л а к и н н а н и :, لكننا -л а к и н н а : , ليتنى - л а й т а н и : ليتنا -л а й т а н а : لعلى -л а ъ а л л и : لعلنا -л а ъ а л л а н а : кўринишидаги ҳосила шакллари берилган.

Тўртинчи фасл. Исмни бош келишигида, кесимни тушум келишигида бошқарувчи икки юклама фасли فصل حرفان يرفعان الإسم و ينصبان الخبر -ф а с л ҳ а р ф а : н й а р ф а ъ а : н и-л-и с м в а й а н с и б а : н и-л-х а б а р.

Фаслда эгани бош келишигида, кесимни тушум келишигида бошқарувчи لا -л а :, ما -м а : юкламалари изоҳланган.

Бешинчи фасл. Ҳозирги-келаси замон (المضارع -а л-м у д а : р и ъ) феълнинг тушум келишигида бошқарувчи юкламалар фасли فصل فى الحروف التى تنصب المضارع -ф а с л ф и-л-ҳ у р у : ф и-л -л а т и: т а н с и б у-л-м у д а : р и ъ.

Бу юкламалар феълларни истак майли шаклида келишини тақозо қилади. Улар أن -а н, لن -л а н, إذن -и з а н , كى -к а й юкламаларидир. Фаслда буларнинг барчасига кўплаб мисоллар келтирилган.

Олтинчи фасл. Феълни шарт (ألجزم -а л-ж а з м) майлида бошқарувчи юкламалар фасли فصل فى الحروف التى تجزم الفعل -ф а с л ф и-л-ҳ у р у: ф и-л-л а т и: т а ж з и м у-л-ф е ъ л.

Бу фаслга لم л а м, لما л а м м а :, ل -л и , أن -а н, لا-л а : юкламалари киритилган.

Еттинчи фасл. Боғловчи юкламалар фасли فصل فى حروف العطف ф а с л ф и ҳ у р у : ф и-л-ъ а т ф.

Мазкур фаслда гапда уюшиб келган бўлакларни расмийлаштирувчи тўққизта юклама ҳақида маълумот берилади. Улар : و -в а , ف -ф а , أو -а в, أم-а м, ثم-с у м м а , لا -л а :, بل -б а л, حتى -х а т т а , لكن л а к и н юкламаларидир.

Саккизинчи фасл. Ўзгариш ясамайдиган юкламалар фасли فصل فى الحروف غير عاملة -ф а с л ф и- л-ҳ у р у : ф ғ а й р и ъ а : м и л а.

Бу фаслда исмлар билан келиб, уларнинг келишигига таъсир этмайдиган, феълларнинг шаклларини ўзгартирмайдиган لو -л а в, لولا л а в л а :, قد -қ а д, س -с а, سوف - с а в ф а , هل - ҳ а л, أم -а м, أ -а, نعم-н а ъ а м, أجل -а ж а л, بلى -б а л а, أى -а й, إلا-и л л а :, أما -а м м а :, إما -и м м а :, أما -а м а : юкламалари изоҳланган.

Маҳмуд Замахшарий араб тилида истеъмолда бўлган барча ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Асарда келтирилган грамматик ҳолат қисқа, илмий жиҳатдан пухта хулоса-қоида тарзида берилиб, содда, тушунарли мисоллар билан тўлдирилган. Бу эса мазкур қисмнинг давр ўтиши билан мустақил асар сифатида кўплаб кўчирилиб, тарқалишига сабаб бўлган. Муаллиф ҳарфлар қисмида изоҳлаган ёрдамчи сўзларнинг барчаси ҳозирги араб адабий тилида қўлланилмоқда[1].

[1] Гранде Б. М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М.: 1963. 393-429 с.

Демак, «Муқаддаматул-адаб» нинг ҳарфларга бағишланган қисми ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Асардан ҳозирги кунда ҳам араб тилини ўқитиш учун асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

1.5. ИСМЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ ҚИСМИ
القسم فى تصريف الاسماء АЛ-ҚИСМ ФИ ТАСРИФИ-Л-АСМА:

Бу қисм араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Унда ганда турли грамматик ҳолатлар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош келишик (ألرفع -а р-р а ф ъ), қаратқич келишиги (ألجر -а л-ж а р р), тушум келишиги (النصب-а н-н а с б) ҳолатларида намоён бўлади. Исмларнинг турланишига бағишланган қисм қуйидаги фасллардан иборат.

Биринчи фасл грамматик аниқ ва ноаниқ ҳисобланган исмларга бағишланган. Унда исмлардаги аниқлик ҳамда ноаниқлик ҳолатларининг аломатлари изоҳланган.

Иккинчи фаслда аниқлик артикли ال -а л и ф л а : м баён этилади. Унга кўра т а н в и н ва а л и ф л а : м бир ҳолатнинг ўзида бир исмда жамланиши мумкин эмас, исмга а л и ф л а : м орттирилганда т а н в и н тушиб қолади ва т а н в и н билан а л и ф л а : м бирга қўлланилмайди. Бу ҳолатлар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Учинчи фаслда исмларнинг икки, уч келишикли бўлиши мисоллар ёрдамида кўрсатилган. Шунингдек, ўзгармас, турланмайдиган исмлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

Тўртинчи фаслда а л и ф м а қ с у р а билан тугаган исмларнинг ҳар уччала келишикда ўзгармай қолиши ҳақида маълумот берилади.

Бешинчи фасл исмлардан иккилик шаклининг ясалишига бағишланган. Унда иккилик қўшимчаси қўшилиши билан содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади.

Олтинчи фасл. Бу фаслда музаккар жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклининг ясалиши изоҳланган. Умуман, тўғри ҳамда синиқ кўпликнинг бир хил қолипда ясалмаслиги ҳақида сўз юритилган.

Еттинчи фасл музаккар жинс тўғри кўплик шаклидаги исмларнинг келишикларда турланишига бағишланган. Уларнинг икки келишикли бўлиши мисоллар билан кўрсатилган.

Саккизинчи фасл. Синиқ кўплик шаклига бағишланган бўлиб, унда أفعل -а ф ъ у л у н, أفعال –а ф ъ а : л у н, أفعلة –а ф ъ и л а т у н, فعلة -ф и ъ л а т у н қолипидаги сўзларнинг جمع القلة -ж а м ъ у-л-қ и л л а, яъни «кам сонли кўплик» деб аталмиш ўн ва ундан ортиқ бўлмаган нарса, буюмларнинг ҳисоби изоҳланган.

Тўққизинчи фаслда جمع القلة -ж а м ъ у-л-қ и л л а дан кўплик шаклининг ясалиши берилган ва бу ҳолат أكلب -а к а л у б у н- أكالب -а к а : л и б у-«итлар». أنعام -а н ъ а : м у н- أناعيم -а н а : ъ и : м у-«ҳайвонлар» каби мисоллар билан ёритилган.

Ўнинчи фаслда исмларда иккиликни ифодалаш учун кўплик шаклидан фойдаланиш мумкинлиги, лекин бу ҳолат мазмунан иккиликни ифодалаши ёритилади. Масалан, ما أحسن رأسيهما -м а : аҳса н а ра ' с а й ҳ и м а: ўрнига ما أحسن رؤوسهما -м а : а ҳ с а н а р у ' у : с а ҳ у м а: иборасини қўллаш мумкинлиги изоҳланган.

Ўн биринчи фаслда яккалик исмларининг ясалиши ҳақида сўз юритилади. Исмларга ة -а т у и қўшимчасини қўшиш билан бирликдаги яккалик исмлари ясалади, масалан:

نخل -н а х л-«хурмо», نخلة -н а х л а- «бир дона хурмо» каби.

Ўн иккинчи фасл охири к а с р а л и й о ёки а л и ф билан тугаган исмлардан кўплик шаклининг ясалишига бағишланган. Уларнинг келишикларда турланиши мисоллар билан тушунтирилган. Масалан, قاض -қ а : д и и, قاضون -қ а : д у н а, قاضين -қ а : д и : н а .

Ўн учинчи фасл. Бу фасл изофага оид бўлиб, унда изофанинг биринчи қисми а л и ф л а : м олмаслиги, уч келишикдан бирида келиши, иккинчи қисм эса вазнятга қараб аниқ ёки ноаниқ келиши ҳақида фикр юритилади, мисоллар келтирилади. Шунингдек, фаслда грамматик материални тўғри англаш мақсадида айнан грамматик нотўғри тузилган мисоллар ҳам берилган.

Ўн тўртинчи фасл иккиликдаги исмларнинг изофа занжирига кириши ва уларнинг таркибида рўй берадиган ўзгаришларга бағишланган.

Ўн бешинчи фаслда исмлардан муаннас шаклини ясаш қондаси изоҳланган. Масалан, مسلم -м у с л и м, مسلمة -м у с л и м а.

Ўн олтинчи фасл саноқ сонларга бағишланган. Унда дастлаб ўнгача бўлган саноқ сонлар, уларнинг саналмиш билан мосланиши қондалари, сўнгра ўн бир, ўн икки сонларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўндан ортиқ бўлган сонлар ҳақида маълумот берилади.

Ўн еттинчи фаслда муаннаслик белгиси бўлмаса-да, муаннас ҳисобланган исмлар изоҳланган. Бу фаслда шаклан музаккар бўлса ҳам муаннас ҳисобланувчи عين -а й н, شمس-ш а м с, نار -н а : р каби сўзларга боғлиқ ҳолатлар кўрсатилган.

Ўн саккизинчи фасл. Унда муаннас жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклини ясаш, уларнинг келишикларда турланиши баён этилган.

Ўн тўққизинчи фасл فعلة -ф а ъ л а т у н қолипидаги исмлардан кўплик шаклининг ясалишига бағишланган. Агар فعلة -ф а ъ л а т у н қолипидаги сўз исм бўлса, ундан кўплик ясалганда ўрта ўзакдаги с у к у н

ф а т ҳ а т а айланади. масалан: ركعة -р а к ъ а. ركعات -р а к а ъ а : т Агар мазкур қолипда сифат ясалган бўлса, у ҳолда кўплик шаклида ўрта ўзакдаги с у к у н ўзгармай қолади. масалан: ضخمة -д а ҳ м а. ضخمات -д а ҳ м а : т.

Йигирманчи фасл исмларнинг синиқ кўпликдаги шакли билан феълларнинг бирга ишлатилишига бағишланган. Унда изоҳланишича, агар исм синиқ кўплик шаклида бўлса, у билан келаётган феъл бирлик музаккар ёки бирлик муаннас жинсда қўлланиши мумкин. Масалан. جاء الرجال - ж а : ' а-р-р и ж а : л, جاء النساء - ж а : ' а-и-н и с а : ёки جاءت الرجال -ж а : ' а т и-р-р и ж а : л, جاءت النساء - ж а : ' а т и-н-н и с а:.

Йигирма биринчи фасл гапнинг эга ва кесимига бағишланган. Бу фаслда исмий содда гапларнинг тузилиши шарҳланади. Унга кўра, бош келишикдаги икки ёпма-ён келган исмларнинг бири атоқли, иккинчиси эса турдош от бўлса, уларнинг биринчиси эга, иккинчиси кесим вазифасида келади. Масалан. زيد ذاهب - З а й д з а : ҳ и б, عمرو خارج-А м р х а : р и ж.

Йигирма иккинчи фаслда от билан сифатнинг мослашиши изоҳланади. Араб тилида улар жинсда, сон, ҳолат ва келишикда мослашади.

Улардан кейин келаётган мосланган аниқловчилар ўзлари боғлиқ бўлган сўз билан келишикда мослашади. Бу ҳолатлар кўп сонли мисоллар билан мустаҳкамланган: رأيت إبن زيد الكريم - р а ' а й т у и б н а З а й д и н а л-к а р и : м а -«мен Зайднинг сахий ўғлини кўрдим».

Йигирма учинчи фаслда а л и: ф м а қ с у : р а в а - а л и ф м а м д у : д а л и исмлар шарҳланган. А л и ф м а қ с у : р а л и исмларга حبلى -ҳ у б л а:, بشرى -б у ш р а:. а л и ф м а м д у : д а га тутаган исмларга эса حمراء -ҳ а м р а : ' у, صحراء -с а ҳ р а : ' у каби мисоллар келтирилган.

Йигирма тўртинчи фасл араб тилидаги атоқли отлардан иккилик ҳамда кўплик шаклларининг ясалишига бағишланган. Унда زيد - З а й д, هند - Ҳ и н д каби атоқли отлар иккилик ва кўплик шаклида а л и ф л а : м олиши изоҳланади. Масалан. زيد-З а й д, الزيدان -А з-З а й д а : н, الزيدون - А з-З а й д у : н, هند -Ҳ и н д, الهندان -А л-Ҳ и н д а : н. الهندات-А л-Ҳ и н д а : т.

Йигирма бешинчи фаслга нисбий исмлар киритилган. Уларнинг сўз охирига қўшалоқ ى й о қўшиш билан ясалиши кўрсатилган. масалан: بلد б а л а д, بلدى - б а л а д и й й, مصر -М и с р, مصرى -м и с р и й й.

Шунингдек, муаннас жинсдаги исмлардан нисбий отлар ясалганда ة - т а нинг тушиб колиши кўрсатилган: ألبصرة -а л-Б а с р а, بصرى-б а с р и й й. ألكوفة -а л-К у : ф а, كوفى к у : ф и й й.

Йигирма олтинчи фасл кўплик шаклидан нисбий исмларнинг ясаб бўлмаслиги ҳақида. Унда изоҳланишича, кўпликдаги فرائض -ф а р а : ' и д у, صحائف -с а ҳ а : ' и ф у каби сўзлардан فرائضى -ф а р а : ' и д и й й, صحائفى -с а ҳ а : ' и ф и й й шаклида нисбий от ясаб бўлмайди.

Йигирма еттинчи фасл исмлардан кичрайтирма отлар ясашга бағишланган. Бунда уч ўзакли сўзлардан فعيل -ф у ъ а й л - فلس -ф и л с, فليس -ф у л а й с, тўрт ўзакли сўзлардан درهم - д и р ҳ а м- دريهم -д у р а й ҳ а м, беш ўзакли сўзлардан دينار -д и : н а : р- دنينير -д у н а й н и : р шаклида кичрайтирма отлар ясалиши изоҳланган.

Йигирма саккизинчи фасл кўпликдаги исмдан кичрайтирма исм ясашга доир бўлиб, агар кўпликдаги исмдан кичрайтирма исм ясаш лозим бўлса, у ҳолда бу исм бирлик ҳолатига келтирилади ва кичрайтирма исм ясалиб, кўпликка ўтирилади. Масалан, دراهم - д а р а : ҳ и м-درهم -д и р ҳ а м- دريهم -д у р а й ҳ и м - دريهمات - д у р а й ҳ и м а : т ; مساجد -м а с а : ж и д- مسجد -м а с ж и д- مسيجد - м у с а й ж и д- مسيجدات -м у с а й ж и д а : т.

Йигирма тўққизинчи фасл исмларни сукун ва танвинсиз ўқиш ҳақида. Агар исм бош ва қаратқич келишигида бўлса, уни сукунли, агар исм тушум келишигида бўлса, фатҳали ўқилади. Масалан, هذا زيد - ҳ а: з а : З а й д, رأيت زيدا -р а ' а й т у З а й д а. مررت بزيد-м а р а р т у б и З а й д.

Ўттизинчи фасл бошланиши васлали алиф билан ифодаланган ўнта сўзга бағишланган. Улар: إسم -и с м, إست-и с т, إبن -и б н, إبنة -и б н а, إثنان -и с н а : н, إثنتان-и с н а т : а н. إمرؤ -и м р у', إمرأة -и м р а ' а أيم-а й м.

Ўттиз биринчи фасл. Мураккаб саноқ сонлар. Унда юз, минг сонларининг саналмиш билан мослашиш ҳоллари изоҳланган. Масалан. ثلاثمائة ثوب -с а л а: с у м и ' а т и с а в б и н. ألف درهم -а л ф у д и р ҳ а м и н.

«Мукаддамату-л-адаб» нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумига кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг

қийин соҳаларидан бирига бағишланганлиги сабабли, зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. У халқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни حركات الإعراب -х а р а к а т у-л и ъ р а : б номи билан танилган. Қўлёзмаларда унинг асл номи кўрсатилган эмас. Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг номларининг турланишига бағишланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг мукаммаллиги, илмий пухталиги сабабли, тутал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

I.6. ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШ ҚИСМИ
ألقسم فى تصريف الأفعال-А Л-Қ И С М У Ф И Т А С Р И Ф И-Л-А Ф Ъ А : Л

«Муқаддамату-л-адаб» нинг бешинчи қисми араб тили грамматикасининг энг муҳим мавзуси—феълларнинг тусланишига бағишланган. Араб тилидаги феъл сўз туркуми, феълларнинг тусланиши араб тили грамматикасининг асосини ташкил этади. Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм барча қўлёзмаларда бисмиллю билан бошланади. Мазкур қисм асар қўлёзмаларида турлича номланган. «Муқаддамату-л-адаб» нинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги қўлёзмасида бу қисм القسم فى تصريف الافعال - а л - қ и с е м у ф и т а с р и ф и - л - а ф ъ а : л, Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги С 291 рақамли қўлёзмада ألقسم فى تصرف الأفعال -а л-қ и с е м у ф и т а с а р р у ф й-л-а ф ъ а : л. деб кўрсатилган. Араб тили грамматикасига мувофиқ ҳар иккала تصريف -т а с р и : ф ва تصرف -т а с а р р у ф сўзлари «турланиш, тусланиш» (АРСл. 435-436) маъноларини англатади.

Қисмнинг бошланишида анъанавий араб тилшунослари томонидан қабул қилинган ўзак системаси ҳақида фикр юритилади. Унга кўра, сўз ўзаги уч ҳарф ف -ф а :, ع-ъ а й и, ل-л а : м ҳарфлари билан белгиланади. Кириш қисмида феълларнинг биринчи бобдан ўнинчи бобгача бўлган қолиплари, турли шаклдаги феълларнинг қайси бобга мансуб эканлигини аниқлаш ҳақида маълумот берилади.

Биринчи фасл ўтимли ва ўтимсиз феълларга бағишланган. Унда грамматик қонда келтирилиб, мисоллар билан тўлдирилган. Шунингдек, ўтимсиз феълни ўтимликка ва аксинча, ўтимли феълни ўтимсизга айлантириш усули ҳам кўрсатилган. Масалан, قعدته -қ а ъ а д т у ҳ у-«мен унга ўтирдим», أقعدته -а қ ъ а д т у ҳ у-«мен унга ўтқаздим».

Иккинчи фаслда иккиланган (المضاعف -а л м у д а : ъ а ф) феъллар ҳақида сўз юритилган. Уч ўзакли феъллардан شد -ш а д д а, مد -м а д д а шаклида, тўрт ўзакли феъллардан فعلل-ф а ъ л а л а қолипида ясалган سلسل -с а л с а л а каби феъллар воситасида грамматик қоидалар изоҳланган.

Учинчи фасл иллатли феъллар ва уларнинг тусланиши ҳақида. Феъл ўзакларидан бирортаси ا -а л и ф, -ى й а :, و-в а : в ҳарфларидан бири билан ифодаланган бўлса, бундай феъллар иллатли феъллар (المعتل-а л-м у ъ т а л л у) деб изоҳланган. Улар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Тўртинчи фасл ҳамзали феъллар тўғрисида. Муаллиф ҳамзани ъ а й н (ع) ва ҳ а : (ح) каби саҳих деб атаган. Фаслда ҳамза билан келган ҳаракатлар таъсирида бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган.

Феълларнинг тусланиши қисмининг давоми боб тарзида шарҳланган.

Биринчи боб ўтган замон феъллари (الماضى -а л-м а : д и) га бағишланган.

Унда ўтган замон феъли, унинг аниқ ва мажҳул даражаси, ўтган замон феълининг уч ўзакли ўнта боб кўринишлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, тўғри феъллар ضرب -д а р а б а, иккиланган феъллар فر-ф а р р а мисолида изоҳланган. Бундан ташқари тўрт ўзакли феълларнинг ўтган замон шакли, уларнинг турли ҳолатлари билан боғлиқ қоидалар ҳам берилган.

Иккинчи боб феълларнинг ҳозирги-келаси замони (ألمضارع - а л-м у д а : р и ъ) ҳақида. Мазкур бобда араб тилидаги мавжуд бобларнинг ҳозирги-келаси замон шакллари, уларнинг қолиплари берилган. Изоҳланган барча ҳолатлар мисоллар билан мустаҳкамланган.

Учинчи бобда феълларнинг буйруқ майли шарҳланган. Унда буйруқ майли феълнинг ҳозирги-келаси замон шаклидан ясалиши, у билан қўлланувчи юкламалар, барча феъл боблари бўйича қоида-қолиплар келтирилган.

Тўртинчи бобда араб тилидаги ажабланиш феъллари ва уларнинг шаклланиши тўғрисида фикр юритилади. Улар икки усулда ясалади, биринчиси ما أفعله -м а : а ф ъ а л а ҳ у, иккинчиси أفعل به -а ф ъ и л б и ҳ и. Мана шу ҳолатларни тасдиқловчи кўплаб мисоллар берилган.

Бешинчи боб масдар боби (باب المصدر -б а : б у-л-м а с д а р и) деб аталган. Бу бобда масдарларнинг феъллардан ясалиши, уларнинг нем хусусиятига эга эканлиги изоҳланади.феъл бобларидан масдарлар ясалиш қолиплари мисоллар билан тасдиқланган ҳолда келтирилади.

Олтинчи бобда аниқ даража сифатдошлари (إسم الفاعل -и с м у л-ф а : ъ и л) шарҳланган. Бобда аниқ даража сифатдошининг ясалиши, унинг قاض-к а : д и н- ألقاضى -а л-қ а : д и каби кўринишлари, сифатдош ясалишининг барча бошқа қолиплари ҳақида маълумот берилган.

Еттинчи боб мажҳул даража сифатдош (إسم المفعول -и с м у-л-м а ф ъ у : л) ларига бағишланган. Унда мажҳул даража сифатдошлари, уларнинг ясалиши, турли шакллари изоҳланган.

Саккизинчи боб сифат даражалари(إسم التفضيل -и с м у-т-т а ф д и : л) ҳақида бўлиб, орттирма ҳамда қиёсий даража сифатлари, уларнинг бирикиб келувчи олмошлар билан келиши тушунтирилган.

Тўққизинчи боб مفعل -м а ф ъ а л қолипига бағишланган. Мазкур қолипда ясалган исмлар замон (إسم الزمان-и с м у-з- з а м а : н), макон (إسم المكان -и с м у-л- м а к а : н) мазмунини англатиши ва уларнинг ясалиши кўп сонли мисоллар билан изоҳланган.

Маҳмуд Замахшарий юқоридаги масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари, макон ва замон маъноларини ифодаловчи отларни

ألأسماء المتصلة بالأفعال -а л-а с м а : у-л-м у т т а с и л а б и-л-а ф ъ а : л яъни, "феъллардан ясалувчи исмлар" деб атайди.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг феълларнинг туслашишига бағишланган қисми ҳам унинг олдинги араб тили грамматикаси қоидаларига бағишланган ҳарфлар, исмларнинг турланиши қисмлари каби мукаммал, етук илмий асар сифатида маҳҳур бўлган.

II БОБ. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ»НИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ

«Муқаддамату-л-адаб» асари устида олиб борган узоқ йиллик изланишларимиз унинг жаҳон фондлари бўйлаб тарқалган қуйидаги қўлёзма нусхаларини аниқлашимизга имкон берди.

1. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди-8 қўлёзма.
2. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди-1 қўлёзма.
3. Россия ФА Шарқшунослик институти фонди-3 қўлёзма.
4. Доғистондаги Тил, тарих ва адабиёт институти фонди-1 қўлёзма.
5. Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фонди-1 қўлёзма.
6. Англиядаги Британия музейи қўлёзмалар фонди-3 қўлёзма.
7. Франциядаги Париж миллий кутубхонаси фонди-13 қўлёзма.
8. Германия: Берлин кутубхонаси қўлёзмалар фонди-10 қўлёзма.
9. Италия: Болоньядаги Марсигли шарқ қўлёзмалари коллекцияси-1 қўлёзма.
10. Эрон қўлёзма фондлари-8 қўлёзма.
11. Туркия қўлёзма фондлари-20 қўлёзма.
12. Ҳиндистондаги Рампур Сарой кутубхонаси фонди-1 қўлёзма.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

«Муқаддамату-л-адаб» кўп тиллик луғат бўлгани учун,фаннинг кўп соҳаларига оид муҳим маълумотларни жамлаганлиги боис ҳам давр талабига кўра ўз вақтида қайта-қайта кўчирилган, унинг қўлёзма нусхалари турли мамлакатларга тарқалган. Биз асарнинг мавжуд қўлёзмаларини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлдик:

2.1 «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ТОШКЕНТ НУСХАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг арабча-форсча бешта (№ 429, 1301 / П, 3628, 9477, 7352) ва арабча- форсча- туркий учта (№ 2699, 3807, 1497 / III) қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида эса ҳозирча ягона ҳисобланувчи тўрт тиллик арабча-форсча-туркий-мўғулча чодир қўлёзма нусха (№ 202) мавжуд. Луғатнинг туркий сўзлик киритилган қўлёзма нусхалари китобат даврига кўра анчагина қадимий бўлиб, бу уларнинг илмий аҳамиятини янада оширади ва ўзбек тарихий лексикологияси, тил тарихини ўрганиш учун жуда қимматли манба эканлигини кўрсатади.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ»НИНГ «А» НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 202 сақланиш рақамли қўлёзмасини шартли «А» нусха деб белгиладик.

Мазкур нусха асарнинг Тошкент қўлёзмалари орасида исмлар қисмига туркий сўзлик киритилган ягона манба ҳисобланади. Тошкент қўлёзма фондларида сақланаётган «Муқаддамату-л-адаб» нинг қолган 8 қўлёзмасидан бирортаси таркибидаги исмлар қисмига туркий муодиллар киритилган эмас. Қўлёзманинг яна бир илмий қиммати шундаки, мазкур манбага асар таркибига кирган муқаддиманинг туркий варианти ҳам киритилган.

Тошкент нусхаларининг ягона тўрт тилли нусхаси мавжуд бўлиб, бу нодир қўлёзмада сўзлар араб, форс, туркий, мўғул тилларида берилган. Қўлёзмага муқаддима (1б-5б), исмлар қисми (6б-215б) ва феъллар қисми (215б-533б) киритилган. Феъллар қисмида уч ўзакли II боб, тўрт ўзакли IV боб ва тусланмайдиган феъллар боби باب الافعال غير المتصرفة ўз ифодасини топган. Қўлёзмадаги арабча сўзлик ҳар бир саҳифага 4 мисрадан жойлаштирилган. Асарнинг форсча, туркий, мўғулча таржималари ўз муодиллари остига тартиб билан киритилган. Туркий сўзлик қизил сиёҳ билан битилган. Бизнингча, мазкур нусха туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш учун кўчирилган бўлса керак. Араб тилидаги матн қора сиёҳда, наск хатида тўлиқ ҳаракатлар билан хушхат қилиб ёзилган. Форсча, туркча, мўғулча таржималари майдароқ настаълиқ хатида битилган. Асар юпқа шалдироқ Қўқон қоғозига ёзилган.

Н.Н.Поппенинг ёзишича, Октябр инқилобидан сўнг Бухородаги Ибн Сино номли кутубхонада «Муқаддамату-л-адаб» нинг икки қўлёзма нусхаси сақланган. Улардан бири 393/1492 йили котиб Дарвиш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусха бўлиб, бу қўлёзма нусха арабий сўзлик билан бир қаторда унинг форсий, туркий, мўғулий муодиллари билан тўлдирилган ва исмлар, феъллар қисмидан иборат эди[1]. 1926 йили Н. Н. Поппе мазкур қўлёзманинг тасвирий нусхасини олиш истаги борлигини билдиради, лекин бу ишни амалга ошириш ўша вақтда жуда қийин эди. Орадан оз муддат ўтгандан сўнг, 1928 йили СССР ФА Осиё музейи вақтинча фойдаланиш учун юқоридаги қўлёзманинг янгидан кўчирилган бир нусхасини қўлга киритади ва ундан тасвирий нусха олинади. Ана ўша нусха асосида Н. Поппе ўзининг «Монгольский словарь «Муқаддамат-ал-адаб» асарини яратди. Адабиёт музейи фондидаги қўлёзма матнини Н. Поппе нашр этган юқоридаги асар матни билан қиёслаш уларнинг бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади. Демак, биз юқорида тавсифлаётган нусха 1492 йили кўчирилган

[1] Қаранг: Н. Н. Поппе Монгольский словарь «Мукаддамат ал-адаб» I. I. II. М. 1938. 6-8с.

қўлёзмадан олинган. Қўлёзма кейинчалик муқова қилинган ва устига сунъий чарм қопланган. 533 в. Ўлчови 14,5 x 22,5.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг бу нусхаси Маҳмуд Замахшарий илмий ижодига хос бўлган қисқа муқаддима билан бошланган. Қўлёзмада муқаддиманинг арабча, форсча ҳамда туркий вариантлари келтирилган. Нусханинг бошқа қисмлари таркибига киритилган мўғулий сўзлик муқаддимада ўз аксини топмаган. Қуйида қўлёзма таркибига киритилган муқаддиманинг туркий вариантини келтирамиз:

Бисмиллаҳир-раҳмонир-раҳим.

Шукр ул Тангригаким, артуқ қилди барча тиллардин араб тилини анинг ортиқ қилди инган (этган)[1] китобини ўзга китоблардин. Дуруд пайғамбараким, битиг билмай араб сўзи уруқлариқаким, барча арабдин ўрундур, пайғамбардин сўнқра бу тилнинг артуқлуқи учун. Ва ул Тангри буюрди (буюрдин) анқа артуқлуқ ишдин ва улким, эҳтиёж этар (эта) бўлубтур мусулмонлиқ динида турлуқ-турлуқ илмлариқа, турлуқ-турлуқ одобларіқа яхши билгучиларин. Ва ани билгучи(ни) саналдию, умматнинг олимлари ичида ёд қилилди. Имомлар бўлукинда (нўлукинда) Танғри таоло сунъидин ушбу бўлукка ул туруркин, подшоҳларининг ёғмири булутлари тўхмасади, берганлари бахшишлақаплари (бахшишқанлари) ҳеч кишига буларқа тўкулган аларнинг билганларига (билганларин), аларнинг хатибларіқа, аларнинг битгучиларига, аларнинг қўшуқчиларіқа ўксутмади. Араб давлати ўтгандин сўнқра ҳеч чақин чақлардин бир жавонмард подшоҳдинким, меҳрибон эди, аларқа ва танлар эди аларни. Ва ўзига ўлур эрди, ишларини ва буткарур эди, билушур эрди аларнинг ҳунарида, амроқ эдилар анинг ҳунарининг ёпилмоқиқа ва улким, танлади Тангри таоло бизнинг чақимизда адаб (аб) илмининг нусроти (нусроқи) учун ва солди анинг кўнглига араб тилининг севуклутин (севуклуги). Улуғ бек черик беги улуғ давлатлиғ Отензтурур Хоразмшоҳ (Хоразмшоҳ) ўғли Тангри таоло ҳамиша ани ортуқ тутқай ва тавфиқиқа (тавфиқа) нусрат бергай (берга) анинг артуқ татлиқи (татақи) фозиллар била ўлтурмоқи турур. Ва анинг ғоят авшмақи билгучилар била аёқ ичишмоқи турур ва доим карамининг (карининг) кэнг бўлагай (лулагай), аларнинг бошида тортилиб (тотилиб) турур, аларнинг турур ерлари тўкулган бир наси билан яхши турур ва бир налари ва кийимлари (кийинбларі) бир-бирининг сўнғича аларнинг қатида улашу эрди, ишъом юбарур аларқа ва кундуз эрурди, чин ақаким манқа улуғ ҳукми еттиким, доим улуғ бўсунким, бир нусха битмакликка «Муқаддаман адаб» китобидин китобхонаси учунки, маъмура турур, ман дақи ишладим, ул фармонбурдалиқи учун қилдим. Бу китобни отламиш анинг отида анинг

[1] Қавс ичида қўлёзмада нотўғри берилган сўзлар кўрсатилган.

учуним, ушбу китоб чин у ким топибтур қабул қўнгилларда ва эсти шаҳарлар ичида куи туғар, жануб сли (мили) эсандек тиладиким, доим мазкур бўлқай, барча ерларда ва чақларда бўлқай аниг азиз оти барча тилларда (билларда). Тангри таоло тавфиқ бергай анқа ул ишиким, будуи қилгай (қилга) яхши отини қазқанқай. Улуғ савобни чин-ўққим, Тангри яхши тавфиқ бергучи турур ва ёри қилгучи. Бул китоб беш улуш турур. Буруиқи улуши отларда турур, иккинчи улуши (улуси) феълларда турур, учунчи улуши ҳарфларда турур, тўртинчи улуши атларнинг (атмарнинг) эвурмакида, бешинчи улуши феълларнинг эвурмакида турур, буруиқи улуши ул атларнинг (атмарнинг) улушида турур.

Асарнинг муқаддимасидан сўнг исмлар қисми бошланган. Қисм бошланишидаги анъанавий бисмилло ҳамда қисмнинг номи тушиб қолган. Мазкур қисмдаги сўз мақолалари ўзига хос ички тартибда берилган.

Дастлаб сўзнинг бирликдаги кўриниши келтирилган бўлиб, ундан сўнг лозим ўринлардагина унинг кўплик шакли кўрсатилган. Мазкур бирликдаги арабий сўзнинг форсий, туркий ва мўғулий сўзликлари унинг остига кетмакет ёзилган. Сўзнинг кўплик шакли арабий сўзликда айнан келтирилган бўлса, форсий сўзликда جمع -ж а м ъ-«кўплик» сўзи билан кўрсатилган. Айнан шу кўпликдаги сўзнинг туркий ва мўғулий шакллари ж а м ъ сўзининг бош ҳарфи ج -ж и м билан белгиланган. Айрим ўринларда бирликдаги сўзнинг икки ва ундан ортиқ кўплик шакли берилган.

Масалан: (А. 7 б . 4.) سحر -с а ҳ а р- تانك -т о н г сўзининг أسحار -а с ҳ а : р ва سحور -с у ҳ у : р кўринишдаги кўплик шакллари берилган. Уларнинг ҳар иккаласи ج-ж и м ҳарфи билан кўрсатилган. Шунингдек, (А. 6.б. 1) زمن -з а м а н сўзининг أزمان -а з м а : н ва أزمنة -а з м и н а каби (А.6 б.1) عصر -ъ а с р сўзининг أعصار -а ъ с а : р- عصور-ъ у с у : р кўринишидаги кўплик шакллари ҳам форсий сўзликда جمع -ж а м ъ сўзи ва туркий ҳамда мўғулий сўзликда ج-ж и м ҳарфи билан кўрсатилган. Қўлёзма матнини синчковлик билан ўрганиш матида икки, уч ва тўрттадан кўплик шаклларига эга бўлган холатлар мавжудлигини кўрсатди.

Араб тилидаги сўзнинг ўзи айнан бошқа тилларда ҳам қўлланилган бўлса, у ҳолда бу сўз форсий, туркий, мўғулий муодилда арабча معروف - м а ъ р у : ф сўзи билан кўрсатилган. Форсий муодилда бу сўз тўлиғича ёзилган бўлиб. туркий ва мўғулий сўзликда эса м а ъ р у : ф сўзининг охирги ҳарфи ف-ф а билан белгиланган, масалан:

(А.36 а.1) арабча نارنج -н а : р и н ж
форсча معروف -м а ъ р у : ф

туркий ف - ф а
мўғулий ف -ф а

(А.11 а.2) арабча عرش -ъ а р ш
форсча معروف-м а ъ р у : ф
туркий ف ф а
мўғулий ف -ф а

(А.62 а.4) арабча بلغم -б а л ғ а м
форсча معروف -м а ъ р у : ф
туркий ف -ф а
мўғулий ف -ф а

(А.60 а.4) арабча صدى -с а д а:
форсча معروف -м а ъ р у : ф
туркий ف -ф а
мўғулий ف -ф а

Демак, юқоридаги نارنج -н а : р и н ж, عرش -ъ а р ш, بلغم - б а л ғ а м, صدى -с а д а: каби сўзлар форс, туркий, мўғул тилларида айнан арабий кўринишдагидек қўлланилган.

Агар арабий сўзнинг форсий таржимаси туркий ҳамда мўғулий сўзликда айнан форсчадагидек ўзгаришсиз қўлланилган бўлса, у ҳолда сўзлашкнинг туркий, мўғулий шаклдошлари ف -ф а ҳарфи билан кўрсатилган, масалан:

(А.35 б.4) арабча إدرج -и д р и ж
форсча الو -а л у
туркий ف -ф а
мўғулий ف -ф а

(А.35.4) арабча تين -т и : н
форсча شفتالو -ш а ф т а л у
туркий ف -ф а
мўғулий ف -ф а

(А.12 б.3) арабча زحل -з у ҳ а л
форсча كيون-к а й в а н

	туркий ف	-ф а
	мўғулий ف	-ф а
(А.45 а.1)	арабча شرفة	-ш у р ф а
	форсча كنكره	-к у н г р а
	туркий ف	-ф а
	мўғулий ف	-ф а
(А.58 а.2)	арабча عربى	-а р а б и й
	форсча تازى زفان	-т а з и й з а ф а н
	туркий ف	-ф а
	мўғулий ف	-ф а

Сўзнинг туркий шакли мўғулий сўзликда қўлланилган бўлса, у ҳолда мўғулий сўзликдаги сўз ўрнига ف -ф а ҳарфи қўйилган. Бунда араб, форс. туркий тиллардаги мазкур сўзнинг муодиллари ўз ўрнига тўлиғича ёзилган. масалан:

(А.35 б.1)	арабча مشمش	-м и ш м и ш
	форсча زردالو	-з а р д а : л у
	туркий ايروك	-э р у к
	мўғуллий ف	-ф а
(А,35 б.4)	арабча إخاص	-и х х а : с
	форсча الوى سياه	-а л у й и с и ё ҳ
	туркий قره الو	-қ а р а а л у
	мўғулий ف	-ф а
(А.41 б.1)	арабча قيد	-қ а й д
	форсча بند	-б а н д
	туркий بقاو	-б у қ а в
	мўғулий ف	-ф а
(А.47 а.1)	арабча سلمة	-с у л л а м а
	форсча نردبان	-н а р д б а н
	туркий شاتو	-ш а т у
	мўғулий ف	-ф а

Қўлёзма матнида арабий сўзнинг кетма-кет икки маънодоши келган бўлса, у ҳолда биринчи сўзга унинг таржимаси ёзилган ва ўзидан кейинги маънодоши مثله-м и с л у ҳ у-«унга ўхшаш» ибораси билан кўрсатилган. Сўзларнинг маънодошлари уларнинг сонига қараб кетма-кет жойлаштирилган, масалан: (А. 38 б. 1) ناحية -н а : ҳ и й а сўзи туркийда سارى -с а р и маъносида изоҳланган. Бу сўздан кейин келган جانب - ж а : н и б, وجه - в а ж ҳ, جهة ж и ҳ а т, قطر -қ у т р, رجاء -р а ж а :, عرض -ъ у р д, شفاء -ш а ф а :, طرف -т а р а ф , حافة -ҳ а : ф ф а т сўзлари форсий, туркий, мўғулий сўзликда м и с л у ҳ у ибораси билан берилган. Демак, юқоридаги турли шаклдаги арабий сўзларнинг барчаси туркий тилда бир хил сўз билан ифодаланган. Бундан ташқари қўлёзма матнида ушбу қўлланилган ҳолатдан чекинишлар ҳам учрайди. Масалан, арабий ظل -з и л л (А.13 б.1) форсийда سايه -с а : й а, туркийда كولاكا -к ў л а г а тарзида кўрсатилган. З и л л сўзидан кейин унинг синоними арабий فىء-ф а й сўзининг остига «соя» мазмунидаги форсий, туркий, мўғулий сўзлар олдинги қатордаги каби айнан тўлиқ кўрсатилган.

Арабий (А.13 б.1-2) برق -б а р қ сўзи форсийда درخش - д а р а х ш туркийда ياشين -й а ш и н мўғулийда ياشين-й а ш и н тарзида изоҳланган.

Мазкур сўздан кейин келган арабий صاعقة -с а : ъ и қ а сўзи ҳам «яшин» мазмунини англатади, лекин унинг остидаги форсий сўзликда مثله - м и с л у ҳ у белгиси, туркийда يشين - й а ш и н, қайта такрорланган ва мўғулий сўзликда م-м и м ҳарфи билан кўрсатилган.

Қўлёзма матнида арабий, форсий, мўғулий сўзликдаги маънодошлар ўз ўрнида берилиб, туркий сўзлик муодили معروف -м а ъ р у : ф- ف ҳарфи билан белгиланган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан:

(А.92 б.4)	арабча ورق	-в а р а қ
	форсча كاغذ	-к а : ғ а з
	туркий ف	-ф а
	мўғулий جالسون	-ж а л с у н
(А.61 а.4)	арабча صورة	-с у : р а т
	форсча بيكر	-п а й к а р
	туркий ف	-ф а
	мўғулий سومه	-с у м а

Юқоридаги мисолларда туркий сўзлик ўрнида ف - ф а ҳарфининг кўрсатилиши айнан в а р а қ ҳамда с у р а т сўзларининг ўзгаришсиз туркий сўзликда ҳам қўлланилганига ишора қилади.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг «А» нусхасида юқоридаги ҳолатнинг бошқа бир кўринишн ҳам учрайди. Бунга кўра арабий сўзликдаги сўз мақоласининг форсий ҳамда туркий муодиллари м а ъ р у : ф сўзи билан кўрсатилган. Матн таркибидаги мўғулий сўзликда эса унинг мўғулча муодили келтирилади.

(А.90 а.1) арабча أمانة -а м а : н а т
форсча معروف -м а ъ р у : ф
туркий ف -ф а
мўғулий دانك -д а н г

(А.91 б.3) арабча ادب -а д а б
форсча معروف -м а ъ р у : ф
туркий ف -ф а
мўғулий ابرى -а б р о й

Бундан ташқари қўлёзма матнида юқоридаги ҳолатлардан ҳам фарқли ўринларни учратиш мумкин. Масалан, (А.85 б.2) арабий شحنة -ш а ҳ н а мақоласи форсийда м а ъ р у : ф , туркий داروغة -д а р у ғ а, мўғулийда ف -ф а белгиси билан кўрсатилган. Демак, форсийда شحنة -ш а ҳ н а сўзи араб тилидаги каби ўзгаришсиз қўлланилган. Қўлёзмадаги мўғулий шакл ўрнидаги ف -ф а эса мазкур ўринда туркий д а р у ғ а сўзининг келишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат қўлёзма матнида қуйидагича белгиланган:

арабча شحنة -ш а ҳ н а
форсча معروف -м а ъ р у : ф
туркий داروغه -д а р у ғ а
мўғулий ف -ф а

Қўлёзма матнида ўзига хос тузилиш жиҳатларига эга бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, арабий قصر -қ а с р сўзи форсий كوشك -к ў ш к тарзида келтирилган. Туркий сўзликда бу сўз مثله -м и с е л у ҳ у ишораси билан изоҳланиб, мўғулий кўринишида ف -ҳарфи билан кўрсатилган. Юқоридаги туркий мақола сўзининг берилиш қоидасига биноан ўзидан олдинги сўзга ўхшаш бўлиши керак, яъни қ а с р сўзи ایو قیشلیق - к и ш л а қ э в тарзида изоҳланмоғи лозим. Лекин, қ а с р сўзидан кейинги мақолага мурожаат этсак. Бу сўз с а р ҳ бўлиб, у форсий كوشك بلند к ў ш к и б а л а н д, туркий بدوك كوشك будук кўшк, мўғулий اندرون كوشك -а н д у р у н к ў ш к сўзлари ёрдамида ифодаланган. Демак, арабий قصر - қ а с р сўзи туркий сўзликда форсий муодилга ўхшаш كوشك -к ў ш к тарзида изоҳланади. Шу мақоланинг мўғулий муодилига келсак, у-ف ҳарфи билан белгиланган эди. Бу эса мўғулий сўзликда ҳам كوشك -к ў ш к сўзи қўлланганлигига ишора қилади.

Немлар қисми юкламаларга бағишланган نولك -н а в л у қ а- مناق -мундақ кэрак санқақим қилсанг كيراك سنقاكيم قيلسانك мақоласи (А.1666.4) билан тугаган. Мазкур варақнинг пойгирида المعتل-ал-м у ъ т а л л деб кўрсатилган ва кейинги 167 а саҳифа айнан шу сўз билан бошланган. Лекин қўлёзманинг 167а-214б саҳифаларидаги мати асарнинг иккинчи-феъллар қисмига киради. Немлар қисмининг давоми 215[a] саҳифада жойлашган. Бу саҳифа جاؤا فرادى -ж а : у ф у р а : д а й- كيلدى‌لار بير ايكى -к э л д и л а р б и р и к к и мақоласи билан бошланган ва أللهم لاهم а л л а: ҳ у м м а л а : ҳ у м м а ای تینكرى -э й т э н г р и мақоласи билан тугаган.

Асарнинг феъллар қисми тўлиқ бўлиб, жуда равон хат билан ёзилган. Феъллар қисмида ҳам айрим шартли қисқартмалар қўлланилган. Кетма-кет келган маънодош феъллар مثله - м и с е л у ҳ у қисқартмаси билан кўрсатилган. Масалан, (А.220 а.1) جنح إليه - ж а н а ҳ а и л а й ҳ и феъли туркийча كونكل سندى انقه - к ў н г и л с и н д и а н қ а тарзида изоҳланган. Мазкур феълдан кейин берилган арабий جنح له - ж а н а ҳ а л а ҳ у феъли туркий сўзликда م белгиси билан кўрсатилган. Демак, мазкур ж а н а ҳ а л а ҳ у феъли ҳам олдинги к ў н г и л с и н д и а н қ а маъносини англатади.

Бундан ташқари феъллар қисмида кетма-кет иккидан ортиқ белгиси билан кўрсатилган феълларни учратиш мумкин. Қўлёзманинг арабий сўзлигидаги غضبه الشىء -ғ а д а б а ҳ у а ш- ш а й ’а туркийда كوج بيلان الدى اندين نيمه نى -куч билан алди андин нимани тарзида изоҳланган. Ундан кейинги арабий غضب منه الشىء -ғ а д а б а м и н ҳ у-ш-ш а й ’а ҳамда غضبه على الشىء -ғ а д а б а ҳ у ъ а л а-ш-ш а й ’и иборалари туркийда белгиси билан кўрсатилган.

«Мукаддамату-л-адаб» нинг «А» нусхаси таркибидаги арабий матнга ҳаракатлар қўйилган. Лекин арабий матндаги ҳаракатларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўлёзмадаги форсий, туркий, мўғулий сўзлик матнида эса ҳаракатлар берилмаган. Юқоридаги сўзликлар матнидаги айрим сўзларнинг ўқилишини аниқлаштириш мақсадида ўрни билан ҳаракатлар киритилган мисолларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликда (А.57 б.2) ملك -м а л а к, (А.55 а.4) خرجين -х у р-ж и н, (А.52 б.3) إبريق -и б р и қ, (А.47 б.1) در -д а р, (А.57 б.2) مردم -м а р д у м, (А.65 б.1) ملك جشم -м и л к и ч а ш м; мўғулий сўзликда (А.65 а.3) منكه -м и н к а, (А.14 б.4) كى-к и, (А.77б.1) جلوليق -ж а л в а л и қ, (А.77 а.3) جلوه-ж а л а в а.

«А» нусханинг дастлабки ҳар бир саҳифаси қора сиёҳда 1 дан 96 гача рақамланган, сўнгра рақамлар қора қаламда давом эттирилган ва 501 гача араб рақамларида белгиланган. 93-96 саҳифалар матнсиз қолдирилган. Қўлёзманинг пойгирлари тўлиқ эмас. Дастлабки пойгирлар асосан жузвларнинг узилиш жойларигагина қўйилган. Қўлёзманинг 47 б варағидан бошлаб пойгирлар тўлиқ кўрсатилган. Мазкур нусхадаги туркий сўзлик қизил сиёҳда ажратиб ёзилган. Айрим ўринларда бошқа сўзликдаги иборалар ҳам қизил сиёҳда битилган. Масалан, қўлёзманинг 6 б саҳифаси 4-қатордаги туркий сўзлик қора, мўғулий сўзлик эса қизил сиёҳда ёзилган. Қўлёзма кейинчалик муқоваланган ва муқовалаш вақтида варақларнинг ўрни алмаштириб юборилган.

فعل يفعل -ф а ъ а л а й а ф ъ и л у қолипидаги ه جاء هب -ж а : 'а х у- كيلدى انقا -к э л д и а н қ а феълидан бошлаб الريح-ҳ а б б а -р-р и : ҳ у- ايستى ييل -э с т и й э л феълига қадар эллик варақ матн исмлар қисмининг таркибига киритиб юборилган.

Қўлёзма қуйидаги хотима билан якунланган:

Катабаҳу ал-абду-л-муҳтож ила раҳмати-л-малики-л-ғани дарвеш камина фақиру ҳақир Мирза Мавлон валади Мирза Икром Бухорий фи поздаҳум шаҳри шаъбони-л-муаззам 1339-сана шукри бағоя ва миннати била ниҳояки, бу китоби нодир мусамма би луғоти Хоразмий қалами Мусажон Сайидзоданинг саъйи вофири била Мирза Мавлон Мирза Икром ўғли дастёриси бирлан либоси хотима кийиб, мақбули хос ва ом ўлдиғила баробар тубанда кўрсатилган қитъаи манзумадан тарихи тамоми зуҳура келмишдур:

Ҳамд лиллоҳ луғоти Хоразмий,
Зуюри ихтитома еткурмиш.
Котиби эрди ўрток Икромов,
Жон каби захми хома дўндурмиш.
Сафҳан даҳра ёдгоридур,
Бу асар файз омма чўқдурмиш.
Илму ирфон учун муфид дегил,
Мутталиълар қиёма индурмиш.
Соли тарихина чеккан рақамим
«Келажакда тамома» сундурмиш.

Мазкур қитъадаги كيله جقده تمامه-к е л а ж а қ д а т а м о м а» иборасининг абжад ҳисоби қўлёзманинг кўчирилиш тарихини, яъни 1339 ҳижрий-1921 милодий йилни билдиради.

«Мукаддамату-л-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси асарнинг ягона тўрт тилли нусхаси бўлиб, мукаммал илмий принциплар асосида тузилган. У арабий-форсий-туркий-мўғулий тиллар бўйича муҳим маълумотга эга нодир қўлёзма манба бўлиб ҳисобланади.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «Б» НУСХАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги «Муқаддамату-л-адаб» нинг 2699 сақланиш рақамли қўлёзмасини «Б» нусха сифатида қабул қилдик. Мазкур қўлёзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг Тошкентда сақланаётган туркий сўзлик киритилган энг қадимий, лекин нуқсонли нусхаларидан ҳисобланади. Қўлёзмага феъллар қисмигина киритилган. Китобнинг дастлабки саҳифасига Рогнбийнинг «Мени ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун» матлаи билан бошланувчи қуйидаги ғазали битилган.

منى كيم خسته حال ايتدى فلك هم خسته حال اولسون
كيجه لار نا ليشيمدين جانيغه يوز مينك ملال اولسون
تحرك دين مرادى ازدياد فضل ايميش كويا
الهى انتقالى دمبدم نقص زوال اولسون
منى بيجاره غه دايم ايشى بيداد ظلم ايرميش
ستمكرلار هميشه مور ينكليغ بايمال اولسون
منى رسواى عالم ايلاماكدين مدعا اول كيم
اولوسغه بو فسانه تا قيامت قيل قال اولسون
كشى كيم راغبى نى لحظه غمدين فراغ ايتسه
عروج ايلاب قمرى ديك كوك اوزه صاحب كمال اولسون

Мани ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун.
Кечалар полишимдин жонига юз минг малол ўлсун.
Таҳаррукдин муроди издиёди фазл эмин гўё,
Илоҳи интиқоли дам бадам нақсу завол ўлсун.
Мани бечорага доим ниш бедоду зулм эрмиш,
Ситамгарлар ҳамиша мўр янглиғ поймол ўлсун.
Мани расвои олам айламакдин муддао улким,
Улусга бу фасона то қиёмат қили-қол ўлсун.
Кишиким, Роғибийни лаҳза ғамдин фароғ этса,
Уруж айлаб қумридек кўк уза соҳиби камол ўлсун.

«Б» нусханинг бошланиш қисмидан فعل يفعل -фаъала йафъилу қолипидаги I боб феълларининг 423 таси тушиб қолган. Мазкур қадимий нусханинг энг асосий нокислиги ҳам мана шундан иборат. Қўлёзма ردم الحائط-радама-л-ха:ита- اونكاردى تامنى -ўнгарди тамии феъли билан бошланган.

Бу боб сўзларнинг берилиши ва изоҳланиши бўйича бошқа боблардан фарқланади, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Одатда, «Муқаддамату-л-адаб» матнида феълларнинг ўтган замон шакли келтирилади, сўнгра уларнинг инфинитив кўриниши, ҳозирги-келаси замон шакли, масдар ёки сифатдош кўриниши берилади. Бу тартиб барча феъллар учун бир хилда эмас. Асарда бир феъл ва бир инфинитив шакл билан ифодаланган ҳолатлар кўпчиликни ташкил этади:

(Б.1а 2-7) غشم غشما -ғашама ғашман- قيلدى كوج قيلماق -куч қилди, куч қилмак; (Б.1б. 2-3) صرم النخل صراما - сарама-н-нахла сира:ман- كسمك كستى خرما يغاجى نى - кэсти хурма йиғачини, кэсмак.

Бундан ташқари асар матнида ўтган замон феъли, унинг ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакли билан ифодаланган ҳолатларини ҳам учратиш мумкин: (Б.4б 20-23) شذ عنه -шазза ъанҳу - اذريلدى اندين -азрилди андин, يشذ و يشذ -йашиззу ва йашуззу اذريلور -азрилур, شذوذا -шузу:зан- اذريلماق -азрилмак.

Бу мисолда мазкур феълнинг ҳозирги-келаси замон кўринишидаги икки хил шакли берилган. Улардан биринчисининг тўлиқ туркий таржимаси اذريلور -азрилур берилган бўлиб, иккинчиси мазкур ҳозирги замон феълининг охирги ҳарфи ر -р а : билан белгиланган:

(Б.5а.6) خس -хасса- اكسوك بولدى -аксук бўлди, يخس-йахиссу- اكسوك بولور -аксук бўлур. يخس-

йахассу:р (р а :). خسة-хиссатан اكسوك بولماق -аксук бўлмак, خساسة -хаса:сатан-ق (қ а ф). خسوسة -хусу:сатан-ق (қ а ф).

Ушбу мисолда ҳам феълнинг ҳозирги замон кўринишларидан биринчиси остига унинг туркий муодили а к с у к б ў л у р ва иккинчисининг остига ر -р а : ҳарфи қўйилган. Асар матнида феъл ортидан келган инфинитив шаклининг уч хил кўриниши берилган бўлиб, улардан биринчисининг остига унинг таржимаси а к с у к б ў л м а қ, иккинчи ва учинчи кўринишлари остига эса ق -қ о ф ҳарфи ёзилган. Демак, инфинитив шакли-м а қ қўшимчаси билан тугайдиган кўринишлардан бир нечтаси келтирилган бўлса, матнда уларнинг биринчиси остида унинг тўлиқ туркий кўриниши берилган ва қолган вариантларнинг остига ق белгиси қўйилган. Бу эса кўринишларнинг юқоридагидек -м а қ қўшимчаси билан қўлланилишига ишора этади. Бундан ташқари инфинитив кўриниши -м а к қўшимчаси билан тугайдиган феъллар ҳам луғат матнида кўплаб учрайди. Уларнинг юқоридаги кўринишлари ك -к о ф ҳарфи билан кўрсатилган. (Б.8а.4-5) وثب-в а с а б а- سيكريدى -с э к р и д и, يثب -й а с и б у- سيكرور -с э к р у р, وثبا و وثوبا ووثيبا -в а с б а н в а в у с у:б а н в а в а с и:б а н- سيكرماك с э к р а м а к. Юқоридаги в а с б а н, в у с у:б а н ва в а с и:б а н кўринишлари остига ك -к о ф ҳарфи қўйилган, бу эса мазкур сўзларнинг айнан с э к р а м а к мазмунини ифодаланишига ишора қилади.

Демак, қаттиқ ўзакли инфинитив кўриниши - м а қ қўшимчаси билан тугайдиган шакллар ق ҳарфи, юмшоқ ўзакли - м а к қўшимчаси билан тугайдиган шакллар ك ҳарфи билан белгиланган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг «Б» нусхаси айнан туркий сўзликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида тузилган. Чунки, бу қўлёзмадаги асосий арабий феъллар ва уларнинг масдар ёки сифатдошларининггина форсий муодиллари кўрсатилган холос. Туркий сўзликка келсак, асосий феъллар, уларнинг масдар ва сифатдошлари билан бирга ҳозирги-келаси замон шакллари, инфинитив кўринишларининг ҳам таржимаси берилган:

(Б.IIб.4-5)

Туркий	Форсий	Арабий
قمار اوينادى	مقامى كرد	يسر
قمار اوينار	------	ييسر
قمار اويناماق	------	يسرا

هو الميسر	این قمار	بو قمار
آب	باز کشت	قیتی
يئيب	------	قیتور
أيبة	------	قیتماق
يؤوب	------	قیتور
أوبة	------	قیتماق
اوبا	------	م [مثله]
ايابا	------	م [مثله]
ساخ التراب	فروشد بخاك	بتی توبراق قا
يسيخ	------	بتار
سيخا	------	بتماق
يسوخ	------	ر [بتار]
سوخا	------	ق [بتماق]
صاده	شكاركردش	افلادی انی
يصيده	-------	افلار انی
يصاده	-------	افلار انی
صيدا	-------	افلاماق
هی المصيدة	این دام	بو توزاق
المصائد	-------	ج [جمع]
قس الشیء	اندازه كردجيز	قياس قيلدی
على الشیء	را برجيزی	نا ارسانی ناارساكا
قاس الشیء بالشیء	-------	م [مثله]
يقيس	-------	قياس قيلور
قياسا	-------	قياس قيلماق
قيسا	-------	م [مثله]
يقوس	-------	قياس قيلور
قوسا	-------	قياس قيلماق
هو المقياس	این اندازه	بو قياس

Феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакллари, улардан ясалган масдар, сифатдошлар, уларнинг кўплик кўринишлари асосан энг кўп, фаол ишлатилувчи биринчи боб феъллари мисолида батафсил ёритилган. Кейинги бобларда феъларнинг ўтган замон кўринишн ва айрим ҳоллардагина улардан ясалган масдар ва сифатдошларгина берилган.

Қўлёзманинг айрим ўринларида, матндаги маънодош сўзлар ёнида қўлёзма матни хатидан бошқа ёзувдаги мисолларни учратиш мумкин. Бу ҳол асосан مثله -м и с л у ҳ у ишораси билан кўрсатилган сўзлар ва бошқа тиллардаги маънодошлари тушиб қолган сўз мақолалари остида учрайди. Масалан, қўлёзманинг 34 а саҳифасида نصره الله على العدو - н а с а р а ҳ у а л л а: ҳ у ъ а л а-л-ъ а д у в в и мақоласи туркий сўзликда م ҳарфи билан белгиланган. Демак, мазкур жумланинг туркий шакли олдинги жумла мазмунига мосдир. Лекин, кейинги жумла ёнидаги ҳошияда نصرت بيردی تنكری انكا دشمنی اوزا-н у с р а т б э р д и т а н г р и а н г а д у ш м а н и у з а мазмунидаги ёзув битилган.

Демак, қўлёзма билан кейинчалик танишган китобхон юқоридаги қисқартмаларни имкон қадар тўлдиришга уринган.

Қўлёзма матнига айрим сўзларнинг тўғри ўқилишига доир кўрсатмалар ва уларнинг изоҳи ҳам киритилган, масалан, 76 б. саҳифада арабий لثغ - л а с и ғ а- بلتك بولدی -б а л т а к б ў л д и , яъни «ш-шлаб гапирувчи бўлди» феъли, ундан сўнг эса унинг сифат кўриниши هو الثغ-ҳ у в а а л с а ғ - бу بلتك -б у б а л т а к келтирилган. Мазкур сифат кўринишн ёнида араб тилида битилган қуйидаги жумла бор: ألالثغ هو الذی یحول لسانه من السین الی الثاء -А л-а л с а ғ ҳ у в а-л-л а з и й й у ҳ а в в и л у л и с а: н у ҳ у м и н а-с-с и: н и л а-с-с а:-«Ал-алсағ» тили «син» ни «са»га айлантирувчи шахсдир». Демак, «алсағ» фақатгина дудуқ эмас, балки талаффузда «с» товушини тил ва тиш оралиғидаги сирғалувчи «с» товушига айлантириб гапирувчи шахсни англатади.

Қўлёзмада (Б.120б.I) هوالقفر -ҳ у в а-л-қ а ф р у сўз мақоласи بو خراب اورون -б у х а р а б ў р у н-"бўш, кимсасиз, танланлик жой" мазмунида изоҳланган. Мазкур масдарнинг устки қисмига ألخالی من النبات -а л-х а: л и м и н а-н-н а б а: т -"ўсимликсиз", "ўсимликлардан холи" мазмунидаги ибора киритилган ва юқоридаги қ а ф р сўзи "бўш, гиёҳсиз жой, чўл" мазмунини ифодалайди.

Демак, кўлёзмада айрим сўзларнинг араб тилидаги изохи айнан шу сўзнинг мазмунини очиб бериш учун қўлланилган.

Кўлёзмадаги айрим феълларнинг кетма-кет келган икки масдар ёки ҳозирги-келаси замон кўринишлари алоҳида сўз мақоласи сифатида келтирилган. Ана шундай ҳолларда кетма-кет келиб, бир хил маънони ифодалаган сўзларнинг олдингисида унинг маъноларини кўрсатилар, кейингисида эса مثله -м и с л у ҳ у ифоджси қўйилар эди. Бу усулдан ташқари кетма-кет келиб бир хил маъно ифодалаган мақолалар ўртасидаги арабча كلا -к и л а : -"иккинчи" мазмунини ифодаловчи белги ҳам қўйилган ва сўзнинг маъноси унинг ёнида берилган. Масалан, (Б.81а.3) سقم -с а қ у м а феълининг ўзидан кейинги келувчи سقما -с у қ м а н ва سقما -с а қ м а н кўринишдаги масдарлари остига юқоридаги كلا -к и л а : белгиси қўйилган ва шаклларнинг маъноси سوكال بولماق -с ў г а л б ў л м а қ тарзида изоҳланган. Демак, бу белги ҳар иккала سقما -с у қ м а н ва سقما -с а қ м а н шаклларнинг бир хил سوكال بولماق -с ў г а л б ў л м а қ мазмунини ифодаланишга ишора қилади.

Биз юқорида алоҳида олинган сўз, ном ёки сифатнинг араб тилида изоҳланган ҳолларини учратдик. Бу ҳолни луғатнинг асосини ташкил қилувчи феълларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, (Б.81а.7) عقمت -ъ а қ и м а т феъли قسراق بولدى عورت -қ и с р а қ б ў л д и ъ а в р а т тарзида изоҳланган. Лекин, арабий феълга перпендикуляр йўналишда اى لا تحمل المرأة-а й л а: т а ҳ м и л у-л-м а р' а т у-«яъни аёл ҳомиладор бўлмади» мазмунидаги ибора келтирилган. Юқоридаги عقمت -ъ а қ и м а т феъли لاتحمل المرأة -л а : т а ҳ м и л у-л-м а р' а т у бириқмаси мазмунига айнан мос бўлиб, у ҳам «аёл ҳомиладор бўлмади» мазмунини англатади.

Қўлёзма матнида (Б.107б.1) غزرت الناقة -ғ а з у р а т и-н-н а: қ а т у - اوكوش بولدى اينكان سوتى -ў г у ш б ў л д и и н г а н с у т и ибораси берилган. Мазкур арабий ибораниг юқорисига котиб қўли билан арабча كثرلبنها -к а с у р а л а б а н у ҳ а: яъни, «унинг сути кўп бўлди» мазмунидаги ёзув битилган. Бу эса жумла мазмунини айнан такрорлайди.

Бу ҳолни яна бир мисолда кўриб чиқсак. (Б.125ª.3) арабий كنا فى ايردوك بيز انينك نيكا حيندا الاملاك -к у н н а : ф и - л - а м л а к и ибораси -э р д у к б и з а н и н г н и к а ҳ и д а -«биз унинг никохида бўлдик».

«биз унинг никоҳида эдик» мазмунини англатади. Мазкур ибораниш ёнида أى كنا فى النكاح -а й к у н н а : ф и - н и к а: ҳ и мазмунидаги ибора маъносини тасдиқловчи бириқма киритилган.

Асар матнидаги (Б.128б.7) أمر الحبل -а м а р р а-л-ҳ а б л а мақоласи بوكتوردى اوركان نى -б у к т у р д и ў р г а н и н и тарзида изоҳланган. Мазкур мақоладан сўнг юқоридаги أمر -а м а р р а феълидан ясалган ألمرة - а л-м и р р а т у масдар кўриниши келган бўлиб, у ايب قوتى й и н қ у в в а т и маъносида келтирилган. ألمرة - а л-м и р р а т у сўзининг юқори қисмига котиб қўли билан айнан туркий, форсий матн ёзувида وقوة ألقيل الحبل أيضا -а л-қ и л у в а қ у в в а т у-л-ҳ а б л и й д а н- «шунингдек, арқоннинг қуввати деб ҳам айтилади», деган мазмундаги ибора изоҳ тарзида келтирилган. Демак, котиб асар матнидаги айрим сўз мақолаларининг тушунилишини осонлаштириш мақсадида мазкур сўз мақоласи ёнига унинг соддалаштирилган кўринишини киритиб кетган.

Қўлёзма матнида ёнма-ён келган икки маънодош сўзларнинг биринчисига тўлиқ мазмуни ёзилган, иккинчисига مثله -м и с л у ҳ у белгиси қўйилган эди. Айрим ўринларда маъноси ўхшаш сўзларга қўйилажак مثله -м и с л у ҳ у белгисини тўлдириш мақсадида дастлабки феъл-сўз қайта такрорланган. Масалан, қўлёзмада (Б.135а.3) اراق الماء -а р а: қ а-л-м а: 'а- توكدى سف نى -т ў к д и с у в н и жумласидан кейин هراق يقال-й у қ а: л у ҳ а р а: қ а-«ҳаракa деб айтилади» деб кўрсатилган. Унинг остига م белгиси қўйилган, демак ҳ а р а: қ а феъли айнан а р а: қ а феъли мазмунини англатади. Шунга қарамай, белгининг ёнига يعنى أراق -й а ъ н и а р а: қ а деб кўрсатилган.

Биз юқорида арабий феълларнинг кетма-кет келган икки маънодоши билан изоҳланган ҳолларни учратдик. Шунингдек, бу ҳолни қўлёзма таркибидаги форсий ҳамда туркий сўзликда ҳам кўриш мумкин.

Феълларнинг форсий муодиллари қўшалоқ қўлланилган ҳоллар: (Б.116б.1) أطلبه -а т л а б а ҳ у-با طلب كردش -б а: т а л а б к а р д а ш. حاجش روا كرد -ҳ а: ҳ и ш р а в а: к а р д: (Б.141б.2) صمد رأسه . с а м м а д а р а' с а ҳ у-ببست سرش را -б е б а с т с а р а ш р а: مرهم نهاد -м а р ҳ а м н а ҳ а: д.

Аксарият ҳолларда арабий феълнинг форсий ва туркий маънодошлари таркибидаги мураккаб феълларнинг исмий қисми ҳар иккала тилда бир хил

қўлланилган вариантлари учрайди. Бу ҳолда мазкур исмий қисм форсий сўзликда тўлиқ кўрсатилган бўлиб, туркий сўзликда эса қолган қисми берилган. Масалан, арабий (Б.1а 5.3) زهی الرجل -з а ҳ и й а-р-р а ж у л у жумласи форсий сўзликда متکبر شدمرد - м у т а к а б б и р ш у д м а р д тарзида изоҳланган, лекин унинг остидаги туркий сўзлик بولدی ار -б ў л д и э р тарзида кўрсатилган. Бу эса форсий сўзлик таркибидаги متکبر -м у т а к а б б и р сўзининг туркий сўзликка ҳам тегишли эканлигини кўрсатади. Буниг яна бир исботи тарзида мазкур феълнинг сифатдоши шаклига назар солмоқ лозим. Феълнинг сифатдоши هو مز هوء -ҳ у в а м а з ҳ у : форсий сўзликда این متکبر مرد -и н м у т а - к а б б и р м а р д, туркий сўзликда بو متکبر ار -б у м у т а к а б б и р э р тарзида изоҳланган.

Демак, котиб ўзига хос енгиллик киритиш мақсадида форсий ва туркий сўзлик таркибида бир хил қўлланилган сўзларни таржима қилишаётган тилларнинг биринчиси, форсий муодилидан кейин келганлиги учун сўзни айнан такрорлаб ёзишга ҳожат сезмаган ва жумланинг давомини ёзиб қўйган.

Қўлёзманинг айрим ўринларида сўзларнинг ўқилишига доир форсий изоҳлар (Б.135б) ҳам учрайди. Уларнинг хати асосий матн ёзувидан фарқ қилади.

«Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмалари матнидаги сарлавҳалар қизил спёҳ билан ажратиб кўрсатилган ва араб тилидагина келтирилган, лекин «Б» нусханинг баъзи сарлавҳалари остида уларнинг туркий таржимаси ҳам ёзилган. Масалан, أفعل -а ф ъ а л а қолипидаги тўртинчи боб феълларининг иккинчи ва учинчи ўзаклари в о в билан ифодаланган кўринишлари келтирилган ўринда улар بالیاء - б и -л-й а : деб ажратиб кўрсатилган. Шу сарлавҳа остида یا برلا -й о б и р л а деган мазмунда туркийча изоҳ ҳам берилган.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича, X-XIII асрга оид қўлёзмаларнинг аксарияти ўзига хос китобий услубда битилган. Бунда араб алифбосидаги ط ظ ض ص ر ز ذ د каби ҳарфлар остига бир нуқта қўйиб ёзиш анъана бўлган. Мана шундай хусусиятни биз таҳлил этаётган қўлёзма матнида ҳам учратамиз. (Б.1 а.2-3) صرم النخل صراما -с а р а м а-н-н а х л а с и р а : м а н. (Б.25 б.7) طلبه إليه -т а л а б а ҳ у и л а й ҳ и , (Б.38 б.2) برق البصر -б а р а қ а -л-б а с а р у. (Б.40 б.3) فی الدار -ф и-д-д а : р и.

(Б.70 А.5) هو أدرد -ҳ у в а а д р а д каби сўзлардаги юқорида кўрсатилган ҳарфлар остига нуқта қўйилган.

Юқоридаги хусусиятни қўлёзма матнидаги фақат арабий сўзликдагина эмас, балки форсий ҳамда туркий сўзликда ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликдаги (Б.77 а.4) لاغر -л а : ғ и р ,(Б.110а.1) اصلی شد -а с л и й ш у д каби сўзлардаги р а ҳамда ш и н ҳарфлари остига нуқталар қўйилган.

Туркий сўзликдаги (Б.5б.2) ییلدرادی - й и л д и р а д и. (Б.5б.2) یوقا بولور -й у ф қ а б ў л у р, (Б.80б.2) بو اروق-б у а р у қ. (Б.110а.1) اصل لیغ بولدی -а с л л и ғ б ў л д и , (Б.119 а.2) قصاص - қ а с а с каби сўзлар таркибидаги юқорида зикр этилган ҳарфлар остига нуқталар қўйилган.

Мазкур қўлёзмада юқоридаги ҳарфлардан ташқари ث ر خ каби ҳарфлар остига ҳам нуқта қўйиб қўлланилганлиги аниқланди : (Б.27б.3) مکث -м а к а с а, (Б.28б.3) خ.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси таркибидаги арабий сўзлик асосан тўлиқ ҳаракатлар билан ёзилган. Форсий ва туркий сўзликларга эса ҳаракат қўйилмаган. Лекин котиб айрим ўринлардагина сўзнинг ўқилишини осонлаштириш, хатога йўл қўймаслиги мақсадида ҳар иккала сўзликка ҳаракатлар киритган: (Б.28б.7) بفسرد اب -б у ф с у р д о б, (Б.20 б.6) شبس -ш у б у с, (Б.49а.7) بدر -б у д р.

«Б» нусханинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, қўлёзманинг маълум ўринларида асар матнида келтирилган сўз ва иборалар шитирок этган ҳадислардан намуналар учрайди. Бу ҳол биз тадқиқотимизда истифода этган «Муқаддамату-л-адаб» нинг бошқа қўлёзмаларида учрамайди. Масалан, қўлёзманинг 25 а саҳифасида арабча (Б.25а.6) خلب - х а л а б а феъли берилган ва унинг туркий маънодоши الدادی -а л д а д и тарзида изоҳланган. Ундан сўнг мазкур феълдан ясалган сифатдош шакли خلب -х у л л а б у н- برق خلب -б а р қ у н х у л л а б у н - بو الداغان یلدریم -б у а л д а ғ а н й и л д и р и м бирикмаси билан келтирилган. Бирикманинг ёнида, ҳошияда قال لا یکن برقك برقا خلبا إن خیر البرق ما الغیث معه -қ а : л а л а : й а к у н б а р қ у қ а б а р қ а н х у л л а б а н и н х а й р у-л-б а р қ и м а : а л-ғ а й с у м а ъ а ҳ у-«Ёмғир келтирмайдиган яшиндан яхшилик кутма, ўзидан кейин ёмғир олиб келадиган яшин яхшидир» мазмунидаги ҳадис келтирилган.

Қўлёзманинг 47 б саҳифасида арабий مص -м а с с а феъли берилган. мазкур феълнинг ёнида шу феъл иштирок этган қуйидаги ҳадис ёзилган: قال النبى صلى الله عليه وسلم مصوا الماء مصا و عبوا الدين عبا Қ а : л а н-н а б и : с а л л а-л-л а: х у ъ а л а й ҳ и в а с а л л а м :

М а с с у- л-м а : ъ а м а с с а н

А б б у - д-д и : н а ъ а б б а н.

Бу ҳадис «сувни тозалаб ичинг, динга чин дилдан эътиқод қилинг» деган мазмунни англатади.

Шунингдек, қўлёзма матнида изоҳланган сўзлар киритилган шеърий парчалар ҳам учрайди, масалан, 102 а саҳифага لسعته العقرب - л а с а-ъ а т ҳ у -л- ъ а қ р а б у - تيكدى انى جذان - т э г д и а н и ч а з а н ибораси киритилган. Мазкур иборанинг ёнида шу жумла қўлланилган арабча шеърий парча битилган:

قد لسعت حية الهوى كبدى فلا طبيب لها ولا راقى

إلا الحبيب الذى شعفت به فعنده رفيتى وترياقى

-Қ а д л а с а ъ а т ҳ а й й а т у-л-ҳ а в а : к а б д и : ф а л а: т а б и : б у н л а ҳ а : в а л а : р а : қ и :

И л л а- л-ҳ а б и : б у-л-л а з и : ш у ъ и ф т у б и ҳ и ф а ъ и н д а х у р а ф и : т и : в а т а р й а : ф и :

«Муҳаббат илони жигаримни жароҳатлади. Мен севиб қолган ёрдан ўзга табиб ва сеҳргар уни қайтара олмайди. Фақатгина у мени озод этиб, даволаши мумкин.»

Қўлёзманинг охиридаги варақлар тартиби бузилган. Улар қуйидаги кетма-кетликда келади: 177 б, 187а-192б, 184а-185б, 181а-б, 180а-б, 178а-179б, 183а-б, 186а-б, 194а-195б, 196а-196б.

186б варақ олтинчи боб феъллари таркибига кирган تخادعوا - т а ҳ а : д а ъ у : الداشتى لار -а л д а ш т и л а р феъли билан тугаган. Мазкур феълдан сўнг келган олтинчи боб матнидан 134 та феъл тушиб қолган. Феълларининг давоми 194 а саҳифадаги تعادوا -т а ъ а : д у : - دشمنليق قلشتى لار д у ш м а н л и қ қ и л и ш т и л а р феъли билан давом этган. Матн 195 а саҳифадаги 10-бобнинг إستشعر خوفا -и с т а ш -ъ а р а х а в ф а н феълига қадар давом этган. Асар таркибига киритилган 10-боб феълларининг қолган қисми-237 та феъл матидан тушиб қолган. Қўлёзма матни 193а саҳифадаги 10-боб феълларидан إستوصى به خيرا -и с т а в с а : б и ҳ и х а й р а н- وصيت قيلدى انكا اذكو لوكنى -в а с и й а т қ и л д и а н г а э з г у л у к н и ибораси билан давом этиб. 193а-б варақка 10-боб феълларининг қолган қисми ва уч ўзакли феълларининг

افعول -и ф ъ а в ъ а л а қолипидаги 12 та феъл ва فعلل -ф а ъ ъ а л а қолипидаги тўрт ўзакли феъл боби таркибидаги 7 та феъл киритилган.

فعلل -ф а ъ л а л а қолипидаги 69 та феъл ва улардан ясалган 8 та сифатдош матндан тушиб қолган. Юқоридаги فعلل -ф а ъ л а л а қолипидаги феълларнинг давоми қўлёзманинг 196а варағига киритилган ва وسوس -в а с в а с а билан شعوذ -ш а ъ в а з а феъллари оралиғидаги 27 та феъл ёзилган. Қўлёзма матни 196б саҳифадаги شعوذ الرجل -ш а ъ в а з а-р-р а ж у л у жумласи билан тугаган. Асарнинг тўлиқ матндан فعلل -ф а ъ л а л а қолипига мансуб 12 та феъл, تفعلل-т а ф а ъ л а л а қолипидаги 36 та феъл, إفعنلل -и ф ъ а н л а л а қолипидаги уч ўзакли феъллардан 6 та феъл, إفعلل -и ф ъ а л а л л а қолипидаги IV ўзакли феъл бобидан 21 та феъл ҳамда махсус туслаанмайдиган феъллар бобига кирган 13 та бирикма тушиб қолган.

Юқоридаги илмий таҳлил натижасида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1.»Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси асарнинг Тошкентда сақланаётган нусхаларининг энг қадимийси ҳисобланади.

2.Унинг таркибига киритилган туркий сўзликнинг тўлиқ берилиши мазкур қўлёзманинг туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида битилганлигини кўрсатади.

3.Қўлёзмани мукаммаллаштириш мақсадида котиб унга киритилган мураккаб сўз ва мақолаларнинг изоҳи ва айрим сўз мақолалари иштирок этган ҳадис ва шеърлардан намуналар келтирган.

4.Асар матнини илмий таҳлил этиш ва уни илмий истифодага киритиш туркий тилларнинг кам ўрганилган даври муаммолари бўйича қимматли маълумотлар беради ва ҳозирги замон ўзбек тили тараққиётига самарали таъсир этади.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «В» НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 3807 сақланиш рақами остида сақланаётган қўлёзмасини шартли равишда «В» нусха деб белгиладик. Мазкур қўлёзмага асарнинг фақатгина феъллар қисми киритилган, қолган қисмлар тушиб қолган. Асар ағъанавий бисмилло билан бошланиб, فعل يفعل فعلا -ф а ъ а л а й а ф ъ и л у ф а ъ л а н қолипидаги феъллар билан давом этган. Бу нусха асарнинг бошқа қўлёзмаларидан фарқланиб, унда сарлавҳаларнинг ўзигина

келтирилмай, уларнинг изоҳи ҳам берилган. Масалан, биринчи боб қолипининг номи фақатгина باب فعل يفعل فعلا б а:б ф а ъ а л а й а ф ъ и л у ф а ъ л а н тарзида берилмай, у янада тўлдирилган ва қуйидагича берилган:

باب فعل يفعل فعلا فى المعتدى و فعولا فى اللازم غالبا -б а:б ф а ъ а л а й а ф ъ и л у ф а ъ л а н ф и-л-м у ъ т а д а: в а ф у ъ у: л а н ф и-л-л а: з и м и г а: л и б а н, яъни ф а ъ а л а й а ф ъ и л у қолипидаги феълларнинг ўтимлисидан ф а ъ л а н ва ўтимсизидан ф у ъ у: л а н шаклида масдар кўришиши исталади. Бу далиллар «В» нусханинг «Муқаддамату-л-адаб» нинг бошқа нусхаларига нисбатан илмий тўлиқлигига ишора қилади. Яна бир мисол, қўлёзманинг 104 б саҳифасида فاعل يفاعل -ф а: ъ а л а й у ф а: ъ и л у қолипидаги учинчи боб феълларининг مفاعلة -м у ф а: ъ а л а т а н ва فعالا -ф и ъ а: л а н қолипидаги масдар кўринишларига қўшимча فيعالا -ф и: ъ а: л а н шакли ҳам берилган.

Қўлёзмада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган. Мазкур нусханинг қадимийлиги, қоғози, ёзувига асосланган ҳолда уни XIV аср нусхаси деб белгиладик. У «Муқаддамату-л-адаб» нинг уч тилли нусхалари орасида муҳим ўрин тутади. Қўлёзманинг умумий ҳажми 136 варақни ташкил этиб, ҳар бир варақда 9 қатордан мати жойлаштирилган. Арабий мати йирикроқ наск хатида, қора сиёҳда текис ёзилган. Боб номлари қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма таркибидаги форсий ҳамда туркий сўзлик матни ҳам қора сиёҳда, майда наск хатида битилган. Форсий ва туркий сўзлик матни аксарият ҳолларда арабий матнининг остига, икки сатр оралиғига, турли йўналишларда жойлаштирилган. Қўлёзманинг айрим варақлари (2б, 3 а-б, 4 а-б, 5 а б ва ҳ.к.) ҳошиясида аниқ сув доғлари билиниб туради. Нусханинг дастлабки 20 варағидаги матн четида у кўп фойдаланилганидан бўлса керак, қора доғлар пайдо бўлган. Бу эса матнни ўқишда қийинчилик туғдиради. Қўлёзма матнидан айрим сабабларга кўра тушиб қолган сўз мақолалари котиб томонидан саҳифа ҳошиясига киритилган (1 б, 10 б, 12 а, 13 а, 15 а ва ҳ.к.). 2 а саҳифасининг юқори қисмида китобга эгалик қилган шахснинг соддагина муҳри урилган. Унда ملا عبد العزيز -«Мулла Абдулазиз» ёзувини ўқиш мумкин. Шунингдек, муҳр ёнида اين كتاب ملا عبد العزيز اخوند كه دور البت -«Ин китоб Мулла Абдулазиз охунд(ин)кидур албат» мазмунидаги ёзув ҳам бор. Қўлёзма матнида асарнинг бошқа нусхаларидаги каби белгилар қўлланилган. Масалан, кетмаъ кет келган арабча синоним сўзларнинг туркий ҳамда форсий муодиллари مثله -м и с л у х у» сўзи билан кўрсатилган. Бунда ҳар бир сўзликка алоҳида қўйилмай, иккала сўзлик учун битта ёзилган.

Шартли қисқартмалардан қўплик шаклини ифодалаш учун эса ج белгиси қўлланилган. Қўлёзманинг арабий матни асосан ҳаракатлар билан берилган, лекин ҳаракатсиз келтирилган сўз мақолалари ҳам учрайди. Арабий матнининг форсий, туркий муодиллари ёки улардан бирортаси тушиб қолган сўз мақолалари ҳам мавжуд. Мазкур қўлёзма матнида «Муқаддамату-л-адаб»нинг қадимий қўлёзмаларидаги каби ر د ض ص ҳарфларининг остига нуқта қўйиш ҳоллари учрайди (18 б, 44 а, 113 а). Қўлёзма сўнгидан إفعلل يفعلل -ифъалалла йафъалиллу қолипидаги еттита сўз мақоласи ҳамда тусланмайдиган феъллар боби باب الأفعال غير المتصرفة -б а:б у-л-а ф ъ а:л и ғ а й р и-л-м у т а с а р р и ф а т и тушиб қолган. Матн اشمأزعن الأمر -иштма'аззаъ а н и-л-а м р и - نومید بولدی ایشدین н а в м и д б ў л д и и ш д и н сўз мақоласи билан тугаган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур нусхаси асарнинг қадимий, нодир қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибига киритилган туркий сўзлик ўзининг оригиналлиги билан асарнинг бошқа нусхаларидаги туркий сўзликдан ажралиб туради. Мазкур қўлёзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг мукаммал йиғма матнини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «Г» НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб»нинг қўлёзмаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. 1479 сақланиш рақамли бу қўлёзмани шартли равишда «Г» нусха деб белгиладик. Асарнинг бу қўлёзмаси унинг қадимий, нодир нусхаларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибига муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисми киритилган. Қўлёзма матни ўзига хос китобат услубида битилган. Асарнинг қисмлари ягона китобат шаклига келтирилган бўлиб, уларни илмий таҳлил қилиб ўрганиш бу қисмлар орасида фарқ борлигини кўрсатади. Афтидан, давр жиҳатидан қадимийроқ бўлган феъллар қисми, кейинчалик нисбатан янгироқ кўчирилган муқаддима ва исмлар қисми билан тўлдирилган. Бу эса асар таркибига киритилган сўзликларда ҳам ўз аксини топган. Китобат даврига кўра янгироқ бўлган муқаддима ва исмлар қисмига арабий сўзлик билан бирга форсий сўзлик ҳам киритилган. Феъллар қисми эса юқоридаги сўзликларга қўшимча туркий сўзлик билан тўлдирилган. Нусханинг муқаддимаси ҳамда исмлар қисми юпқа, шалдироқ қўқон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Феъллар эса сарғиш рангли, оҳорланган,

сиёлик, шарқ шоқ қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган. Арабий матн йирикроқ наск хатида, форсий, туркий муодиллари эса сатрлар оралиғига, сўз мақоласининг остига турли йўналишларда майда наск ёзувида жойлаштирилган. Сарлавҳаларни кўрсатувчи феъл боблари ҳамда ажратиб кўрсатилган ўзак ҳарфлари қизил сиёҳ билан кўчирилган. Феъллар қисмининг биринчи саҳифаси йўқолган, ундаги матн кейинчалик муқовалаш вақтида бошқа хат билан ёзиб киритилган ва остига صبح البياض -с а ҳ ҳ а-л-б а й а: д а. яъни «аслига тўғри» деб кўрсатилган. Мазкур саҳифадаги матн таркибига асосий қисмдаги каби туркий сўзлик киритилган эмас. Феъллар қисмининг қадимий бўлаги ضربه فی الماء - д а р а б а ҳ у ф и -л-м а : и сўз мақоласи билан бошланган.Қўлёзма хошиясига тушиб қолган сўзлар, изоҳлар, тўлдиришлар (1 б, 6 б, 16 б, 20 а, 22 б ва ҳ.к.) асосий матнни кўчирган котиб қўли билан киритилган. Мати ҳар бир саҳифага 10 қатордан жойлаштирилган. Саҳифалар котиб томонидан рақамланган. Қўлёзма матнидаги форсий ҳамда туркий сўзлик матни анчагина қийинчилик билан ўқилади, чунки туркий, форсий сўзлик мақолаларида нуқталар қўйилмаган ўринлар кўп учрайди. Юқоридаги ҳар иккала сўзликдан бири берилиб, иккинчиси изоҳланмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Қўлёзманинг сўнгги варағи (88б-89а), хошиясига иккита тухумсимон, битта юмалоқ муҳр урилган. Муҳр ёзувлари жуда хира. Асарнинг бу қўлёзмаси китоб охиридаги тўртбурчак муҳр ёзувига кўра, Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида ҳам сақланган. Қўлёзма қуйидаги қисқа колофон билан тугайди:

تمت كتابته على يد الفقير عبد الرحمان الخزارى ثم البلخى تم حل لغة المسمى بأسماء أفعال على ترتيب علم الصرف من مصنفات علامة الزمخشرى

«Асар котиб Абдурраҳмон ал-Хазарий ал-Балхий қўли билан ёзиб тугатилди. Аллома аз-Замахшарийнинг сарф илми тартибида тузилган асарларидан исмлар, феъллар деб аталувчи сўзлар изоҳи тугади». Қўлёзмада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган, лекин илмий таҳлилимиз унинг асосий қисмини XIV асрга оид, деб ҳисобланимизга асос бўлмоқда.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг «Г» нусхасидаги туркий сўзлик матни унинг «В» нусхаси таркибидаги туркий сўзлик матнига ўхшаш. Бу жиҳатдан ҳар иккала қўлёзмадаги туркий сўзлик матни бир-бирини тўлдиради. Асарнинг «В» нусхасидаги туркий сўз мақолаларини «Г» нусха мазмунан тўлдиради.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нини «Г» нусхаси асарнинг XIII-XIV асрларда китобат қилинган нодир қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2.2. "МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ" НИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг кўплаб нодир қўлёзма нусхалари чет эллардаги қўлёзма фондларида ҳам сақланмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон ҳудудида ёзилган ва турли сабаблар туфайли ташқарига олиб чиқиб кетилган. Тадқиқотимизда асарнинг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг илмий тавсифини келтирдик.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ РОССИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Россия ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида «Муқаддамату-л-адаб» нинг учта ноёб қўлёзмаси сақланмоқда. Биринчи қўлёзма С 1297 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Қўлёзманинг ҳар бир қисми тугал асардек шакллантирилган, улар бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугайди. Ҳар бир саҳифага саккиз қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўзлик матни йирик наск хатида, қора сиёҳда ёзилган, сарлавҳалар ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма ҳошиясида, айниқса исмлар қисми ҳошиясида турли тўлдиришлар мавжуд. Ҳарфлар қисмининг айрим сўзлари остида уларнинг араб тилидаги изоҳи ҳам берилган. Қўлёзма таркибидан феълларнинг туслашишига бағишланган охирги қисмининг бир бўлаги тушиб қолган. У المصدر -а л-м а с д а р боби билан тугаган. Қўлёзма 763 ҳижрий, 1361-1362 милодий йили китобат қилинган.

Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги А.1192 сақланиш рақамли қўлёзмага эса асарнинг феъллар қисмигина киритилган. Унинг дастлабки саҳифасида феъл бобларининг номлари мундарижа тарзида берилган. Бу қўлёзма асарнинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мати ҳар бир саҳифага тўққиз қатордан жойлаштирилган. Асарнинг пойгирлари тўлиқ. Қўлёзмага феъллар қисмининг матни тўлиқ киритилган. Сарлавҳа кўринишида берилган феъл бобларининг номи ажратиб кўрсатилган. Қўлёзмадаги арабий матнининг ҳаракатлари саводли қўйилган. Шартли қисқартмалардан синоним сўзларни ифодаловчи مثله - м и с л у ҳ у- «унга ўхшаш» иборасигина қўлланилган. Асар таркибидаги туркий матнда ҳам ўрни билан ҳаракат қўйилган сўзлар учрайди. Қўлёзма ҳажми 90 саҳифадан иборат.

Мазкур фондда «Муқаддамату-л-адаб» нинг XIV-XV асрларда китобат қилинган яна бир нодир нусхаси сақланади. С 271 сақланиш рақамидаги бу қўлёзма таркибига арабий-форсий-туркий сўзлик киритилган. Унинг таркибидаги туркий сўзлик анчагина қадимий қатламга мансуб бўлиб, у Рабғузийнинг «Қисасу-л-анбиё» асари тилига яқин ва ҳатто уни асар

муаллифининг замондоши киритган бўлиши мумкин[1]. Бу қўлёзма илмий адабиётларда «Самарқанд» нусхаси деб ҳам аталади. Уни В.Л.Вяткин Самарқанд шаҳридан 1897 йили сотиб олган ва Рус Академиясига топширган[2]. Мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзлик ҳар тарафлама ўрганилиши, илмий истифодага киритилиши лозим.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ МАҲАЧКАЛА ҚЎЛЁЗМАСИ

Доғистондаги Тарих, тил ва адабиёт институти фондида «Муқаддамату-л-адаб» нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган уч тилли қўлёзмаси (№ 26) мавжуд. Бу нодир нусха 731 ҳижрий, 1330 милодий йили Хоразмда котиб Маҳмуд бин Юсуф ас-Сабайни ас-Сарон томонидан кўчирилган. Унга муқаддима, исмлар ва феъллар қисмлари киритилган[3].

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ТОЖИКИСТОН НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг яна бир қўлёзмаси Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Бу арабча-форсча қўлёзма 1074\1664 йили кўчирилган. Унга муқаддима ва исмлар қисмининг бир бўлаги киритилган[4].

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ТУРКИЯ ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Туркия қўлёзма хазиналарида ҳам «Муқаддамату-л-адаб» нинг йигирмадан ортиқ қўлёзмалари сақланмоқда. Уларнинг аксарияти китобат даврига кўра анчагина қадимий ҳисобланади.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг тарихи кўрсатилган энг қадимий қўлёзмаси унинг Ёзгат нусхаси ҳисобланади. Туркиянинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 ҳужжат рақами остида сақланган мазкур қўлёзма ҳозирги Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган.

Қўлёзманинг дастлабки варақларига Қуръоннинг Нуҳ ва Жинн сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган.

[1] Бартольд В.В Собрание сочинение I, VII, - М. 1973, 465 с.

[2] Баевский С.И. Описание персидских и таджикских рукописей института народов Азии. -М. Наука, 1968, 10-12с.

[3] Каталог арабских рукописей института истории, языка и литературы Дагестанского филиала АН СССР. М., 1977, 26-27с

[4] Каталог восточных рукописей АН Таджикистана. Душанбе, I., VI., 1983, 55-56с

Асосий матн исмлар қисмининг شاح -ш а : х у н, ميان بند -м и й а : н б а н д- قرين باغى қ а р и н б а ғ и сўзи билан бошланган. Бу қисмда «Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмаларининг исмлар қисмида қўлланилган шартли қисқартмалар истифода этилган. Исмлар қисмининг матни тўлиқ, лекин махсус колофон кўринишида шакллантирилмаган. Феъллар қисми тўртбурчак нақшли унвон билан бошланган, унга كتاب الأفعال к и т а : б у-л-а ф ъ а л мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари тугал асарлардек бисмилло билан боғланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик суле-пасх хатида, қора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган ظ ط ض ص ذ د ز ر каби ҳарфлар остига нуқталар қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳам ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти қатордан матн битилган.

Ёзгат қўлёзмасидаги туркий жумлаларнинг сўз тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларидаги туркий сўзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий هنأه الطعام -ҳ а н а ' а ҳ у-т-т а ъ а : м у жумласи асарнинг «А», «В», «Г» нусхаларида سينكدى انكا ا ش -с и н г д и а н г а а ш , Ёзгат нусхасида эса طعام سنكدى انكا -т а ъ а : м с и н г д и а н г а шаклида берилган. Яна бир мисол, арабий نضحه بالماء - н а д а ҳ а ҳ у б и-л-ма:' и ибораси «А» нусхада اوردى انى سو بيرلا -у р д и а н и с у в б и р л а, «В», «Г» нусхаларида سبتى انكا سف نى -с э п т и а н г а с у в н и тарзида изоҳланган, бу жумла тавсифланаётган Ёзгат қўлёзмасида سف برلا اوردى -с у в б и р л а у р д и кўринишида келтирилган. Мазкур қўлёзма ўзининг қадимийлиги, туркий сўзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлиши зарур. Асар матни катта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган. Ундаги маълумотга кўра, бу қўлёзма 655 ҳижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Суфи ал-Муаззин томонидан кўчирилган.

Китобат даврига кўра кейинги қўлёзма Истамбул университети кутубхонасида (инв.№ 4655) сақланади. Қўлёзма асарнинг туркий сўзлик киритилган энг ноёб нусхаларидан бири ҳисобланади. Асар хотимасидаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма 715 ҳижрий йил сафар ойининг 25 куни, яъни 1315 йил 1 июн куни котиб Масъуд бин Муҳаммад бин Муса Хўжа ал-Барчкандий томонидан кўчирилган. Бу қўлёзмани Ҳожи бин Ёқуб ҳижрий 840 зу-л-ҳижжа, милодий 1437 йил июнь ойида 220 мидод дирҳамга сотиб олган.

«Муқаддамату л-адаб» нинг яна бир нодир нусхаси Ҳамад Иброҳим Ношина кутубхонасидаги 1149 рақамли қўлёзмадир. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига Ҳамад Иброҳимнинг шахсий муҳри, унинг вақфига тегишли муҳрлар урилган. У муқаддима билан бошланган. Муқаддиманинг арабий матни остида сатрма-сатр форсий таржимаси ҳам берилган. Исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг туссланишига бағишланган қисмлар тўлиқ, ўзига хос колофон билан якунланган. Асосий арабий матн йирик насх хатида, форсий матн эса настаълиқда қора сиёҳ билан берилган. Барча сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳарфлар қисмининг бошланишидаги айрим сўзларнинг остига арабий изоҳи берилган. Ҳар бир саҳифага 7 сатрдан матн жойлаштирилган.

Мазкур ноёб қўлёзма «Хоразм» шаҳридаги машҳур «Ал-Байда» мадрасасида Ибодуллоҳ Муҳаммад бин Юсуф ас-Саройи қўли билан битилган. Китобат тарихи ҳижрий 738 йил шаъбон ойининг бошлари, яъни 1388 йил февраль ойининг охири деб кўрсатилган. Ҳозирда бу қўлёзма Сулаймония кутубхонаси фондида сақланади.

Истамбулдаги Археология музейи қўлёзма фондида 1619 сақланиш рақамида рўйхатга олинган қўлёзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг муҳим нусхаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қўлёзмани Закий Валидий Тўғон «Олтин Ўрда» нусхаси деб атайди[1]. Бу қўлёзма асарнинг тўлиқ нусхаси бўлиб, унга мавжуд қисмларнинг барчаси киритилган. Асарнинг бошланиши, исмлар билан феъллар қисмларининг ораси, қўлёзманинг охирида араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар бор. Улардан бири «Хуросон устози» деб аталмиш Аҳмад бин Маҳмуд бин Муҳаммад ан-Нисопурийнинг мусиқа илмига оид рисоласидир. Қўлёзманинг ҳар бир қисми б и с м и л л о билан бошланиб т а м м а билан тугаган. Сарлавҳа қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган.Қўлёзма ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар киритилган, китоб соҳибларининг муҳрлари урилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган. Форсий матн қора, туркий матн қизил сиёҳда настаълиқ хатида битилган. Қўлёзманинг ҳажми 201 варақдан иборат. Қўлёзма таркибидаги биринчи - исмлар қисми котиб Ҳибатуллоҳ ас-Саройи қўли билан Эски Сарой шаҳрида 10 муҳаррам 741 ҳижрий йил (милодий 1340 йил 6 июль куни) ёзилган. Асарнинг иккинчи- феъллар қисми ҳам айнан шу котиб томонидан 740 ҳижрий йил шаввол ойининг бошларида (милодий 1340 йил апрель) кўчирилган. Ҳарфлар қисмининг китобат тарихи ҳам қўлёзма сўнггида кўрсатилган. У 26 муҳаррам 741 ҳижрий, яъни 1340 йил 12 июлда ёзилган. Қўлёзма таркибидаги асар қисмларининг кўчирилиш тарихи феъллар қисмининг дастлаб кўчирилганлиги, сўнгра исмлар ҳамда

[1] Togan Z. V. Zimahşeri'nin Dog'u Turkcesi ile «Mukaddimetu'l- Edeb» I // Turk Medeniyati, N 14. - Istanbul: 1965, 84s.

ҳарфлар қисмлари ёзилганлигини кўрсатади. Асар таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик матни киритилган.

Миллат кутубхонаси фондидаги 2009 сақланиш рақамли қўлёзма 749 ҳижрий, 1348 милодий йили Хоразмга қарашли Сирдарё ҳавзасидаги Жанд шаҳрида Мавлоно Ҳисомуддин ал-Жандий томонидан кўчирилган. Арабий, форсий, туркий сўзлик матнлари киритилган бу қўлёзма келгусида албатта махсус тадқиқот объекти бўлмоғи лозим.

Ҳадича Турхон нусхаси номи билан машҳур навбатдаги қўлёзма Истамбулдаги Янги Жомий кутубхонасида 322 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Бу «Муқаддамату-л-адаб» нинг ўзига хос китобат усулида ёзилган, муҳим илмий аҳамиятга эга, ноёб қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ундаги арабий сўзлик форсий ҳамда туркий муодиллар матни билан таъминланган. Қўлёзма муқаддима билан бошланади, сўнгра исмлар қисми киритилган. Исмлар қисмидаги ҳар бир сўз мақоласи алоҳида ажратиб кўрсатилган. Форсий, туркий муодиллар сатр остида жойлаштирилган бўлиб, уларнинг аксариятига ҳаракатлар қўйилган. Қўлёзма матнида «Муқаддамату-л-адаб»нинг «А» нусхаси матнида қўлланилган шартли қисқартмалар системаси ишлатилган. «А» нусхада шартли қисқартмалар ҳар иккала сўзлик учун алоҳида такрорланган бўлса. Ҳадича Турхон нусхасида форсий, туркий сўзлик учун битта шартли қисқартма қўлланилган. Исмлар қисми қуйидаги колофон билан тугаган.

تم القسم الاول من مقدمة الأدب بحمد الله تعالى و هو قسم الأسماء ويتلوه القسم الثانى وهو قسم الأفعال

«Муқаддамату-л-адаб» нинг исмларга бағишланган биринчи қисми тугади, кейинги иккинчи қисми феъллар қисмидир».

Феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг туссланишига бағишланган қисмлар бисмилло билан бошланиб, махсус хотима билан тугайди. Улардаги грамматик матн тўлиқ ҳаракатлар билан таъминланган. Қўлёзма колофонидаги маълумотга кўра, мазкур нусха котиб Абдулвоҳид бин Абдулмажид ас-Сиваси томонидан Мисрда 769 ҳижрий йили рабиу-л-охир ойида, милодий 1367 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида марҳум Амир Сирғатмиш (?) га мансуб Тулу жомеъи ёнидаги Ҳанафия мадрасасида битилган.

Қўлёзманинг кўпгина саҳифаларига Турхон Волида номи кўрсатилган муҳр урилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Матн ҳар саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган. Қўлёзманинг боши, ўртаси, охиридаги варақларига китоб соҳибининг тухумсимон муҳри урилган.

Истамбулдаги Тўпқопи саройи қўлёзмалар фонди таркибига кирган Аҳмад III кутубхонасидаги XIII-XIV асрларда кўчирилган 2243 рақамли қўлёзма, мазкур кутубхонадаги Шамс Хивақий томонидан ёзилган 2470 сақланиш рақамли XIV аср нусхаси, шунингдек, 2741 рақамли арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган қўлёзма, буларнинг барчаси

«Муқаддамату-л-адаб» матнини илмий таҳлил қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу қўлёзмалар ёзув хусусияти, китобат услубига кўра. Ўрта Осиё ҳудудидаги минтақаларда кўчирилган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг яна бир муҳим қўлёзмаси Сулаймония кутубхонасида сақланувчи 648 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхасидир.

У муқаддима билан бошланган. Арабий матннинг остида муқаддиманинг форсий таржимаси ҳам берилган. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига турли шаклдаги муҳрлар урилган. Улар орасида Ҳожи Башир Оғанинг шахсий ва вақфига тегишли муҳрлари ҳам бор. Асосий матндан олдинги варақларда бошқа асарлардан бўлаклар келтирилган ва мазкур қўлёзма Ҳожи Башир Оға қўлига ўтганлиги ҳақида ёзув ҳам битилган.

Исмлар қисми матни муқаддимага уланиб кетган. Унда Хадича Турхон қўлёзмаси матнидаги каби шартли қисқартмалар берилган. Исмлар қисми мукаммал колофон билан тугатилган. Қўлёзмадаги феъллар қисми тўлиқ берилган. Унинг колофонида асар Аҳмад бин Муҳаммад Шамсу-л-Хивақий Кубравий томонидан 8-сафар 797 ҳижрий йил (милодий 2 - декабрь 1394 йили) Мисрда ёзилганлиги кўрсатилган. Колофон ёнида эса бу қўлёзма асарнинг Хоразм олимлари томонидан кўриб чиқилган нусхалар билан Мисрда 797 йил 9 рабиу-л-аввал, (милодий 1395 йил 3 январ) куни қиёсланганлиги ҳақидаги ёзув бор. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 13 қатордан матн жойлаштирилган.

Феъллар қисми тугагандан сўнг асарнинг муқаддимаси қайтадан кўчирилган. Сўнгра исмлар қисмининг матни тўлиқ қайта келтирилган. Унинг таркибига туркий сўзлик ҳам киритилган. Исмлар қисмининг ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар, грамматик қоидалар, ҳадислардан намуналар, шеърий парчалар ёзилган. Қўлёзманинг бу қисми ҳам анчагина қадимий бўлиб, матн сўнггида унинг ҳижрий 749 (милодий 1348) йил кўчирилганлиги кўрсатилган. Саҳифага 8 қатордан матн киритилган. Ёзув услуби, китобат хусусиятларига кўра, бу қисм олдинги қисмга нисбатан илгарироқ кўчирилган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг Ҳожи Башир Оға қўлёзмаси таркибига икки нодир нусхаси киритилган. Унинг таркибидаги қадимий туркий сўзлик муҳим илмий аҳамиятга эга.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг аниқ тарихи кўрсатилган, арабий-форсий-туркий сўзлик матни киритилган нодир қўлёзмаларидан яна бири Отиф Афанди нусхаси ҳисобланади. 2768 сақланиш рақамли бу қўлёзма 799 ҳижрий, 1379 милодий йили китобат этилган. Қўлёзманинг котиби Шайх Даққоқ исми билан танилган Муса бин Мурсил бўлиб, унибу асар таркибидаги туркий сўзлик муҳим аҳамиятга эга.

Асарнинг диққатга лойиқ қўлёзмаларидан яна бири сифатида Маниса кутубхонасидаги 2850 сақланиш рақамли нусхани келтириш мумкин. Бу қўлёзма Ҳибатуллоҳ бин Қосим бин Аҳмад бин Масъуд бин Ҳисомуддин ас-Саройи томонидан Амир Мурод бин Амир Шоҳин бин Амир Иззуддин саройидаги кутубхона учун махсус кўчирилган сарой нусхаси ҳисобланади.

Қўлёзманинг бошланиш қисмидан бир неча варақ тушиб қолган. Асар муқаддиманинг خطبائهم و مترسليهم و شعرائهم -х у т а б а : и ҳ и м в а м у т а р с и л и : ҳ и м в а ш у ъ а р а : и ҳ и м сўзлари билан бошланган. Исмлар қисми тўлиқ кўчирилган. Феъллар қисми б и с м и л-л о билан бошланган. матни тўлиқ. Қўлёзманинг бошланиши ҳамда охирги варағига Маниса кутубхонасининг юмалоқ муҳри урилган. Муқаддимадаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма Аламий Али Афандининг вақфига кирган - وقف مرحوم علمى على افندى. Қўлёзма ҳошияларига кўплаб тўлдиришлар, грамматик изоҳлар киритилган. Арабий сўзлик матни йирик наск хатида, форсий сўзлик матни эса сатрлар оралиғига настаълиқ хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг жами ҳажми 270 варақдан иборат. Асарнинг мазкур нусхаси 800 ҳижрий йилнинг 25-рамазону-л-муборак, сешанба, (милодий 1398 йил 12 июнь) куни ёзиб тугатилган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг арабча-хоразмийча нусхаси Кўния нусхаси номи билан илмий истифодага кирган. Бу қўлёзма Юсуф Оға кутубхонасида дастлаб 1755, сўнгра 6919, ҳозирги кунда 5010 инвентар рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг бошланиш қисми нуқсонли бўлиб, у исмлар қисмининг «қариндош-уруғчиликка» бағишланган бобидаги عم -а м м у н -«амаки» сўзи билан бошланган.

Асарнинг исмлар қисми анъанавий хотима билан тугаган. Исмлар қисмининг умумий ҳажми 31 варақни ташкил этади. Феъллар қисмининг матни тўлиқ сақланган. Исмлар ва феъллар қисмларида ҳар бир саҳифага 8 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўз мақолаларининг араб ёзувидаги хоразмий муодили сатрлар орасига ёзилган. Мазкур қисмларнинг хотимасида уларнинг китобат тарихи кўрсатилган эмас. Қўлёзмани илмий ўрганиш, китобат хусусиятларини таҳлил этиш уни XII асрга оид деб ҳисоблашга асос бўла олади. Бундан ташқари, асарнинг арабий матни XII-XIII аср қўлёзмалари хатига ўхшаш йирик сулс-наск ёзув услубида ёзилган. Бу далил ҳам қўлёзманинг қадимийлигига ишора қилади.

Қўлёзма таркибига асарнинг учинчи-ҳарфлар, тўртинчи-исмларнинг турланиши, бешинчи-феълларнинг туслашиши қисмлари ҳам киритилган. Мазкур қисмлар дастлабки қисмлар ёзувига нисбатан кичикроқ, лекин қадимий ёзув услубида битилган. Сарлавҳалар йирик сулс-наск хатида ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хаттот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Қўлёзманинг охири ҳам нуқсонли. Нусхадан асардаги феълларнинг туслашишига бағишланган бешинчи қисм таркибига кирган ўтган, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлига бағишланган боблар, шунингдек, масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифат даражалари, макон ва замонни англатувчи исмлар қисмлари тушиб қолган. Қўлёзма ҳамзали феъллар фасли билан тугаган.

Закий Валидий Тўғон илк бор 1927 йили мазкур қўлёзма матни билан таниниган ва 1948 йили уни тадқиқ эта бошлаган. У 1951 йили Истамбулда «Хоразмча таржимали «Муқаддамату-л-адаб»» китобини нашр этади. Китоб таркибига «Кўшия» қўлёзмасининг факсимиль нашри ва у ҳақидаги қисқача мақола киритилган. Олим факсимиль нусханинг хошиясида Ветитейи нашр этган «Замахшарийнинг арабча-форсча луғати» асарининг саҳифаларини «F» ҳарфи, Исҳоқ Ҳожа Аҳмад Афандининг «Ақса ал-араб фи таржимати Муқаддамат ал-адаб» асари саҳифаларини «T» ҳарфи билан кўрсатган[1].

Анқарадаги Турк тил қурими кутубхонасида ҳам «Муқаддамату-л-адаб» нинг бир неча нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Бу қўлёзмаларнинг топилиши асарнинг нусхалари ҳақидаги маълумотларни янада бойитади. Улардан биринчиси арабча, форсча, туркий сўзлик матнлари киритилган А 187 сақланиш рақамли қўлёзмадан исмлар қисми тушиб қолган. Асар матни феъллар қисми билан бошланган. Аксарият сўз мақолаларининг арабий асли остига туркий муодили киритилган, форсий сўзлик матни эса тўлиқ акс эттирилмаган. Қўлёзма матни муҳим илмий аҳамиятга эга, чунки арабий сўзлик матни билан бир қаторда туркий сўзлик матни ҳам ўқишни осонлаштириш мақсадида ҳаракатлар билан таъминланган. Мати ҳар бир саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган бўлиб, форсий, туркий муодиллар бир текис ёзилган. Қўлёзма хошияларида турли тўлдиришлар, китоб соҳиби мухрларининг изи бор. Феъллар қисми қисқа хотима билан тугаган. Ундаги маълумотга кўра , мазкур қўлёзма 873 ҳижрий йил, ўн иккинчи зу-л-қаъда, якшанба куни пешинда, милодий 1469 йил 24 май куни Константинопол шаҳридаги Аё София мадрасасида кўчириб тугатилган. Қўлёзма таркибига «Муқаддамату-л-адаб» нинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг туслашишига бағишланган қисмлари ҳам киритилган. Уларнинг ҳар бири б и с м и л л о билан бошланиб, анъанавий т а м м а билан якунланган. Қўлёзма сўнгида котиб ҳамда китобат тарихига оид маълумотлар келтирилган. Котиб-Абдулкарим ал-Мунталавий Эр Ҳасан Базъалий ат-Тақвий.

Турк тил қурими хазинасидаги кейинги қўлёзма А 502 рақами остида сақланади.

Қўлёзма таркибига исмлар ҳамда феъллар қисмлари киритилган. Исмлар қисмининг дастлабки 4 варағи йўқолган, у кейинчалик ўзга котиб қўли билан тўлдирилган. Ҳар бир саҳифага ўн бир қатордан матн жойлаштирилган. Феъллар қисмининг матни тўлиқ бўлиб, охирги саҳифадаги матн бошқа котиб томонидан ёзилган. Мазкур қўлёзмага арабий, туркий сўзлик киритилган, лекин феъллар қисмининг бошланиш қисмидаги эллик варақ матига кейинчалик сўзларнинг форсий муодиллари қўшилган ва асосан хошияга жойлаштирилган. Форсий сўзлик хати туркий сўзлик хатидан фарқ қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур қўлёзма

[1] Horezmce Tercümeli Muqaddimat al-adab. Yayinlayan Zeri Velidi Togan- Istanbul: 1951.

таркибидаги туркий сўзлик Тошкент нусхалари таркибидаги туркий сўзлик қатламига айнан ўхшайди. Шу жиҳатдан ҳам қўлёзма матнини илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур кутубхона фондида «Муқаддамату-л-адаб» нинг туркча сўзлик киритилган бир неча нодир қўлёзмалари ҳам сақланмоқда.

Туркия қўлёзма фондларида «Муқаддамату-л-адаб» нинг яна кўплаб ноёб қўлёзмалари мавжуд. Уларнинг аксарияти Сулаймония кутубхонасига жамланган. Лекин турли шахсий қўлёзма хазиналарида ҳам ҳозирги кунда сақланаётган нусхалар бор. Улар жумласига 736 ҳижрий, 1336 милодий йили кўчирилган 674 сақланиш рақамли Лала Исмоил кутубхонаси қўлёзмасини, Бурсадаги Харажжи ўғли кутубхонасидаги 1444 рақамли нусхани, Измир, Фотиҳ, Серез, Аё София қўлёзма фондларидаги ўндан ортиқ ноёб қўлёзмаларни киритиш мумкин.

Умуман, «Муқаддамату-л-адаб» нинг Туркия қўлёзма фондларида сақланаётган нусхаларининг барчаси бир-биридан муҳим, нодир манбалар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қўлёзмаларнинг туркий сўзлик киритилган қадимий нусхаларининг аксарияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида китобат этилган. Бу эса ушбу қўлёзмаларнинг маданиятимиз, фанимиз тарихи, маънавий меросимиз сарчашмаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат этажагини кўрсатади. Асарнинг Туркия қўлёзмалари орасида асосан икки тилли арабча-форсча, арабча-туркийча, арабча-туркча, арабча-хоразмийча, уч тилли арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нусхалари учрайди. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Туркия қўлёзмаларини тадқиқ этиш асарни ўрганишда янги бир саҳифани очади.

«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ЭРОН ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Эрон қўлёзма фондларида «Муқаддамату-л-адаб» нинг саккизта нодир қўлёзмаси сақланмоқда.

Муҳим қўлёзмалардан бири асарнинг Шуштар нусхасидир. Туркиялик олим Нури Юже мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзликнинг транслитерациясини 1988 йили эълон қилди[1]. Бу қўлёзма Эроннинг Шуштар касабасида яшовчи Шайх Муҳаммад Тақийнинг кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йили Ўрҳан Билгин мазкур қўлёзмани аниқлаб, Истамбулга олиб келади ва ундан Сулаймония кутубхонасида микрофильми олинади. Қўлёзмани нашрга тайёрлаш вақтида тасвирий нусхада аниқ чиқмаган ўринларини Метрол Тулум қайтадан қўлёзма билан қиёслаб солиштириб чиқади.

[1] Nuri Yuce. Mukaddimetü'l- edeb. Hvārizm turkcesi ila Şuşter nushasi- Ankara: 1993.

Мана шу тайёрланган матн асосида Нури Юже асардаги туркий сўзликнинг тилига бағишланган тадқиқотини яратади. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Шуштар нусхасини унинг Тошкент нусхалари билан қиёслаш унинг нодир манбалардан бири эканлигини кўрсатди.

Асарнинг бошланишидан I боб феълларига бағишланган катта қисми, тўлиқ матнининг тахминан ярми тушиб қолган. Қўлёзма أفعل يفعل إفعالا афъала йуфъилу ифъа:лан қолипидаги IV боб феъллари билан бошланади. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Тошкент нусхалари таркибига юқоридаги феъл бобларининг барчаси киритилган. Тошкент қўлёзмалари матнидан Шуштар нусхасида мавжуд бўлган إفعول يفعول إفعوالا -ифъаввала йафъаввилу ифъивва:лан боби тушиб қолган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг Шуштар қўлёзмаси таркибидаги туркий сўзликнинг умумий ҳажми 3506 сўзни ташкил этади. Шу жумладан, 2908 таси туркий, 598 таси ўзлашма, яъни 450 та арабча, 133 та форсча, 5 мўғулча, 4 та хоразмча, 2 та суғдча, 2 та русча, 1 та тибетча ва 1 та юнонча сўзлардир[1].

Шуштар нусхасининг Тошкент нусхаларидан энг муҳим фарқли жиҳати шундаки, Тошкент нусхаларидаги ҳар бир арабий сўзнинг остига унинг бир туркий муодили, айрим ўринлардагина икки туркий муодил келтирилган. Шуштар нусхасида эса аксарият ҳолларда икки, уч, ҳатто тўрт туркий муодил келтирилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, икки муодилли ўринлар: чиқарди ани бурчдин, би:за:р қилди ани бурчдин (Ш.1-7); сиғиндурди ани анга, қисарлади ани анга (Ш.2-8), кэлтурди анга ўкунчни, ўкунч сўнгланди анга (Ш.5-3); ўлжалади анларға тэварни, ға:рат қилурди анларға ма:лни (Ш.5-8);

уч муодилли ўринлар: азди йўлдин, йангилиди йўлни, йава қилди йўлни (Ш.1-2); ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси тэгрэси, қизлиқлу бўлди будзунлар йани, сувсиз бўлди тўрт йани (Ш.3-5), кўнгулга душмас сўз сўзлади, ғари:б сўзлади сўз ичида, данғсуқ сўз сўзлади (Ш.4-5); ўрта бўлди ай, ай йарулади, ўртасинга йэтти ай (Ш.1-138);

тўрт муодилли ўринлар: кэнду ўзин танг кўрди, куванди кэнду ўзи бирла, тангға кэлтурулди ўзи била, кэнду тангланди (Ш.1-5); эрки қилди ма:лни, ми:ра:с алди ма:лни, эскиртти ма:лни, йиғди эски ма:лни (Ш.7-8);

[1]Nuri Yuce. Mukaddimetü'l- edeb. Hvārizm turkcesi ila tercümeli Şuşter nushasi- Ankara: 988, 24-25s.

қавушти нарса, чатуқ бўлди нарса, йаншуиди нарса, йаншуиди нарса бири биринга тэгди нарса (Ш.4-138).

Қўлёзмада эгани изоҳлаш ҳоллари ҳам учрайди, масалан: йуғурди анлар уза атлиғлари бирла, йаъни чэриги бирла (Ш.3-6, 7), ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси, тэгрэси (Ш.3-5).

Шуштар нусхасида туркий ёзма ёдгорликлар тилида XIII-XIV асрларга қадар кенг қўлланилган كندو - кэнду ўзлик олмоши ҳам учрайди. Бу олмош «Муқаддамату-л-адаб»нинг Тошкент нусхаларида фаол қўлланилган: кэнду ағир сўғал бўлди (Ш.8-22), кэнду тилаклу қилди қулни (Ш.8-25), кэнду қиёқа бўлди (Ш.7-41), кэнду ас-су алди (Ш.6-52).

